# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИ

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда, 404-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2010 й., 20-сон, 149-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-модда, 314-модда, 315-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 37-сон, 374-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда, 37-сон, 421-модда, 52-сон, 584-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда, 52-сон, 685-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

## УМУМИЙ ҚИСМ

## I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-боб. Асосий қоидалар

**1-модда. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар**

Ушбу Кодекс солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига (бундан буён матнда бюджет деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

**2-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Кодексдан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 1-бандининг биринчи хатбошиси.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодекс билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 16-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 1.1-банди.*

Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги ҳолларда ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади, агар ҳужжат:

1) ушбу Кодексга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 3 ва 4-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунининг 12 — 21, 25-26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти»нинг III —*

*V-бўлимлари, «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» (рўйхат рақами 2565, 28.02.2014 й.).*

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа, солиқ муносабатлари субъектларининг ушбу Кодексда белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини ўзгартирса;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 31—33-моддалари.*

3) ушбу Кодекс билан тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 6-моддасининг иккинчи қисми, 8-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 9-моддасининг иккинчи қисми, 67-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 71-моддасининг бешинчи, олтинчи ва саккизинчи қисмлари, 80-моддасининг ўн биринчи қисми, 89-моддасининг тўртинчи қисми, 91-моддасининг учинчи, саккизинчи ва ўн биринчи қисмлари, 92-моддасининг саккизинчи қисми, 95-моддасининг учинчи қисми, 99-моддасининг учинчи қисми ҳамда 105-моддасининг биринчи қисми.*

4) ушбу Кодексда белгиланган тушунчалар мазмунини ўзгартирган ёки бу тушунчалар ушбу Кодексда қўлланилганидан бошқача маънода қўлланилган бўлса.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Мазкур Кодекснинг 12—22-моддари.*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда, солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодексга мувофиқ эмас деб топилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари мазкур ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бу органлар ушбу Кодексга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгартишлар киритишни рад этган тақдирда, бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 276 — 278-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 24-моддаси.*

**3-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вақт бўйича амал қилиши**

Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг биринчи хатбошиси.*

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари.*

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг иккинчи ва бешинчи хатбошилари.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг тўртинчи хатбошиси.*

Янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий эълон қилинган пайтдан эътиборан камида уч ой ўтгач, амалга киритилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг тўртинчи хатбошиси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар уларда кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади.

*(3-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг тўртинчи хатбошиси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг бешинчи ва олтинчи қисмларида кўрсатилмаган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, агар бу ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошилари.*

*(3-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

**4-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар**

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси.*

### 5-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидалари ушбу Кодексда белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 6 — 11-моддалари.*

### 6-модда. Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи

Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси, мазкур Кодекс 32-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси.*

Ҳеч кимнинг зиммасига ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 23-моддасининг биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи ва еттинчи қисмлари.*

### 7-модда. Солиқ солишнинг аниқлиги принципи

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир солиқ тўловчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ биладиган тарзда ифодаланган бўлиши керак.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчилар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши керак.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 13 ва 24-моддалари.*

### 8-модда. Солиқ солишнинг адолатлилиги принципи

Солиқ солиш умумийдир.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

### 9-модда. Солиқ тизимининг ягоналиги принципи

Солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

**10-модда. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципи**

Солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

**11-модда. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципи**

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 1.2-банди.*

## 2-боб. Ушбу Кодексда қўлланиладиган асосий тушунчалар

**12-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар**

Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 23-моддасининг иккинчи қисми.*

Бошқа мажбурий тўловлар деганда ушбу Кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 23-моддасининг учинчи қисми.*

**13-модда. Солиқ тўловчилар. Солиқ агентлари. Солиқ тўловчининг вакиллари**

Солиқ тўловчилар ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддаси ва 39-моддасининг биринчи қисми ҳамда мазкур Кодекс 32-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси.*

Солиқ агентлари ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслардир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 28-моддасининг учинчи қисми, 32-моддасининг иккинчи қисми, 185-моддаси.*

Солиқ тўловчининг вакиллари қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддаси.*

Ушбу Кодексда «солиқ тўловчи» тушунчасининг қўлланилиши унинг «солиқ агенти», «солиқ тўловчининг вакили» маъносида ҳам ишлатилишини назарда тутади.

### 14-модда. Ваколатли органлар

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

1) давлат солиқ хизмати органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

2) божхона органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

3) молия органлари — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори..*

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

### 15-модда. Солиқ муносабатларининг субъектлари

Солиқ тўловчилар ва ваколатли органлар солиқ муносабатларининг субъектларидир.

### 16-модда. Юридик ва жисмоний шахслар

Юридик шахс деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган чет эл ташкилоти;

*(16-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг, чет давлатнинг қонун ҳужжатларига ёки халқаро шартномага мувофиқ ташкил этилган халқаро ташкилот.

*(16-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 16-моддаси.*

### 17-модда. Нотижорат ташкилотлари

Нотижорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Нотижорат ташкилотларига бюджет ташкилотлари, шу жумладан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар киради.

*(17-модда иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 40-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 73 — 78-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси.*

### 18-модда. Якка тартибдаги тадбиркор

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси.*

*(18-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли.

*(18-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 19-модда. Резидентлар ва норезидентлар

Ўзбекистон Республикасининг резиденти деб қуйидагилар эътироф этилади:

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.

Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди:

1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида;

2) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида;

3) ушбу қисмнинг 1-бандида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзоси сифатида, бундай жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 22-моддасининг ўн бешинчи хатбошиси, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

4) фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун;

5) агар бу жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасида фақат турист сифатида, даволаниш ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган мезонларга жавоб бермайдиган шахс Ўзбекистон Республикасининг норезиденти деб эътироф этилади.

### 20-модда. Доимий муассаса

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади. Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида бир юз саксон уч календарь кунидан ортиқ давом этадиган тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши ҳам эътироф этилади.

*(20-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 19-моддасининг учинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

«Доимий муассаса» тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

«Доимий муассаса» тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) товарларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, бутлаш, қадоқлаш, ўраш-жойлаш, реализация қилиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

2) ҳар қандай бошқарув жойи, ваколатхона, филиал, бўлим, бюро, идора, офис, хона, агентлик, фабрика, устахона, цех, лаборатория, дўкон, омборни;

3) табиий ресурсларни қазиб олиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни: шахта, кон, нефть ва (ёки) газ қудуғини, карьерни;

4) қувур, газ қувури, табиий ресурсларни қидириш ва (ёки) ишлатиш, асбоб-ускуналарни ўрнатиш, монтаж қилиш, йиғиш, созлаш, ишга тушириш ва (ёки) уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолият (шу жумладан назорат ёки кузатув фаолияти) амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

5) ўйин автоматлари (шу жумладан приставкалар), компьютер тармоқлари ва алоқа каналлари, аттракционлар, транспорт ёки бошқа инфратузилмадан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият амалга ошириладиган ҳар қандай жойни;

6) қурилиш майдонини (қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объектини), шунингдек ушбу объектларда ишларнинг бажарилишини кузатиб бориш билан боғлиқ хизматларни. Ҳар бир қурилиш майдони ишлар бошланган кундан эътиборан алоҳида доимий муассасани ташкил этувчи сифатида қаралади. Агар ёрдамчи пудратчилар Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентлари бўлса, уларнинг фаолияти ҳам шу қурилиш майдонида ишлар бошланган кундан эътиборан ёрдамчи пудратчиларнинг алоҳида доимий муассасаси сифатида қаралади;

7) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти билан шартнома муносабатлари асосида Ўзбекистон Республикасида унинг манфаатларини ифода этувчи, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг ушбу норезиденти номидан фаолият кўрсатувчи, Ўзбекистон Республикасининг шу норезиденти номидан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлган ва ундан мунтазам фойдаланувчи шахс орқали фаолиятни амалга оширишни;

8) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли бўлган, у томонидан ижарага олинаётган ёки бошқача тарзда фойдаланилаётган омборлардан (шу жумладан божхона омборларидан) товарларни реализация қилишни;

9) бошқа ишларни амалга оширишни, ўзга хизматлар кўрсатишни, бошқа фаолиятни олиб боришни, ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган фаолият бундан мустасно.

Йўллар қурилиши ёки фойдали қазилмаларни қидириш каби муайян ҳолларда, яъни фаолият олиб бориладиган жой мунтазам ўзгариб турадиган ҳолларда, доимий жойни белгилашнинг бошқа мезонларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда бутун лойиҳа унинг кўчма хусусиятидан қатъи назар, доимий муассаса сифатида қаралади.

«Доимий муассаса» тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

1) тайёргарлик ва ёрдамчи хусусиятга эга бўлган фаолиятни амалга оширишни, улар жумласига, хусусан, қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли товарларни реализация қилиш бошлангунига қадар бинолардан фақат мазкур товарларни сақлаш, намойиш этиш ва (ёки) етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тегишли товарлар захираларини товарлар реализация қилингунига қадар мазкур захираларни фақат сақлаш, намойиш этиш ва (ёки) етказиб бериш мақсадида сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан товарларни харид қилиш мақсадлари учун сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат ахборот тўплаш, уларга ишлов бериш ва (ёки) тарқатиш (сотиш ҳуқуқисиз), Ўзбекистон Республикаси норезидентининг товарлари (ишлари, хизматлари) маркетингини олиб бориш, уларни реклама қилиш ёки уларнинг бозорини ўрганиш учун, агар бундай фаолият норезидентнинг асосий фаолияти бўлмаса, сақлаб туриш;

доимий фаолият жойини фақат ушбу бандда санаб ўтилган фаолият турларининг ҳар қандай комбинациясини амалга ошириш учун, бундай комбинация натижасида вужудга келган фаолият мажмуи тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлиши шарти билан сақлаб туриш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) мустақил воситачи: брокер, воситачи, ишончли вакил, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ёки воситачилик, топшириқ шартномаси ёки шунга ўхшаш бошқа шартнома асосида фаолият кўрсатувчи ва Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан контрактларга имзо қўйиш ваколати берилмаган ҳар қандай бошқа шахс орқали фаолиятни амалга оширишни. Мустақил воситачи деганда ўзининг одатий (асосий) фаолияти доирасида иш олиб борадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норезидентидан юридик ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган шахс тушунилади;

*(20-модда бешинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 19-моддасининг учинчи қисми ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 817, 832-моддалари.*

3) товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш операцияларини, шу жумладан фақат Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан тузиладиган ва Ўзбекистон Республикасида товарларни харид қилиш, шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикасига экспорт қилиш бўйича операциялар билан боғлиқ ташқи савдо контрактлари доирасида операцияларни амалга оширишни;

4) Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан қимматли қоғозларга, юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бошқа мол-мулкка эгалик қилишни. Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бундай юридик шахс зиммасига вакиллик вазифаларини ҳам юкласа, ушбу қисмнинг 1-бандига мувофиқ тайёргарлик ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлган вазифалар бундан мустасно, бундай юридик шахс мустақил солиқ тўловчи бўлиши билан бирга бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси сифатида ҳам қаралади;

5) ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган доимий муассасанинг белгилари мавжуд бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резидентига ёки Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига ходимлар ажратишни, агар бундай ходимлар фақат улар ўзлари юборилган ташкилот номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрсалар.

Ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бошланган кунни қатъий белгилаш мумкин бўлса, доимий муассаса шу кунда ташкил этилган деб ҳисобланади. Агар бундай кунни қатъий белгилаш мумкин бўлмаса, қуйида келтирилаётган кунлардан бири доимий муассаса ташкил этилган кун деб ҳисобланади:

ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш бошланадиган, контрактда кўрсатилган кун;

агар лицензия муайян контракт бўйича бирон бир ишни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мақсадида олинган бўлса, лицензиянинг амал қилиши бошланадиган кун.

Ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳаракатлардан энг олдингиси содир этилганда, доимий муассаса ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қурилиш майдони (қурилиш, монтаж қилиш ёки йиғиш объекти) пудратчига майдонни топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган пайтдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасасини ташкил этади.

Доимий муассаса шу муассаса орқали олиб борилаётган фаолият тугатилган пайтдан эътиборан тугатилган ҳисобланади. Агар мазкур пайтни қатъий аниқлаб бўлмаса, қуйида келтирилаётган кунларнинг энг кейингиси доимий муассасанинг фаолияти тугатилган кун деб ҳисобланади:

бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар далолатномаси имзоланган кун;

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси томонидан бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш учун охирги ҳисобварақ берилган кун;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг якуний ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига амалда тақдим этилган кун.

### 21-модда. Молиявий ижара

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Молиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

*(21-модданинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижара олувчининг мулкига ўтса;

молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

*(21-модданинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»нинг (рўйхат рақами 475, 14.08.1998 й.) 70.4-банди.*

### 22-модда. Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар

Ушбу Кодексда қўлланиладиган бошқа тушунчалар:

**асосий иш жойи** — иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритиши шарт бўлган иш жойи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддаси, «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (рўйхат рақами 402, 29.01.2008 й.) 1.1–1.6-бандлари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**асосий фаолият тури** — юридик шахснинг ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги соф тушум улуши устунлик қиладиган фаолияти;

*(22-модданинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот** — биргаликдаги фаолият натижаси бўлган товарлар (ишлар, хизматлар);

*(22-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**бюджетдан ажратиладиган субсидия** — давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет ҳисобидан бериладиган пул маблағлари; солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблағлар;

*(22-модданинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**грант** — давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга беғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига беғараз асосда бериладиган мол-мулк;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**дивидендлар** — акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида (иштирокчилари, аъзолари ўртасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг бир қисми; юридик шахс тугатилганда мол-мулкни тақсимлашдан олинган, шунингдек муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига (устав капиталига) ҳисса сифатида киритган мол-мулкнинг қиймати чегирилади, тақсимланмаган фойда устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш учун йўналтирилган тақдирда, юридик шахс акциядорининг, муассисининг (иштирокчисининг, аъзосининг) қўшимча акциялар қиймати, акциялар номинал қийматининг ошиши, улуш (пай, ҳисса) қийматининг ошиши тарзида олинган даромадлари;

*(22-модданинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**ижара (лизинг) тўлови** — ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»нинг (рўйхат рақами 1946, 24.04.2009 й.) 14-банди.*

**ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади** — бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектининг қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир қисми;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (6-сонли БҲМС) «Ижара ҳисоби»нинг (рўйхат рақами 1946, 24.04.2009 й.) 15-банди.*

**инсонпарварлик ёрдами** — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятга молик буюмлар, халқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш,

кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сонли қарори билан тасдиқланган «Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисида»ги низомнинг 2-банди.*

**ишларни (хизматларни) экспорт қилиш** — ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни 11-моддасининг бешинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**кредит ташкилотлари** — тегишли лицензияга эга бўлган банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари;

*(22-модданинг ўн иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

**курс бўйича фарқ** — миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**мол-мулк** — эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, ҳиссалар) ҳамда номоддий объектлар;

*(22-модданинг ўн тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддаси.*

**оила аъзолари** — эр (хотин), ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ва болалар, шу жумладан фарзандликка олинганлар;

**оператив ижара** — молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 535-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги Қонуни 1-модассининг биринчи хатбошиси.*

**реализация қилиш** — сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганликни тасдиқловчи ҳужжатлардир;

**роялти** — қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар:

фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар

объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

саноат мулки объектига, товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига), савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун;

*(22-модданинг йигирманчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1041 — 1079-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 12, 15, 19, 21, 23, 25, 26 — 31, 33-моддалари, Узбекистон Республикаси «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунининг 7, 8, 12, 13-моддалари.*

**савдо фаолияти** — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинниг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинниг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари»нинг 2-банди.*

**солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** — солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 23-моддасининг бешинчи қисми ва 348—375-моддалари.*

**солиқ қарзи** — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан ушбу Кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**соф тушум** — товарлар (ишлар, хизматлар) нархида ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум;

*(22-модданинг йигирма тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

**соф фойда** — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда;

**таннарх** — маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳолашнинг умумий тушунча ва принциплари» (1-БМС)нинг (рўйхат рақами 1604, 24.07.2006 й.) 3-бўлими, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг*

*таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом «Б»-бўлими 1-бандининг бешинчи — саккизинчи хатбошилари.*

**товар оборoти** — муайян давр ичида савдо фаолиятини амалга ошириш чоғида товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), пулда ифодаланган маблағлар;

**товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум** — реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати;

**товарларни экспорт қилиш** — Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан товарларни, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун 11-моддасининг учинчи қисми.*

**тўлов манбаи** — солиқ тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс;

**умидсиз қарз** — суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз;

**фавқулодда ҳолатлар** — тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), бошқа табиий офатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди;

**фоизлар** — ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек депозит қўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад;

**ютуқ** — лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар;

**яқин қариндошлар** — эр, хотин, ота-она, болалар, туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, боболар, бувилар, неваралар;

**Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри** — солиқ тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими;

**қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар** — буюртмачига тегишли хом ашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ҳамда тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарилади;

**ҳужжат билан тасдиқланган харажатлар** — операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

## 3-боб. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тизими

### 23-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқларга қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 126 — 166-моддалари.*

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 167 — 196-моддалари.*

3) қўшилган қиймат солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 197 — 228-моддалари.*

4) акциз солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 229 — 241-моддалари.*

5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 242 — 256-моддалари.*

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 257 — 264-моддалари.*

7) мол-мулк солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 265 — 277-моддалари.*

8) ер солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 278 — 294-моддалари.*

9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 295 — 300-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

*(23-модданинг иккинчи қисми ўнинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 301 — 304-моддалари.*

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 305 — 315-моддалари.*

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 316 — 325-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

$2^{1}$) бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;

*(23-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан 2[1]-банд билан тўлдирилган — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

3) давлат божи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 326 — 342-моддалари.*

4) божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 343 ва 344-моддалари.*

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 345 — 347-моддалари.*

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.

Ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қуйидаги солиқлар қўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 348 — 375-моддалари.*

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1—6-бандларида, учинчи қисмининг 1—4-бандларида, бешинчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлардир. Ушбу модда иккинчи қисмининг 7—10-бандларида, учинчи қисмининг 5-бандида, бешинчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар жумласига киради.

Давлат умуммиллий дастурларини амалга ошириш даврида тегишли жамғармалар ташкил этилиши мумкин бўлиб, уларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар белгиланади.

### 24-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ тўловчилар, шунингдек ушбу солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур элементлар белгилаб қўйилган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:

солиқ солиш объекти;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 25-моддаси.*

солиқ солинадиган база;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 26-моддаси.*

ставка;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

ҳисоблаб чиқариш тартиби;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 28-моддаси.*

солиқ даври;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 29-моддаси.*

солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 45-моддаси.*

тўлаш тартиби.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 164, 188, 193, 226, 240, 247, 251, 253, 254, 264, 271, 286, 294, 300, 304, 310, 311, 319, 336 — 341, 347, 360, 369 ва 375-моддалари.*

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов белгиланаётганда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ имтиёзлари, шунингдек уларнинг солиқ тўловчи томонидан қўлланилиши учун асослар назарда тутилиши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 30, 158, 179, 180, 208 — 211, 261, 269, 282, 290, 308, 324, 329 — 335, 358, 367 ва 376 — 378-моддалари.*

Солиқ тўловчилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан белгиланади.

### 25-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ солиш объекти солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 39 — 42-моддалари.*

### 26-модда. Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27, 128, 170, 204 — 207, 235, 245, 250, 259, 267, 274, 281, 289, 296-моддалари, 302-моддасининг иккинчи қисми, 307, 317, 323, 356 ва 366-моддалари.*

### 27-модда. Ставка

Ставка солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 160, 181, 182-моддалари, 212-моддасининг биринчи қисми, 214 — 217-моддалари, 256-моддасининг биринчи қисми, учинчи қисмининг 4-банди, 276-моддасининг биринчи қисми, 283, 291-моддалари, 326-моддасининг учинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори.*

### 28-модда. Ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қоидаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш мажбурияти давлат солиқ хизмати органи ёки солиқ агенти зиммасига юклатилиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим турдаги солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда уларнинг тўланиши лозим бўлган энг кам миқдори белгиланади.

*(28-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 186-моддаси, 263-моддасининг иккинчи қисми, 271-моддасининг олтинчи қисми, 277-моддасининг биринчи қисми, 293-моддасининг биринчи қисми, 375-моддасининг учинчи қисми, 392-моддасининг бешинчи қисми.*

### 29-модда. Солиқ даври

Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Жорий тўловларни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган давр ҳисобот даври бўлмайди.

### 30-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар

Ушбу Кодексда, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

*(30-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги 281-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида»ги низом.*

Солиқ тўловчи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бош бошқармалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг муассасалари ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 6-банди.*

## 4-боб. Солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 31-модда. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлардан амалдаги солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида ахборот олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 10-моддаси.*

ўз солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан давлат солиқ хизмати органлари ҳамда бошқа ваколатли органлардаги мавжуд маълумотларни олиш;

солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки ўз вакили орқали ифода этиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 13-моддаси.*

ушбу Кодексда, бошқа қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида белгилаб қўйилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ҳамда тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлардан фойдаланиш;

солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималарнинг ортиқча тўланган ёки ундирилган суммаларини ҳисобга олиш ёки қайтариб олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 56 — 58-моддалари.*

ушбу Кодексда ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган шартларда ва тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 54 — 55-моддалари, «Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1502, 02.08.2005 й.).*

солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 46-моддаси.*

солиқ текширувлари материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 101-моддасининг учинчи — олтинчи қисмлари, 102-моддасининг еттинчи, саккизинчи қисмлари.*

солиқ текширувларини амалга ошираётган давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бажаришга доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 102-моддасининг бешинчи қисми.*

давлат солиқ хизмати органларининг, бошқа ваколатли органлар ва улар мансабдор шахсларининг ушбу Кодексга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари ҳамда талабларини бажармаслик;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 2-моддасининг учинчи — бешинчи қисмлари.*

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 122 — 125-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни.*

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг қонунга хилоф қарорлари ёки улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14, 990-моддалари, мазкур Кодекснинг 105-моддаси.*

Солиқ тўловчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчининг солиқ муносабатларида шахсан иштирок этиши уни вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, худди шунингдек вакилнинг иштирок этиши солиқ тўловчини бундай муносабатларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 13-моддасининг биринчи, учинчи хатбошилари.*

Солиқ тўловчи вакилларининг мазкур солиқ тўловчининг солиқ муносабатларидаги иштироки муносабати билан содир этилган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) солиқ тўловчининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) деб эътироф этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 13-моддасининг биринчи, учинчи хатбошилари.*

### 32-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари

Солиқ тўловчилар:

ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 34 — 36-моддалари.*

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 43 — 47-моддалари,Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 16-моддалари.*

давлат солиқ хизмати органларига ва бошқа ваколатли органларга имтиёзлар олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;

солиқ текширувлари ўтказилаётган вақтда давлат солиқ хизмати органларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ҳамда маълумотларни тақдим этиши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 94-моддаси.*

давлат солиқ хизмати органларининг ва бошқа ваколатли органларнинг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек мазкур органларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисдаги кодекснинг 198-моддаси.*

Солиқ агентлари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиши;

солиқ тўловчиларга тўланган даромадларнинг, ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритиши, шу жумладан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 33-модда. Ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Кодекс ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 5 — 6-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 5 — 6-моддалари.*

## II БЎЛИМ. СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРИШ

## 5-боб. Солиқ мажбуриятини бажаришнинг умумий қоидалари

### 34-модда. Солиқ мажбурияти

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 71 — 81, 84-моддалари.*

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 39, 41, 42-моддалари.*

молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 43 — 46-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 16 — 19-моддалари.*

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 48-моддаси.*

### 35-модда. Солиқ мажбуриятини бажариш тартиби

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, ушбу Кодексга ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 51-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари, 52-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмлари, 188-моддаси, 305-моддасининг учинчи қисми.*

Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқ мажбурияти мазкур алоҳида бўлинмалар томонидан, агар уларга алоҳида мол-мулк ажратилган бўлса ва улар мустақил балансга эга бўлса, мустақил равишда бажарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулк ишончли бошқарувга топширилганда бошқарув муассиси бўлган солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти, агар бу мажбурият унга бошқарув муассиси томонидан юклатилган бўлса, ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши мумкин.

*(35-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 59 — 65-моддалари.*

### 36-модда. Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари

Солиқ мажбурияти ушбу Кодексда белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 61-моддаси, 164-моддасининг биринчи, учинчи, олтинчи, еттинчи қисмлари, 188-моддасининг биринчи қисми, 193-моддасининг бешинчи қисми, 226, 240-моддалари, 247-моддасининг учинчи қисми, 251-моддаси, 253-моддасининг иккинчи қисми, 254-моддасининг еттинчи қисми, 264-моддасининг учинчи, бешинчи, еттинчи қисмлари, 271-моддасининг учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи қисмлари, 277-моддасининг ўн биринчи қисми, 286-моддаси, 294-моддасининг олтинчи қисми, 300-моддасининг тўртинчи, еттинчи қисмлари, 304-моддасининг тўртинчи қисми, 311-моддасининг бешинчи, ўнинчи қисмлари, 315-моддасининг учинчи қисми, 319-моддасининг учинчи қисми, 325-моддасининг биринчи, бешинчи қисмлари, 336-моддасининг биринчи қисми, 340-моддаси, 347-моддасининг учинчи қисми, 360-моддасининг бешинчи қисми, 369-моддасининг бешинчи қисми, 375-моддаснинг тўртинчи қисми.*

Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Агар солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

### 37-модда. Солиқ мажбуриятининг тугатилиши

Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

унинг вафот этиши билан;

уни вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кириши билан.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 36-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 217-моддаси.*

Юридик шахснинг солиқ мажбурияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

у тугатилганидан кейин;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси, 55-моддасининг ўн биринчи қисми.*

у қўшиб олиш (қўшиб олинган юридик шахсга нисбатан), қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганидан кейин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддаси.*

### 38-модда. Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати

Давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 56 — 58-моддалари.*

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва тикланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 156 — 160-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 7-бандининг биринчи ва учинчи хатбошилари.*

## 6-боб. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш

### 39-модда. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисоби

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича солиқ солиш объекти ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ушбу Кодекснинг Махсус қисмига мувофиқ белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 127, 169, 198, 230, 244, 249, 258, 266, 273, 280, 288, 296-моддалари, 302-моддасининг биринчи қисми, 306, 313, 317, 322, 328, 346, 355, 365-моддалари, 372-моддасининг биринчи қисми, 392-моддасининг иккинчи қисми.*

Солиқ тўловчиларнинг даромадлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади (ҳисоблаб ёзиш усули).

Мол-мулкни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 40-модда. Айрим ҳолларда солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш

Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисида, шунингдек шунга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар тўғрисида ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқлаши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланиши керак бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2110, 31.05.2010 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар ўзаро алоқадор юридик шахслар ўз тижорат ва молиявий муносабатларида ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланилиши мумкин бўлган нархлардан фарқ қиладиган нархларни қўлласа, солиқ солинадиган база товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш нархлари асосида ҳисоблаб чиқариладиган солиқ солиш объектини аниқлашда давлат солиқ хизмати органлари ўзаро алоқадор бўлмаган юридик шахслар ўртасида қўлланиладиган нархлардан фойдаланади.

Ўзаро алоқадор юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва уларнинг чет давлатлар юридик шахслари бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

чет давлатларнинг юридик шахслари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар бўлган муассислари (иштирокчилари, аъзолари);

муассислари (иштирокчилари, аъзолари) айни бир юридик ёки жисмоний шахслар бўлган Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар ва чет давлатларнинг юридик шахслари.

*(40-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 41-модда. Ҳисоб ҳужжатлари. Ҳисоб ҳужжатларини тузиш ва сақлаш

Ҳисоб ҳужжатлари солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатлардан иборатдир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 9-10-моддалари.*

Ҳисоб ҳужжатлари қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тузилади ҳамда ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати тугагунига қадар сақланади.

Юридик шахс қайта ташкил этилганда қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳисоб ҳужжатларини сақлаш мажбуриятлари унинг ҳуқуқий вориси зиммасига юклатилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 50-моддаси.*

Юридик шахс тугатилганда ҳисоб ҳужжатлари тегишли давлат архивига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 55-моддаси.*

### 42-модда. Алоҳида-алоҳида ҳисоб ва уни юритиш қоидалари

Ушбу Кодексда солиқ солишнинг турли тартиби назарда тутилган фаолият турларини амалга ошираётган солиқ тўловчилар солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 221-моддасининг олтинчи қисми, 260-моддасининг учинчи қисми, 313-моддасининг тўртинчи қисми, 317-моддасининг тўртинчи қисми, 348-моддасининг иккинчи қисми, 353-моддаси, 363-моддасининг саккизинчи қисми, 371-моддасининг учинчи қисми, 379-моддасининг тўртинчи қисми, 380-моддасининг биринчи қисми, 389-моддасининг учинчи қисми.*

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Фаолиятнинг муайян турига тааллуқли барча даромадлар ва харажатлар тегишли ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланиши керак.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисоби мутаносиб усул ёки тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули орқали юритилиши мумкин.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш усули юридик шахснинг бутун календарь йилга мўлжалланган ҳисоб сиёсати билан белгиланади ҳамда йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Ҳисобга олишнинг мутаносиб усулида даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар реализация қилишдан олинган соф тушумнинг умумий суммасидаги фаолиятнинг муайян турлари бўйича реализация қилишдан олинган соф тушум улушига мутаносиб тарзда шу муайян фаолият турига киритилади.

Тўғридан-тўғри ҳисобга олиш усули қўлланилганда даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар фаолиятнинг қайси тури амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса, шу турга киритилади. Бунда фаолиятнинг бирон турига киритиш мумкин бўлмаган даромадлар, харажатлар ва солиқ солишнинг бошқа объектлари ёки солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобга олишнинг мутаносиб усули орқали фаолиятнинг муайян турига киритилади.

## 7-боб. Солиқ ҳисоботи

### 43-модда. Солиқ ҳисоботи тушунчаси

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир

иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжати бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сонли «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2439, 22.03.2013 й.) 1-банди.*

**44-модда. Солиқ ҳисоботини тузиш**

Солиқ ҳисоботи қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунининг 5, 6-моддалари, «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом (рўйхат рақами 1756, 03.01.2008 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак, шунингдек агар у кичик тадбиркорлик субъекти бўлмаган юридик шахс бўлса, унинг муҳри билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги и Қонуни 3-моддасининг иккинчи хатбошиси.*

*(44-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахс — солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этилади. Ушбу қисмнинг қоидалари ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

*(44-модда учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 51, 55-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солиқ даври бошланганидан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади.

*(44-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

Солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

### 45-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи томонидан ушбу Кодексда белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Айрим турдаги солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи ҳам ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда объектлар бўйича ҳисобга қўйилган жой бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Жисмоний шахслар солиқ декларациясини яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 191, 192-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар, агар ушбу модданинг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўз хоҳишларига кўра қуйидагича тақдим этишга ҳақли:

*(45-модда тўртинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

шахсан олиб бориб бериш тартибида;

почта орқали буюртма хат билан;

телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисоботини телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

*(45-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Солиқ ҳисоботини давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш санаси қуйидагилардир:

солиқ ҳисоботи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этилганда — солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органи томонидан қабул қилиб олинган сана;

солиқ ҳисоботи почта орқали буюртма хат билан тақдим этилганда — алоқа ташкилотининг тамғасида кўрсатилган, почта жўнатмаси жўнатилган сана;

солиқ ҳисоботи электрон ҳужжат тарзида тақдим этилганда — электрон ҳужжат давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган сана.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом (рўйхат рақами 1756, 03.01.2008 й.).*

Давлат солиқ хизмати органи шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилиб олишни рад этишга ҳақли эмас ҳамда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши шарт.

Солиқ ҳисоботи телекоммуникация алоқа каналлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини алмаштириладиган магнит (электрон, оптик) манбаларда ёки алоқанинг телекоммуникация каналлари воситасида тақдим этишнинг тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низомнинг (рўйхат рақами 1756, 03.01.2008 й.) 13-банди*

Солиқ ҳисоботи дастлабки тарзда камерал назорат қилинмасдан ва унинг мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 70-моддаси.*

Солиқ ҳисоботи қуйидаги ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган деб ҳисобланади, агар унда:

солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса;

солиқ даври ва (ёки) солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;

ушбу Кодекснинг 43 ва 44-моддаларида солиқ ҳисоботини тузишга доир белгиланган талаблар бузилган бўлса.

Белгиланмаган шаклдаги солиқ ҳисоботи тақдим этилганда давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида бу ҳақда солиқ тўловчига ёзма билдириш юборади ва аниқ фикр-мулоҳазаларни кўрсатган ҳолда уни маромига етказиш учун қайтаради.

Камчиликлари тузатилган солиқ ҳисоботи уни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагунига қадар тақдим этилган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 115-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг биринчи-иккинчи қисмлари.*

### 46-модда. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллуқли хатоларни ўзи мустақил равишда аниқлаган солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичида ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Мазкур норма давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда қўлланилмайди.

*(46-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(46-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларига пеня ҳисобланган ҳолда мазкур тафовут қўшилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 120-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан шахсий варақада солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдорига камайтирилганлиги акс эттирилади. Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеняларнинг ортиқча тўланган суммаси ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобга олинади ёки қайтарилади.

*(46-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 56 — 58-моддалари.*

### 47-модда. Солиқ ҳисоботини сақлаш муддати

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларида ва солиқ тўловчида ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида сақланади.

*(47-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(47-модда иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган— ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

## 8-боб. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш

### 48-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти

Солиқ тўловчининг муайян солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолатлар бўлган тақдирда, мавжуд солиқ қарзини узиш мажбурияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти деб ҳисобланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 50-моддасининг тўртинчи, бешинчи қисмлари, 52-моддасининг тўртинчи — саккизинчи қисмлари, 54, 55-моддалари, 56-моддасининг иккинчи қисми, 60 — 65-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг ҳисобварағида етарлича пул маблағлари бўлган тақдирда, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш учун банкка тўлов топшириқномаси тақдим этилган пайтдан эътиборан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов нақд пул маблағлари билан тўланганда эса пул суммаси банкка ёки ваколатли орган кассасига топширилган пайтдан эътиборан бажарилган деб ҳисобланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг депозит ҳисобварақларига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхалари солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилган тақдирда ҳам бажарилган деб ҳисобланади.

*(48-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномаси солиқ тўловчи томонидан чақириб олинган ёки банк томонидан солиқ тўловчига қайтарилган тақдирда, шунингдек агар солиқ тўловчи банкка тўлов топшириқномасини тақдим этган пайтда бу солиқ тўловчининг ҳисобварағига қўйилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган,

бажарилмаган талаблар мавжуд бўлса ҳамда солиқ тўловчи барча талабларни қаноатлантириш учун ҳисобварақда етарлича пул маблағларига эга бўлмаса, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов тўланган деб ҳисобланмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 784-моддаси.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти ушбу Кодекснинг 10-бобида белгиланган тартибда ҳисобга олиш орқали ҳам бажарилиши мумкин.

Солиқ агентининг ушлаб қолинган суммаларни бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ўтказишга доир мажбурияти ушбу модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ бажарилган деб ҳисобланади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш миллий валютада, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса чет эл валютасида амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 193-моддасининг иккинчи қисми, 336-моддасининг саккизинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарори билан тасдиқланган Бож ставкалари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларнинг тарифлари.*

Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси солиқ тўловчи томонидан ушбу Кодексда белгиланган муддатларда тўланади. Ушбу Кодекснинг 9-бобида назарда тутилган ҳолларда солиқ тўловчига солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни, шунингдек пеняни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

Солиқ мажбуриятининг солиқ тўловчи томонидан бажарилмаганлиги ёки ушбу Кодексда белгиланган тартиб бузилган ҳолда бажарилганлиги унга нисбатан солиқ мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 59, 62 — 65-моддалари.*

Солиқ солинадиган базани ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу Кодексда белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилган ҳолларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти давлат солиқ органининг ёзма талабномаси олинган санадан эътиборан юзага келади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 260-моддасининг ўнинчи қисми.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкциялар бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги тартибда ўтказилади:

асосий сумма;

ҳисобланган пеня;

жарималар.

### 49-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисоби солиқ тўловчилар томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.*

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органи билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятлари бажарилишига доир солиштирма далолатнома тузишни талаб қилишга ҳақли. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига солиштирма далолатнома тузишни рад этишга ҳақли эмас.

### 50-модда. Юридик шахс тугатилганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ихтиёрий тугатиш ҳоллари бундан мустасно, тугатувчи беш кунлик муддат ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда маълум қилади. Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор этади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 54-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

Юридик шахс давлат солиқ хизмати органига тугатиш балансини тақдим этиш билан бир вақтда ҳисоботларни ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Юридик шахс тугатилган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу юридик шахснинг пул маблағлари, шу жумладан унинг мол-мулкини реализация қилишдан олинган пул маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида тугатувчи томонидан бажарилади.

Юридик шахсни тугатиш даврида юзага келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек пеня ва жарималарни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти юзага келишига қараб, ушбу Кодексда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда бажарилади.

Тугатилаётган юридик шахснинг ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ узилмаган солиқ қарзи умидсиз деб эътироф этилади.

Агар тугатилаётган юридик шахсда ортиқча тўланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар суммаси бўлса, мазкур суммалар ушбу Кодекснинг 10-бобида белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахс хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган тақдирда, тугатишга доир иш юритишнинг бутун даврида мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблаш тўхтатиб турилади.

*(50-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан еттинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Хўжалик судининг юридик шахсни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарори мол-мулк солиғи, ер солиғи, шунингдек аввал ҳисобланган ва ундирилмаган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ва жарималар ҳисоблашни тўхтатиш учун асос бўлади.

*(50-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан саккизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахс банкротлиги тўғрисидаги ишни юритиш тугатилган ва унинг тўлов қобилияти тикланган тақдирда, хўжалик судининг банкротлик тўғрисидаги ишни юритишни тугатиш ҳақидаги қарори қабул қилинган санадан эътиборан, ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 42-бандининг биринчи хатбоши.*

*(50-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан тўққизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

**51-модда. Юридик шахс қайта ташкил этилганда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш**

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти ушбу моддада белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) томонидан бажарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 50-моддаси.*

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятини бажариш, қайта ташкил этиш тугаллангунига қадар ҳуқуқий ворисга (ҳуқуқий ворисларга) қайта ташкил этилаётган юридик шахс солиқ мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги фактлари ва (ёки) ҳолатлари маълум бўлганлиги ёхуд маълум бўлмаганлигидан қатъи назар, унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) зиммасига юклатилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 50-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 42-бандининг иккинчи, учинчи хатбошилари.*

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларининг бажарилиши муддатларини шу юридик шахснинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) учун ўзгартирмайди.

Ҳуқуқий ворисни (ҳуқуқий ворисларни), шунингдек ҳуқуқий ворисларнинг юридик шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришдаги иштироки улушини белгилаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахс қайта ташкил этилгунига қадар у ортиқча тўлаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг суммалари шу юридик шахс ҳуқуқий ворисининг (ҳуқуқий ворисларининг) шахсий карточкасига юридик шахсни қайта ташкил этиш тугалланган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши керак.

Юридик шахснинг солиқ қарзи ёки у қайта ташкил этилгунига қадар ортиқча тўланган солиқ ёки мажбурий тўлов суммаларини қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворислари ўртасида тақсимлаш ҳар бир ҳуқуқий ворисининг улушига мувофиқ амалга оширилади.

**52-модда. Солиқ тўловчи вафот этган, бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган ҳолларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш**

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ва (ёки) жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1113-моддасининг биринчи қисми, 1118-моддаси.*

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган

тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича қарзининг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Меросхўр бўлмаган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи умидсиз қарз ҳисобланади.

Солиқ қарзига эга бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ва (ёки) унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида унга (уларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи қонун ҳужжатларига мувофиқ бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 33,34-моддалари.*

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг васийси томонидан муомалага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 30,32-моддалари.*

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган (йўқ бўлган) тақдирда, унинг солиқ қарзининг кўрсатилган мол-мулк қийматидан ортиқ қисми умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлигини бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёки жисмоний шахсни муомалага лаёқатли деб топиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, илгари ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзининг амал қилиши, даъво қилиш муддатидан қатъи назар, қайта тикланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 30-моддасининг учинчи қисми, 35-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва қатъий белгиланган солиқни тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади.

*(52-модданинг тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**53-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларининг, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларининг банклар томонидан бажарилиши**

Банклар солиқ тўловчининг солиқни ва (ёки) бошқа мажбурий тўловни ўтказишга доир тўлов топшириқномаларини, шунингдек тегишли ваколатли органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини ушбу Кодексда белгиланган тартибда бажариши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 784-моддаси, мазкур Кодекснинг 63-моддаси, 64-моддасининг тўққизинчи, ўнинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан*

*Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 37-банди.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини тегишли бюджет ёки давлат мақсадли жамғармасининг ҳисобварағига киритиш солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш деб эътироф этилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказишга доир тўлов топшириқномаси ёки уларни тегишли бюджет ёхуд давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги тегишли ваколатли органнинг инкассо топшириқномаси, тўлов топшириқномаси ёки инкассо топшириқномаси олинганидан кейинги операция кунидан кечиктирмай ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари қоидалари банк томонидан инобатга олинган ҳолда бажарилади. Инкассо топшириқномасига доир бундай операциялар бўйича хизмат кўрсатганлик учун ҳақ олинмайди.

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлган тақдирда, банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини ўтказиш тўлов топшириқномаларини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармаларига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаларини бажаришни кечиктиришга ҳақли эмас.

Солиқ тўловчининг ҳисобварақларида пул маблағлари бўлмаган ёки улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш тўлов топшириқномасини ёки тегишли ваколатли органнинг уларни тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, бундай топшириқномалар мазкур ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушишига қараб, ҳар бир шундай келиб тушишдан кейинги операция кунидан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида бажарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 784-моддасининг иккинчи, учинчи қисмлари.*

Банкнинг айби билан солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини ўтказиш топшириқномаси, тегишли ваколатли органнинг уларни ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномаси бажарилмаган (бажарилиши кечиктирилган) тақдирда, банкдан ҳар бир кечиктирилган кун учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўтказилмаган суммасини 0,5 фоизи миқдорида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

*LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 37.2-банди.*

## 9-боб. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш

### 54-модда. Солиқ қарзини тўлашни кечиктиришнинг ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг умумий шартлари

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни*

*тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида»ги Низомнинг (рўйхат рақами 1442, 14.01.2005 й.) II бўлими, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 8-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкциялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли.

*(54-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиш даври бошланишидан эътиборан тўхтатиб турилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақми 1724, 09.10.2007 й.).*

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдекпеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1442, 17.01.2005 й.).*

Ушбу модданинг қоидалари божхона тўловларини ва давлат божини тўлашга татбиқ этилмайди. Божхона тўловларини ва давлат божини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 110-моддаси, «Божхона тўловларининг тўланиши муддатининг узайтирилиши ва бўлиб-бўлиб тўланиши бўйича йўриқнома» (рўйхат рақами 697, 08.04.1999 й.).*

### 55-модда. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилишини тугатиш

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши у (улар) берилган муддат ўтганидан кейин тугайди.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши солиқ тўловчи кечиктирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўланадиган солиқ қарзининг жами суммасини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш муддати ўтгунига қадар тўлаган ёки солиқ тўловчи кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш шартларини бузган ҳолларда муддатидан илгари тугатилади.

## 10-боб. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ҳамда қайтариб бериш

### 56-модда. Солиқнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқнинг бюджетга тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ солиқнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 43-моддаси.*

*(56-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ортиқча тўланган сумма солиқ қарзини қуйидаги кетма-кетликда узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак:

1) солиқнинг мазкур тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;

2) бошқа турдаги солиқлар бўйича қарзни узиш ҳисобига;

3) бошқа турдаги солиқлар бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига;

4) мазкур солиқ бўйича келгуси тўловлар ҳисобига;

5) бошқа турдаги солиқлар бўйича келгуси тўловлар ҳисобига.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил равишда солиқ тўловчининг аризасисиз амалга оширилади, солиқ тўловчи бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ёзма равишда хабардор этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модда иккинчи қисмининг 2, 3 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолларда ортиқча тўланган солиқни ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчи ёзма ариза берган санадан эътиборан уч кунлик муддатда ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисидаги хулосани молия органларига тақдим этиши шарт.

*(56-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи тегишли молия органларига ушбу модда иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида мустақил равишда хулоса тақдим этиши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш бу хусусда хулоса берилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида амалга оширилади.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси бошқа солиқ тўловчининг солиқ қарзини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 9-банди.*

### 57-модда. Ортиқча тўланган солиқлар суммаларини қайтариш

Ушбу Кодекснинг 56-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиш амалга оширилганидан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммаси солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш орқали қайтарилиши керак.

Ортиқча тўланган солиқ суммаларини қайтариш давлат солиқ хизмати органи қайтариш учун солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида хулоса тақдим этган тақдирда, қайтариш тўғрисидаги ариза топширилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 9-банди.*

### 58-модда. Бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш

Бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ва тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаси деб эътироф этилади.

Бошқа мажбурий тўловларни ҳисобга олиш ҳамда қайтариш ушбу Кодексда ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Божхона тўловларининг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ва қайтариш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона органлари томонидан амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддаси, «Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларини қайтариш тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 947, 14.07.2000 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки давлат мақсадли жамғармаси маблағларидан солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 9-банди.*

*(58-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

## 11-боб. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажариш

### 59-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ушбу Кодексда белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 36-моддасининг биринчи қисми, 61-моддаси, 164-моддасининг биринчи, учинчи, олтинчи, еттинчи қисмлари, 188-моддасининг биринчи қисми, 193-моддасининг биринчи, учинчи, бешинчи қисмлари, 226, 240-моддалари, 247-моддасининг учинчи қисми, 251-моддаси, 253-моддасининг иккинчи қисми, 254-моддасининг еттинчи қисми, 264-моддасининг учинчи, бешинчи, еттинчи қисмлари, 271-моддасининг учинчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи, ўнинчи қисмлари, 277-моддасининг ўн биринчи қисми, 286-моддаси, 294-моддасининг олтинчи қисми, 300-моддасининг тўртинчи, еттинчи қисмлари, 304-моддасининг тўртинчи қисми, 310-моддасининг тўртинчи қисми, 311-моддасининг бешинчи, ўнинчи қисмлари, 315-моддасининг учинчи қисми, 319-моддасининг учинчи қисми, 325-моддасининг биринчи, бешинчи қисмлари, 336-*

*моддасининг биринчи қисми, 338-моддасининг биринчи қисми, 339-моддасининг биринчи қисми, 340-моддаси, 347-моддасининг учинчи қисми, 360-моддасининг бешинчи қисми, 369-моддасининг бешинчи қисми, 375-моддасининг тўртинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш чоралари жумласига давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмасдан, жисмоний шахсларга, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорларга эса, ўттиз кундан кечиктирмасдан юбориладиган, солиқ тўловчи мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисидаги талабнома киради.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 60, 62-моддалари.*

*(59-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 60-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;

2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 78-моддаси.*

3) талабнома тузилган сана;

4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;

5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 62-моддаси.*

6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 64-моддаси.*

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 12.1-банди.*

*(60-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

**61-модда. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани бажариш муддатлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(61-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида юридик шахс солиқ қарзини узмаган тақдирда ва ушбу Кодекснинг 63-моддасида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 64-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади.

*(61-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган тақдирда ва агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни ушбу Кодекснинг 65-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

*(61-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида уни бажармаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади, солиқ қарзи суммаси мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси II-бўлимининг 2-кичик бўлими («Даъво ишларини юритиш»).*

*(61-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

**62-модда. Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари**

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига қуйидагилар киради:

солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 63-моддаси.*

ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 64-моддаси.*

ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 65-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 13-банди учинчи хатбошиси.*

Солиқ тўловчи солиқ қарзини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган барча чоралар кўрилганидан кейин узмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари жисмоний шахсларга нисбатан фақат суд тартибида қўлланилади ва уларга ушбу Кодекс 63—65-моддаларининг қоидалари татбиқ этилмайди, бундан якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси II-бўлимининг 2-кичик бўлими («Даъво ишларини юритиш»).*

*(62-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича солиқ қарзини мажбурий ундириш чоралари ушбу Кодекснинг 63 — 65-моддаларида назарда тутилган тартибда қўлланилади.

*(62-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ қарзи суммаларини мажбурий ундириш чоралари солиқ тўловчи томонидан унинг натижалари бўйича берилган шикоят даврига ушбу Кодекснинг 18-бобига мувофиқ тўхтатиб турилади.

### 63-модда. Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш

Солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан солиқ қарзини сўзсиз ундириш, агар ушбу Кодекс 62-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка давлат солиқ хизмати органининг солиқ қарзи суммасини тегишли бюджетга ёки давлат мақсадли жамғармасига ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этиш орқали амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин уч иш кунидан кечиктирмай, якка тартибдаги тадбиркорларга эса, ўттиз кундан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этилади;

*(63-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчининг ҳисобварағида пул маблағлари бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги туфайли давлат солиқ хизмати органининг инкассо топшириқномаси тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси олинган кундан эътиборан уч кунлик муддатда унинг нусхаси банкнинг белгиси қўйилиб, давлат солиқ хизмати органига ва солиқ тўловчига юборилади. Агар инкассо топшириқномасини тақдим этиш пайтида солиқ тўловчи солиқ қарзининг суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномасини банкка топширган бўлса, банк тақдим этилган инкассо топшириқномасини солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаси нусхасини илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органига қайтаради.

Солиқ қарзи суммасини ундириш солиқ тўловчининг барча банк ҳисобварақларида турган пул маблағларидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратиш мумкин бўлмаган ҳисобварақлар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 14, 37.1-бандлари.*

**64-модда. Ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммаларга қаратиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекс 61-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида солиқ қарзини узмаган юридик шахслар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини олган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратади.

*(64-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан биринчи ва иккинчи қисмлар билан алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Дебиторлар ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларига имзо қўйишни асоссиз рад этган тақдирда, солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган солиштирма далолатномаларни дебиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Солиқ тўловчи бир томонлама имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини тақдим этган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиштирма далолатномани ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юборади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчининг дебитори ёзма билдириш олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини имзолаш ёки солиштирма далолатномада кўрсатилган қарзнинг мавжуд эмаслигини асослаган ҳолда рад жавобини тақдим этиши шарт. Агар солиқ тўловчининг дебитори томонидан тан олинган қарз суммаси солиштирма далолатномада кўрсатилганидан фарқ қилса, дебитор худди шу муддатда давлат солиқ хизмати органига ўзи тан олган суммани кўрсатган ҳолда солиштирма далолатномани тақдим этиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчининг дебитори томонидан имзоланган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси кредиторнинг имзоси мавжуд бўлишидан қатъи назар, унинг кредитори солиқ қарзини ундирувни унга қаратиши учун асос бўлади. Ушбу модданинг бешинчи қисмида белгиланган мажбурият солиқ тўловчининг дебитори томонидан бажарилмаган тақдирда, ундирув солиқ тўловчи тақдим этган солиштирма далолатнома асосида амалга оширилади.

*(64-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Солиқ тўловчи билан унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасида қуйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг номи, уларнинг идентификация рақами;

солиқ тўловчи ва унинг дебитори солиқ ҳисобида турган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи;

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг банкдаги ҳисобварақлари реквизитлари;

дебиторнинг солиқ тўловчи олдидаги қарз суммаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ тўловчи ва унинг дебиторининг тарафлар муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган имзолари, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

*(64-модда еттинчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тузилган сана.

Солиқ тўловчи ва унинг дебитори ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома давлат солиқ хизмати органи томонидан юборилган санадан кейин келадиган санада тузилган бўлиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органи ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси асосида дебиторларнинг банк ҳисобварақларига солиқ тўловчининг солиқ қарзи суммасини солиқ тўловчи олдидаги қарзидан ошмайдиган миқдорда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этади.

Давлат солиқ хизмати органининг ушбу моддага мувофиқ тақдим этилган инкассо топшириқномасини бажариш ушбу Кодекснинг 63-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 65-модда. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш давлат солиқ хизмати органининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси II-бўлимининг 2-кичик бўлими («Даъво ишларини юритиш»), Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси II-бўлими («Биринчи инстанция хўжалик судида иш юритиш»).*

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

солиқ тўловчининг охирги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси, бундан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

*(65-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ қарзини ундириш учун суд ижрочилари томонидан инкассо топшириқномалари қўйилаётганда давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ қарзининг шунга ўхшаш суммасига қўйилган инкассо топшириқномаларининг ижроси бекор қилинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 17-банди.*

*(65-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

### 66-модда. Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш

Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарининг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича ҳисобланган пеня ва жарималар суммаларини аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1436, 25.12.2004 й.).*

## III БЎЛИМ. СОЛИҚ НАЗОРАТИ

## 12-боб. Солиқ назоратининг асослари

### 67-модда. Солиқ назоратининг шакллари

Солиқ назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 77 — 84-моддалари.*

солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 68-моддаси.*

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 69-моддаси.*

камерал назорат;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 70-моддаси.*

нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 71-моддаси.*

солиқ текширувлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 67 — 103-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни.*

фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 72-моддаси.*

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 73-моддаси.*

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 74-моддаси.*

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 75-моддаси.*

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солиқ назоратини ўз ваколатлари доирасида ушбу Кодексга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Солиқ назорати амалга оширилаётганда ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузган ҳолда солиқ тўловчи тўғрисида ахборот тўплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга, шунингдек солиқ сирини ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 76-моддаси.*

Қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 20.1-банди.*

### 68-модда. Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш

Солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича ҳамда у тўлаётган барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларининг маълумотлари, ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган органлар, ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар, шунингдек давлат

солиқ хизмати органлари бошқа манбалардан тўплаган, шу жумладан солиқ текширувлари вақтида тўплаган ахборотлар асосида шакллантирилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 43 — 46, 93, 94-моддалари.*

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг қоидалари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга, шунингдек ундирилиши тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган бошқа мажбурий тўловларга татбиқ этилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103 — 113-моддалари.*

### 69-модда. Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумларни ҳисобга олиш

Давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 10 — 11-бандлари.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш бюджет классификациясига мувофиқ юритилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 18, 21-моддалари.*

Давлат солиқ хизмати органлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини солиқ тўловчининг шахсий карточкасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пеня ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларини акс эттириш орқали юритади.

Солиқ тўловчининг шахсий карточкаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бўйича очилади.

Солиқ тўловчининг шахсий карточкасини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда юритади.

Ундирилиши бошқа давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган айрим турдаги бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тушумларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

### 70-модда. Камерал назорат

Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат

солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

### 71-модда. Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи

Солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиладиган ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан тушум миқдори камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж ўтказадиган мансабдор шахслари албатта кўрсатилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётган пул тушумини давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Хронометражни ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан экспертларни жалб этишга йўл қўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солиқ тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишга ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралашишга йўл қўйилмайди, бундан фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижалари юзасидан маълумотнома тузади. Маълумотноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан фақат тақдим этилаётган солиқ ҳисоботи тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 23-банди.*

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

**72-модда. Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишга рухсат этилган Назорат-касса машиналарининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибда шакллантирилади.

Фискал хотирали назорат-касса машинаси техник жиҳатдан вақтинча носоз бўлган ёки электр энергияси бўлмаган тақдирда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни харидорларга квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган шаклдаги қатъий ҳисобдаги бошқа ҳужжатларни бериш орқали амалга оширишга йўл қўйилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарори билан тасдиқланган «Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 3-иловаси.*

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллашда қуйидагилар мажбурий ҳисобланади:

1) фискал хотирали назорат-касса машинасини фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларида фискал хотирали назорат-касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкаси берилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш;

2) фискал хотирали назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

3) фискал хотирали назорат-касса машиналарининг чекини истеъмолчига бериш;

4) давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг фискал хотирали назорат-касса машинасини текширишига рухсат этиш.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари фискал хотирали назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**73-модда. Акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни тамғалаш. Молия инспектори лавозимини жорий этиш**

Тамаки ва алкоголли маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ҳамда шартларда акциз маркаси билан тамғаланиши керак, пиво бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги 49-сонли «Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 589, 07.01.1999 й.).*

Акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган акциз тўланадиган товарларни акциз маркаси билан тамғалаш учун масъулдир.

Акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни тамғалаш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари амалга оширади.

Акциз солиғини тўловчи корхоналарда ва бошқа айрим корхоналарда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспектори лавозими жорий этилиши мумкин. Молия инспектори лавозими жорий этиладиган корхоналар рўйхати ва унинг фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 декабрдаги 532-сонли «Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.*

### 74-модда. Давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларининг давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш

Давлат солиқ хизмати органлари давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағларининг давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушиши устидан назоратни амалга оширади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

### 75-модда. Бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотлари устидан назорат қилиш

Давлат солиқ хизмати органлари бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотлари устидан бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши бўйича назоратни амалга оширади.

### 76-модда. Солиқ сири

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот солиқ сирини ташкил этади, қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

1) солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар;

2) солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;

3) юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар;

4) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 106, 112, 121-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 165, 174, 175, 175[1]-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184, 190-моддалари.*

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ ёки тегишли бошқа органларига тақдим этиладиган маълумотлар (ушбу органларга тақдим этилган маълумотларга доир қисми).

Солиқ сири ошкор этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ сирини ошкор этишга, хусусан, солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига, жалб этилган экспертга ёки таржимонга улар ўз вазифаларини бажараётганда маълум бўлиб қолган ишлаб чиқариш ёки тижорат сиридан фойдаланиш ёхуд уни бошқа шахсга бериш киради.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган, солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлар сақлаш ва фойдаланишнинг махсус режимига эга бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатдаги мансабдор шахслари солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Солиқ сирини ташкил этувчи маълумотлари бўлган ҳужжатларнинг йўқотилганлиги ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 46-моддаси.*

## 13-боб. Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш

### 77-модда. Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйишнинг умумий қоидалари

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига берилган идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда, давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

### 78-модда. Солиқ тўловчининг идентификация рақами

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами муайян солиқ тўловчига бир марта берилади. Солиқ тўловчининг идентификация рақами ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

Ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган юридик шахснинг алоҳида бўлинмаларига мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг — солиқ тўловчининг идентификация рақами назорат белгилари қўшилган ҳолда берилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами қуйидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак:

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади;

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга доир лицензиясида;

чеклардан ташқари, пул билан ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида;

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан ҳисобварақ-фактуралар ҳамда транспорт ҳужжатларида;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулкий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 130-сон «Ўзбекистон Республикасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини бериш ва қўллаш тизими тўғисида»ги қарори.*

### 79-модда. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш

Солиқ тўловчи сифатида қуйидагилар ҳисобга қўйилади:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ўзлари жойлашган ердаги (почта манзилидаги) давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахснинг солиқ мажбуриятини ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалари — алоҳида бўлинманинг жойлашган еридаги ёки фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — доимий муассасанинг жойлашган еридаги ва (ёки) фаолиятни амалга ошираётган жойидаги давлат солиқ хизмати органида;

ушбу Кодексга мувофиқ мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчилар бўлган юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчида у ҳисобга қўйилганидан кейин ер солиғи, мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш бўйича мажбурияти ҳисобга қўйилган жойдан ташқарида юзага келган тақдирда, солиқ тўловчи ушбу Кодекснинг 81-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органида объект бўйича ҳисобга қўйилиши керак.

*(79-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

### 80-модда. Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тартиби

Бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган юридик ва

жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши керак.

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш учун мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахс уни ташкил этиш тўғрисида ва (ёки) мустақил балансга ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризада мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг — солиқ тўловчининг идентификация рақами албатта кўрсатилади. Аризага юридик шахснинг алоҳида бўлинмани ташкил этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек унинг раҳбарига берилган ишончнома илова қилинади.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, мазкур Кодекс ушбу моддасининг биринчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида ушбу Кодексга мувофиқ давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари мазкур фаолиятни амалга ошириш бошланган кундан эътиборан бир юз саксон уч кундан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Доимий муассаса орқали фаолиятни амалга ошираётган юридик шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризасига шартнома ёки юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг норезиденти номидан Ўзбекистон Республикасида иш юритиш учун берилган ишончнома, шунингдек мажбуриятларининг бажарилиши доимий муассаса ташкил топишига олиб келадиган шартнома мавжуд бўлса, шу шартнома илова қилинади.

Ушбу Кодексга мувофиқ ер солиғи, шунингдек кўчмас мулкка тааллуқли қисмида мол-мулк солиғи тўловчилари бўлган юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ер участкасига, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилувчи юридик шахслар автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризани автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида тақдим этиши шарт. Аризага унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

*(80-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Давлат солиқ хизмати органи ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида солиқ тўловчига солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради, солиқ тўловчи ҳақидаги ҳисобга қўйиш маълумотларини Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритади ва тегишли ариза берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Солиқ тўловчини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза ва гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Агар юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган алоҳида бўлинмалардан бир нечтасига эга бўлса, ҳисобга қўйиш ҳар бир алоҳида бўлинма бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида амалга оширилади.

Агар юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасида бир нечта доимий муассасага эга бўлса, у ҳар бир доимий муассаса бўйича тегишли давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши шарт. Битта юридик шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг бир нечта доимий муассаса бўйича солиқ ҳисоботини жамлашга йўл қўйилмайди.

### 81-модда. Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчини объектлар бўйича ҳисобга қўйиш у ушбу Кодекснинг 80-моддасида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилганидан кейин, агар ушбу Кодексга мувофиқ солиқ тўловчида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғи, мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш мажбурияти юзага келган бўлса, амалга оширилади.

*(81-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳисобга қўйилмаган жойдаги ер солиғини, мол-мулк солиғини ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш мажбурияти юзага келган солиқ тўловчи тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ёхуд мол-мулк солиғи ёки сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида солиқ солиш объектларини улар жойлашган ерда ҳисобга қўйиш учун давлат солиқ хизмати органларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат этиши керак.

*(81-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Объектлар бўйича ҳисобга қўйилиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан мустақил равишда амалга ошириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўловчи — жисмоний шахсларга нисбатан ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган мажбурият татбиқ этилмайди.

*(81-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг илгари берилган идентификация рақамига мувофиқ солиқ тўловчи мурожаат этган кундан уч кундан кечиктирмай уни объектлар бўйича ҳисобга қўяди.

### 82-модда. Солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари

Юридик шахс — солиқ тўловчи тўғрисидаги асосий ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

номи (тўлиқ ва қисқартирилган номи);

жойлашган ери (почта манзили).

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асосий ҳисоб маълумотларига қўшимча равишда қуйидагилар ҳам ҳисоб маълумотлари ҳисобланади:

ташкилий-ҳуқуқий шакли;

ушбу Кодекс 35-моддасининг иккинчи қисми асосида солиқ мажбуриятларини мустақил равишда бажарадиган алоҳида бўлинмалар, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг таркибига кирувчи юридик шахслар учун — солиқ тўловчи қайси ташкилотнинг таркибига кирса, шу ташкилот;

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

тижорат ташкилотлари учун — устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

тижорат ташкилотлари учун, акциядорлик жамиятлари бундан мустасно, муассисларнинг — Ўзбекистон Республикасининг резидентларининг солиқ тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини ҳамда ҳар бир муассиснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ҳам кўрсатган ҳолда муассисларнинг тўлиқ таркиби.

Жисмоний шахс — солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

фамилияси, исми ва отасининг исми;

фуқаролиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун — фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди);

паспортининг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи;

яшаш жойи (манзили).

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қуйидагилар ҳам солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларидир:

давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жой ва тартиб рақами;

фаолият тури;

фаолият амалга ошириладиган жой.

### 83-модда. Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш солиқ тўловчилар ҳамда ушбу Кодекснинг 84-моддасида назарда тутилган органлар ва ташкилотлар томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органлар томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмаган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этади. Бундай талабнома олинганлиги шахсни қонунда белгиланган жавобгарликдан озод этмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $176^2$-моддаси.*

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ҳисоб маълумотларидаги ҳар қандай ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилишлари шарт.

Жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши шарт. Бундай материалларни топшириш-қабул қилиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Солиқ тўловчининг талаби бўйича давлат солиқ хизмати органи мазкур солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотларини ҳам кўрсатган ҳолда бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестридан чиқариш қуйидагича амалга оширилади:

жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — улар вафот этганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти уларнинг меросхўрлари томонидан тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — улар тугатилганидан кейин, башарти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган ёки солиқ қарзи белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — уларнинг Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилишини белгилаган ҳолатлар бекор бўлган, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти тўлиқ узилган тақдирда.

**84-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари**

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, ушбу Кодекс 80-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилганлар бундан мустасно, рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма топшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллуқли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида ҳам бундай ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар берадиган органлар бундай ҳужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай ҳужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур ҳужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тугатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига паспортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган паспортлар ўрнига паспортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ҳар йили 1 февралгача ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари (эгалари) тўғрисида 1 январь ҳолатига кўра маълумот бериши, шунингдек ер участкаси ва бошқа кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар йил давомида юзага келганда — мазкур кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

*(84-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт.

*(84-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-240-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон,555-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк олди-сотди шартномалари, мол-мулк ижараси шартномалари тасдиқланганлиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фуқароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

*(84-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Ер ресурсларини ҳисобга олувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганлиги (тугатилганлиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2355, 26.04.2012 й.).*

*(84-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан тўққизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Банклар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда банк ҳисобварақлари очиши мумкин ва ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. Қонунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт операциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби ушбу моддада назарда тутилган органлар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

*(84-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан ўн биринчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан депозитарийларда рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2355, 26.04.2012 й.).*

## 14-боб. Солиқ текширувлари

### 85-модда. Солиқ текшируви тушунчаси ва шакллари

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг:Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг учинчи қисми.*

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

### 86-модда. Солиқ текширувларининг турлари

Солиқ текширувлари қуйидаги турларга бўлинади:

режали солиқ текшируви;

режадан ташқари солиқ текшируви;

муқобил текширув.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) — текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қуйидаги ҳолларда ўтказиладиган текширувдир:

юридик шахс тугатилаётганда;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддаси.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда.

Муқобил текширув — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширувдир.

Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органида мазкур шахслар билан боғлиқ бўлган, солиқ тўловчи ўтказган операциялар солиқ бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади.

Қисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солиқ текшируви тарзида ўтказилади.

### 87-модда. Солиқ текширувларининг иштирокчилари

Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ва солиқ тўловчи солиқ текширувларининг иштирокчиларидир. Солиқ текширувларида солиқ тўловчининг вакили иштирок этиши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 13-моддаси биринчи, учинчи қисмлари.*

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда солиқ текширувига солиқ текшируви натижасидан манфаатдор бўлмаган эксперт, таржимон ва холислар жалб этилиши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 97 — 99-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг солиқ текширувлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

*(87-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

### 88-модда. Солиқ текширувини ўтказиш учун асос

Режали солиқ текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри эканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солиқ хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, режадан ташқари солиқ текширувини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

*(88-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-256-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 314-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

*(88-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш

қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси бошлиғининг текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади. Давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органни ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасини ўтказилган қисқа муддатли текширув тўғрисида текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилади.

*(88-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-256-сонли Қонунига мувофиқ учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 314-модда)*

Муқобил текширув ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг текширилиши лозим бўлган предмети кўрсатилган ҳолдаги муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солиқ хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган ҳолдаги буйруғи.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солиқ текширувидан ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

тугатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши;

*(88-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

давлат солиқ хизмати органининг текширув мақсадлари, текширув ўтказиладиган муддатлар ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби кўрсатилган буйруғи.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси.*

### 89-модда. Солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ текширувини ўтказиш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари — кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

*(89-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг ижроси суд томонидан тўхтатилган тақдирда, солиқ текширувини ўтказиш муддатини ҳисоблаш ҳам тўхтатилади.

*(89-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 90-модда. Солиқ текширувларини ўтказиш даврийлиги

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади, ушбу модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*(90-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) беш йилда кўпи билан бир марта, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

*(90-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*(90-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

*(90-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонунига мувофиқ тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 39-моддасининг биринчи — олтинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 10, 10-1-моддалари.*

### 91-модда. Солиқ текширувларини ўтказишга доир қўшимча шартлар

Солиқ текширувлари фақат ушбу Кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат солиқ хизмати органи режали солиқ текшируви ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

*(91-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган камерал назорат натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

*(91-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги керак, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, такрорлашга йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу қонун ҳужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текширилаётган солиқ тўловчи билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан беш календарь йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин. Бунда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат охирги режали текширишдан кейинги, лекин янги текшириш ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги беш календарь йилдан кўп бўлмаган даврни қамраб олади.

*(91-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари ушбу Кодексда белгиланган тартибда солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризация қилишга, ҳужжатларни талаб қилиб олишга, ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган

шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, ушбу Кодексда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

## 15-боб. Солиқ текширувларини ўтказиш тартиби

### 92-модда. Солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши. Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ текшируви ўтказиладиган ҳудудга ва жойга кириши

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувини ўтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар:

солиқ тўловчини солиқ текширувининг мақсади билан таништириши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши

*(92-модда биринчи қисмининг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни 6-моддаснинг биринчи, иккинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг хизмат гувоҳномаси тўғрисида»ги намунавий низом, «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2070, 20.01.2010 й.).*

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ тўловчига хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув (ушбу Кодекс 88-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган асосларга кўра режадан ташқари ўтказиладиган текширув бундан мустасно) ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт.

*(92-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ-256-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 314-модда)*

Ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар солиқ тўловчига топширилган пайт солиқ текширувини ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Солиқ тўловчининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Солиқ тўловчи мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва солиқ тўловчи имзолайдиган далолатнома тузилади. Солиқ тўловчи ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув

киритилади. Бундай ҳолда далолатнома имзоланган пайт солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади.

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахсларини солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўйиши шарт, ушбу модданинг тўртинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини қуйидаги ҳолларда солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга қўймасликка ҳақли, агар:

ушбу модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар топширилмаган ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, солиқ тўловчи уларни олишдан бош тортган ҳоллар бундан мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

текширувчи мансабдор шахс текширувни тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат гувоҳномасини ва текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса;

*(92-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

солиқ текширувини ўтказишнинг буйруқда кўрсатилган муддатлари бошланмаган ёки ўтиб кетган бўлса;

текширувчи мансабдор шахс текширувларни қайд этиш дафтарини тўлдиришдан бош тортса.

Солиқ текширувини ўтказувчи давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига солиқ текширувини ўтказиш учун ҳудудга ва жойларга киришига тўсқинлик қилинганда, унинг ўзи ва солиқ тўловчи томонидан имзоланадиган далолатнома тузилади. Солиқ тўловчи мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда далолатномага тегишли ёзув киритилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахсларига солиқ тўловчининг ҳудудига ва жойига (турар жой бинолари бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилганлик, худди шунингдек давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликка тортилганлик солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг қонунда белгиланган ҳоллардан ёки суд қарори асосида амалга ошириладиган ҳоллардан бошқа ҳолларда турар жойларга уларда яшовчи жисмоний шахсларнинг хоҳиш-иродасидан ташқари ёки унга қарши тарзда киришига йўл қўйилмайди.

### 93-модда. Ҳудудлар ва жойларни кўздан кечириш. Мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш

Солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириши, шунингдек солиқ тўловчининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Кўздан кечириш ўтказилаётганда солиқ текшируви қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс ёки унинг вакили қатнашишга ҳақли. Кўздан кечириш ўтказилаётганда зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши мумкин, бу ҳақда

баённомада кўрсатилади. Кўздан кечириш натижалари бўйича ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома тузилади.

Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 94-модда. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган солиқ тўловчидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

*(94-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Солиқ тўловчи талаб этилган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ушбу Кодекснинг 95-моддасида назарда тутилган тартибда зарур ҳужжатларни олиб қўйишни амалга оширади.

### 95-модда. Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг асослантирилган қарори асосида олиб қўйилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар ва предметлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва предметларни тунги вақтда — соат 23-00 дан 6-00 гача — олиб қўйиш ман этилади.

Солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ман этилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш бошлангунига қадар олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади, у бош тортган тақдирда эса мажбуран олиб қўйиш чораларини кўради.

Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади.

Ҳужжатларни ва предметларни мажбуран олиб қўйиш холислар ҳамда солиқ тўловчи иштирокида амалга оширилади. Бунда олиб қўйилаётган барча ҳужжатлар ва предметлар холисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этаётган бошқа шахсларга кўрсатилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳужжатлар асл нусха ёки солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

*(95-модданинг тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки

алмаштирилишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётганда улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади. Ҳужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни ҳужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичида беради. Қолган ҳолларда солиқ тўловчининг имзоси ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

*(95-модданинг ўнинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ушбу Кодекснинг 100-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда ҳужжатлар ва предметларнинг номи, миқдори ҳамда алоҳида белгилари, имкони бўлганда эса предметларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши ва тавсифланиши лозим.

Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома икки нусхада тузилади, улардан бири ҳужжатлар ва предметлар кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга топширилиб, тилхат олинади. Баённомани қабул қилишдан бош тортилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда баённоманинг бир нусхаси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилган шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

### 96-модда. Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёки солиқ тўловчи даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилган, солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

*(96-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-373-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 36-сон, 452-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 27-банди.*

### 97-модда. Экспертиза

Зарур ҳолларда, солиқ текширувларини ўтказишда иштирок этиш учун эксперт жалб этилиши ва экспертиза тайинланиши мумкин.

Юзага келган масалаларни тушунтириш учун фан, санъат, техника ва бошқа соҳалар бўйича махсус билим талаб этилган тақдирда экспертиза тайинланади.

Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор текширув ўтказаётган мансабдор шахснинг илтимосномаси асосида давлат солиқ хизмати органининг раҳбари томонидан қабул қилинади. Қарорда экспертизани тайинлаш учун асослар, экспертиза ўтказиши керак бўлган ташкилотнинг номи ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эксперт олдига қўйилган масалалар ва эксперт ихтиёрига бериладиган материаллар кўрсатилади.

Шахсни эксперт сифатида жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва эксперт ўртасида экспертиза ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

Эксперт экспертиза предметига тааллуқли солиқ текшируви материаллари билан танишишга, ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши тўғрисида илтимосномалар беришга ҳақли.

Эксперт, агар унга берилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришни рад этиши мумкин.

Эксперт хулосани ўз номидан ёзма шаклда беради. Эксперт хулосасида унинг ўзи ўтказган текширишлар, шу текширишлар натижасида қилинган хулосалар ҳамда ўртага қўйилган масалаларга асослантирилган жавоблар баён этилади.

Экспертнинг хулосаси ёки унинг хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисидаги хабари текширилаётган шахсга тақдим этилади, мазкур шахс ўз тушунтиришларини бериш ва эътирозлар билдириш, шунингдек экспертнинг олдига қўшимча масалалар қўйиш ва қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлашни сўраш ҳуқуқига эга.

Қўшимча экспертиза хулоса етарлича аниқ ёки тўлиқ бўлмаган тақдирда тайинланади ва ўша экспертнинг ўзига ёки бошқасига топширилади.

Такрорий экспертиза экспертнинг хулосаси асосланмаган ёки унинг тўғрилигига шубҳа бўлган тақдирда тайинланади ва бошқа экспертга топширилади.

Қўшимча ва такрорий экспертиза ушбу моддада назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда тайинланади.

### 98-модда. Таржимоннинг иштироки

Зарур ҳолларда солиқ текширувида иштирок этиш учун таржимон жалб этилиши мумкин.

Ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмаган, таржима қилиш учун зарур даражада тил биладиган ёхуд кар ёки соқов жисмоний шахснинг имо-ишораларини тушунадиган шахс таржимондир.

Таржимон уни таржимонликка тайинлаган давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсининг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва ўзига топширилган таржимани аниқ бажариши шарт.

Таржимонни жалб этиш давлат солиқ хизмати органи ва таржимон ўртасида шартнома тузиш асосида амалга оширилади.

### 99-модда. Холислар иштироки

Солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатлар амалга оширилаётганда ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда холислар жалб этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 95-моддасининг саккизинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 21-бандининг биринчи хатбошиси.*

Солиқ текширувининг натижасидан манфаатдор бўлмаган ҳар қандай вояга етган жисмоний шахслар холислар сифатида жалб этилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 21-бандининг саккизинчи хатбошиси.*

Холислар ўз иштирокида амалга оширилган ҳаракатларнинг ҳолати, мазмуни ва натижаларини баённомада тасдиқлашлари шарт. Улар содир этилган ҳаракатлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли, бу фикр-мулоҳаза баённомага киритиб қўйилиши керак.

### 100-модда. Солиқ текширувини ўтказиш доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда тузиладиган баённомага қўйиладиган талаблар

Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда, солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда баённома тузилади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

1) текширилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

2) текширувни ўтказиш асослари, тури ва даври;

3) муайян ҳаракат бажарилган сана ва жой;

4) ҳаракат бошланган ва тугалланган вақт;

5) баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

6) ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, зарур ҳолларда эса унинг манзили;

7) ҳаракатнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказиш изчиллиги;

8) солиқ текшируви пайтида аниқланган фактлар ва ҳолатлар.

Ҳаракатларнинг амалга оширилишида иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солиқ хизмати органининг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, кинолентала, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 93-моддасининг биринчи қисми, 95-моддасининг 11-12-қисмлари, 99-моддасининг тўртинчи қисми, 101-моддасининг саккизинчи қисми.*

### 101-модда. Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича қуйидагилар кўрсатилган ҳолда солиқ текшируви далолатномаси тузилиши керак:

1) текширув ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;

2) текширув ўтказиш учун асос;

3) текширув тури ва уни ўтказиш даври;

4) давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказган мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми;

5) якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

6) юридик шахснинг тўлиқ номи, текширув даврида раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби юритиш вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

7) солиқ тўловчининг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг идентификация рақами;

8) илгариги текширув тўғрисидаги маълумотлар;

9) текширилаётган солиқ даври ва текширув ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

10) солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи;

11) текширув натижалари бўйича фикрлар ва хулосалар.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ текшируви далолатномаси камида уч нусхада тузилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг барча нусхалари давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига топширилади. Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Солиқ тўловчининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози эканлигини англатмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва шу пайтдан эътиборан солиқ текшируви тугалланган ҳисобланади.

*(101-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун солиқ текшируви тугалланган кун ҳисобланади, ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

*(101-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 13 сентябрдаги ЎРҚ-295-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 37-сон, 374-модда)*

Солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган, ушбу Кодекснинг 88-моддасида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, экспертларнинг хулосаси, солиқ текшируви ўтказиш пайтида олинган материаллар, шунингдек солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар солиқ текшируви далолатномасига қўшиб қўйилиши лозим.

Солиқ текшируви материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибга биноан солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органида солиқ текшируви тугалланган кундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 28, 28.1-бандлари.*

### 102-модда. Солиқ текшируви материалларининг давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиши

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 29-банди.*

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда ҳисобланган ёки ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аломатлари мавжудлиги, қўлланилаётган молиявий санкцияларнинг миқдори ва хусусияти, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда баённома юритилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

1) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш санаси ва жойи;

2) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек лавозими;

3) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳозир бўлганлигига оид маълумотлар;

4) кўриб чиқилаётган солиқ текшируви материаллари;

5) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, илтимосномалари ва уларни кўриб чиқиш натижалари;

6) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда ўрганилган ҳужжатлар;

7) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги бошқа маълумотлар.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Солиқ тўловчи солиқ текшируви далолатномаси бўйича ўзининг ёзма тушунтиришларини ёки эътирозларини солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тақдим этишга ҳақли. Мазкур ҳолда солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади. Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида солиқ тўловчини кўриб чиқишдан камида икки иш куни олдин хабардор қилади.

Агар солиқ тўловчи солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга узрли сабабларга кўра кела олмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган бўлса, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишни уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилади, бу ҳақда солиқ тўловчи хабардор қилинади. Агар солиқ тўловчи такрорий хабарномага қарамасдан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга келмаса, мазкур материаллар, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган тушунтиришлар ва эътирозлар унинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, солиқ тўловчи, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи баённомани имзолашдан бош тортганда ёхуд солиқ текшируви материаллари унинг иштирокисиз кўриб чиқилганда бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

Солиқ текшируви материаллари солиқ тўловчининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома уч нусхада тузилади, улардан бир нусхаси солиқ тўловчига берилади. Солиқ тўловчи баённомани олганда баённоманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ тўловчи баённомани олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомасининг

давлат солиқ хизмати органида қолган барча нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

**103-модда. Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори**

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмасдан қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилади:

солиқлар, бошқа мажбурий тўловларни ва пеняни ҳисоблашни ёки буни рад этишни;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни ёки буни рад этишни.

*(103-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорида қуйидагилар кўрсатилади:

1) ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня, шунингдек қўлланилган жарима суммаси;

2) ўтказилган текширувда аниқланган солиқ тўловчи томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатлари, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар;

3) солиқ тўловчини солиққа оид муайян ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, ушбу Кодекснинг муайян ҳуқуқбузарликни ва қўлланиладиган жавобгарлик чораларини назарда тутувчи моддалари кўрсатилган қарор;

4) ушбу Кодекс 104-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаш муддати;

5) солиқ тўловчи белгиланган муддатларда солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаган тақдирда, унинг жарима тўлашдан озод этилиш ҳуқуқи.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 30-банди биринчи хатбошиси.*

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ тўловчини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қарори ушбу Кодекснинг IV бўлими нормаларига риоя этилган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ тўловчига топширилади. Агар солиқ тўловчига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 30-бандининг иккинчи, учинчи хатбошилари.*

**104-модда. Солиқ тўловчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг қарорини бажариш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи, агар ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органи қарорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қарорда кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт.

*(104-модда биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бартараф этилган ҳамда ҳисобланган солиқлар, мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи қарорининг солиқ тўловчига нисбатан қўлланиладиган жарима қисми бекор қилинган ҳисобланади. Мазкур норма товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни яшириш (камайтириш) ва кирим қилинмаган товарларни сақлаш, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибини бузиш, шунингдек лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ҳолларига татбиқ этилмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 32-банди.*

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи ушбу Кодекснинг 62—65-моддаларига мувофиқ солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни мажбурий равишда ундириш чораларини кўради, шунингдек солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 31-банди.*

Агар давлат солиқ хизмати органининг қарори бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун солиқ тўловчига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, солиқ тўловчи қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айбини тан олган тақдирда, ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни кўрсатган ҳолда) ихтиёрий равишда тўлаш учун зарур бўлган муддат бериш тўғрисида мурожаат қилади. Жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари аризани олган кундан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмасдан солиқ тўловчи томонидан сўралган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак. Мазкур қарорнинг нусхаси солиқ тўловчига тилхат олиш орқали ёки солиқ тўловчи қарор нусхасини олган санани тасдиқловчи бошқа

усул орқали топширилади. Агар солиқ тўловчига қарорнинг нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

*(104-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 33-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ солиқ тўловчи содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ берилган муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ушбу боб қоидаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан бекор қилиниши ёки мазкур қарорнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

*(104-модданинг олтинчи ва еттинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ текшируви жараёнида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади.

### 105-модда. Солиқ текширувини ўтказишда ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўймаслик

Солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчига ёхуд унинг эгалигида, фойдаланишида ёки тасарруфида бўлган мол-мулкка ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ текширувини ўтказишда давлат солиқ хизмати органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Суд қарорига биноан зарарларнинг ўрнини қоплаш давлат солиқ хизмати органлари қайси мансабдор шахсларининг айби билан зарар етказилган бўлса, ўша мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлар содир этганлиги натижасида солиқ тўловчига етказилган зарар учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14, 985-моддалари.*

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари орқали солиқ тўловчига етказилган зарарларнинг ўрни қопланмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## IV БЎЛИМ. СОЛИҚҚА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

### 16-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар

**106-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси**

Солиқ тўловчининг ушбу Кодексда жавобгарлик белгиланган ғайриқонуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) солиққа оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

**107-модда. Жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги**

Жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади.

**108-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишнинг умумий шартлари**

Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 106 — 121-моддалари.*

Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 24-банди.*

Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодексда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги 8-сонли «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарорининг 2 — 7, 10, 13, 14-бандлари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 25-бандининг иккинчи хатбошиси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

*(108-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 112-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 25-банди.*

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174, 175, $175^3$, $215^3$-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 30 майдаги 8-сонли «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид*

*қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарори 10-бандининг иккинчи хатбошиси.*

Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди.

Шахснинг айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи томонидан солиққа оид бир неча ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланган жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича қўлланилади. Бунда жариманинг узил-кесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун белгиланган энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас.

*(108-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар солиқ тўловчи биринчи иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар солиққа оид яна бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги иш бўйича қарор чиқарилганидан сўнг аниқланса, ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган қоидалар бўйича жарима қўлланилади. Бу ҳолда, суд томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар мажмуи бўйича тайинланган жарима миқдорида биринчи қарор бўйича тўланган жариманинг суммаси ҳисобга олинади.

*(108-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан тўққизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Агар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар қўлланилган шахс молиявий санкциялар қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган ҳисобланади.

### 109-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан озод қилиш

Шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун қуйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги фактининг йўқлиги;

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 110-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 26-бандининг биринчи — учинчи хатбошилари.*

Ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган тақдирда, шахс солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 110-моддасининг иккинчи қисми.*

Солиқ тўловчи солиқ текшируви ўтказилгунига қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарликдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 110-модда. Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини ва уни жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар

*(110-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айбини истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик белгилари бўлган қилмишнинг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилганлиги (мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун махсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усуллар билан белгиланади);

солиққа оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилган пайтда касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган (мазкур ҳолатлар мазмуни, моҳияти ва санаси бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган ўша солиқ даврига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш орқали исботланади) жисмоний шахс — солиқ тўловчи томонидан содир этилганда;

ваколатли органлар ёки улар мансабдор шахсларининг солиққа оид қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида берган ёзма тушунтиришлари солиқ тўловчи томонидан бажарилганда (мазкур ҳолатлар ушбу органларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжатлар маъноси ва мазмунига кўра, ҳужжатлар қабул қилинган санадан қатъи назар, солиққа оид ҳуқуқбузарлик юз берган солиқ даврига тааллуқли бўлиши лозим).

Шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортишни истисно қиладиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганда;

солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 38-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 7-банди, 26-бандининг тўртинчи хатбоши.*

### 111-модда. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар

Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этиш;

таҳдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли ҳуқуқбузарлик содир этиш;

суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Солиққа оид ҳуқуқбузарликнинг илгари худди шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 43-банди.*

### 112-модда. Молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1724, 09.10.2007 й.).*

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга — солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 35-банди.*

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўлланиладиган молиявий санкция ҳуқуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд ушбу Кодекснинг 17-бобида назарда тутилган молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли.

*(112-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти — солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

## 17-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик

### 113-модда. Давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туришдан бўйин товлаш

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, бундан бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар фаолият кўпи билан ўттиз кун амалга оширилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида объектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши қуйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўпи билан ўттиз кун ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан ўттиз кундан ортиқ ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида.

*(113-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**114-модда. Кирим қилинмаган товарларни сақлаш ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш)**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно, —

кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 38, 38.1-бандлари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган санкция қўлланилмайди.

*(114-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) —

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумнинг яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 38.3-банди.*

Ушбу моддани қўллаш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб қуйидагилар эътироф этилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги факти тўғрисида далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

*(114-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 38.2-банди.*

**115-модда. Солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартибини бузиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи — жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

*(115-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг биринчи қисми.*

### 116-модда. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини бузиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бухгалтерия ҳисобининг мавжуд эмаслиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда юритганлик ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келса, солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги солиқ тўловчи — юридик шахсни бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.

*(116-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $175^1$-моддаси*

### 117-модда. Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланганлик учун шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

*(117-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 7 — 9-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан тасдиқланган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати», Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 165, $176^3$-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 190-моддаси.*

### 118-модда. Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғи солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактурада акс эттирганлик—

*(118-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда

маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

*(118-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчиларга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**119-модда. Фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартибини бузиш**

Фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда —

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик—

энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда —

энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*(119-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 40 — 40.3-бандлари.*

**120-модда. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш**

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш —

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солиқ тўловчини солиқ мажбуриятларини бажаришдан

озод қилмайди. Юридик шахс — тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибда қўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисоблашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.

*(120-модданинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 36-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 18-банди.*

### 121-модда. Ер участкаларидан уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларсиз фойдаланиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солиғининг суммасига эквивалент миқдорда:

*(121-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

юридик шахсларга — икки баравари миқдорида;

жисмоний шахсларга — бир ярим баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 33-моддаси.*

## 18-боб. Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш

### 122-модда. Шикоят бериш ҳуқуқи

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 27-боби («Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар»), Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 112 — 114-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги 210-сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси Умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 34-банди.*

### 123-модда. Шикоят бериш тартиби

Давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига (юқори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 12-моддаси*

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят берилганлиги шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 27-боби («Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар»), Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 112-114-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят бериш тегишинча шикоят бўйича давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилингунига ёки суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар қўлланилишини тўхтатиб туради. Солиқ тўловчи қайси давлат солиқ хизмати органининг қарори ёки мансабдор шахсининг ҳаракатлари устидан шикоят қилаётган бўлса, ўша органни давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят берганлиги тўғрисида тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт.

*(123-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 124-модда. Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят бериш тартиби ва муддатлари

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят давлат солиқ хизматининг тегишли юқори турувчи органига ёзма шаклда берилади.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига шикоят солиқ тўловчи ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўттиз кун ичида берилади. Шикоятга уни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

### 125-модда. Шикоятни давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан кўриб чиқиш

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоят давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан шикоят олинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Давлат солиқ хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи қуйидагиларга ҳақли:

шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш;

давлат солиқ хизмати органининг шикоятга сабаб бўлган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан мазмунан қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат солиқ хизмати юқори турувчи органининг шикоят юзасидан қарори ўттиз кун ичида қабул қилинади. Шикоят берган шахсга қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ёзма шаклда маълум қилинади.

## МАХСУС ҚИСМ

# V БЎЛИМ. ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФОЙДА СОЛИҒИ

## 19-боб. Умумий қоидалар

### 126-модда. Солиқ тўловчилар

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 19-моддаси биринчи қисмининг биринчи-иккинчи хатбошилари.*

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 19-моддасининг учинчи қисми.*

Қуйидагилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 40-моддасининг биринчи, учинчи-тўртинчи қисмлари, 73 — 78-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддаси.*

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

### 127-модда. Солиқ солиш объекти

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг объекти қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ва Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу бўлимга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

### 128-модда. Солиқ солинадиган база

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инобатга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади.

*(128-модда биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Ўтган солиқ даврларига тегишли, жорий солиқ даврига ўтказилиши лозим бўлган зарарлар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 161-моддасига мувофиқ тақсимлаб ўтказиладиган зарарлар суммасига камайтирилади.

## 20-боб. Жами даромад

### 129-модда. Жами даромаднинг таркиби

Жами даромадга қуйидагилар киради:

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 130-моддаси.*

бошқа даромадлар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 132-моддаси.*

Солиқ тўловчининг қиймати чет эл валютасида ифодаланган даромадлари миллий валютада олинган даромадлар билан жамланган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» тўғрисида низом (рўйхат рақами 1364, 21.05.2004 й.), «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1411, 17.09.2004 й.).*

Қуйидагилар солиқ тўловчининг даромади сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун оддий ширкат шартномаси бўйича бирлаштириладиган маблағлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 963-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-боби («Жамиятнинг устав фонди (устав капитали). Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари, жамиятнинг соф активлари»), Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг III-боби («Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)»).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), ёки муассис (иштирокчи) улушининг миқдори камайтирилганда, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳисса доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

*(129-модда учинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-боби («Жамиятнинг устав фонди (устав капитали). Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари, жамиятнинг соф активлари»), Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг III боби («Жамиятнинг устав фонди (устав капитали)»).*

3) оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) шартнома шериклари (иштирокчилари) умумий мулкидаги улуши қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун бошқа шахслардан дастлабки ҳақ (бўнак) тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди.*

5) қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни таъминлаш тариқасида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар) уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтадиган пайтга қадар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264, 311-моддалари.*

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (10-сон БҲМС) «Давлат субсидияларининг хисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар» (рўйхат рақами 562, 03.12.1998 й.).*

7) агар маблағларни (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни) бошқа шахсга ўтказиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

*(129-модда учинчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(129-модда учинчи қисмининг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

10) нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва (ёки) текин келиб тушган маблағлар;

11) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 934-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

*(129-модда учинчи қисмининг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 817, 832-моддалари; Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2-сон БҲМС) «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар» (рўйхат рақами 483, 26.08.1998 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) ижарага берувчи (лизинг берувчи) ижара (лизинг) тўловининг қисми тариқасида олган молиявий ижара (лизинг) объекти қийматининг қопламаси;

*(129-модда учинчи қисмининг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби» (рўйхат рақами 1946, 2009 йил 24 апрель),«Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1961, 01.06.2009 й.).*

14) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-513-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низом 2-банди еттинчи — тўққизинчи хатбошилари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъекти муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, ушбу маблағлар жами даромад таркибига киритилади ҳамда солиққа тортилади;

*(129-модда учинчи қисмининг 15-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.*

16) инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар жами даромаддан чегириб ташланади.

### 130-модда. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан, шу жумладан ёрдамчи хизматлар томонидан реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ чегириб ташланган ҳолда олинган тушум товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромаддир.

*(130-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган тушум юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қийматидан келиб чиққан ҳолда товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланади.

Воситачилик фаолиятидан даромадлар оладиган юридик шахслар учун тушум дейилганда кўрсатилган хизматлар учун олиниши лозим бўлган ҳақ суммаси тушунилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Нашриёт ва таҳририятлар учун газета ва журналларни реализация қилишдан олинган тушум уларда рекламани жойлаштиришдан олинган даромадлар киритилган ҳолда аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулкни ижарага беришдан фоизлар, роялти, даромадлар олиш имконини берувчи мол-мулкни ва мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишдан олинган даромадлар, агар ушбу даромадлар суммаси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадларнинг умумий суммасидан ортиқ бўлса, хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади. Мазкур норма нотижорат ташкилотларга татбиқ этилмайди, улар учун ушбу даромадлар бошқа даромадлар сифатида қаралади.

*(130-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Кредит, суғурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун ушбу Кодекснинг тегишинча 148, 150 ва 152-моддаларида кўрсатилган даромадлар хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар деб эътироф этилади.

*(130-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи — олтинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Узоқ муддатли контрактларни бажаришдан олинадиган даромадлар уларнинг ҳақиқатда босқичма-босқич бажарилишига тааллуқли қисмида ҳисобот даври мобайнида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли контрактнинг ҳисобот даври охирида ҳақиқатда бажарилганлиги контрактни бажаришга киришилганидан эътиборан қилинган харажатларнинг контрактни бажариш учун кетадиган харажатларнинг умумий суммасидаги солиштирма салмоғини ҳисоб-китоб қилиш асосида белгиланади.

Ҳисобот даври охиридаги даромад контракт бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма салмоғи ва жами даромад суммасининг (контракт баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда чегириб ташланади.

Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар (хизматлар) бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр қилиб қуриш чоғида шартномавий баҳолардан келиб чиқиб ҳақ тўлаш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган, буюртмачилар томонидан бажарилган (кўрсатилган) ва тасдиқланган ишларнинг (хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати даромадга қўшилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган баҳосидан паст баҳоларда (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) реализация қилинганда, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул топширилганда солиқ солиш мақсадлари учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки товарлар олинган баҳо асосида (товарни олиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланади. Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади

*(130-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

**131-модда. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга тузатиш киритиш**

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

2) битим шартлари ўзгарганда;

3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 403-моддасининг иккинчи қисми.*

Ушбу моддага мувофиқ товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (ишни, хизматни) етказиб берувчи товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

*(131-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**132-модда. Бошқа даромадлар**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бошқа даромадларга, агар ушбу Кодекс 130-моддасининг бешинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар киради, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

*(132-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

1) солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 133-моддасига мувофиқ асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар;

2) ушбу Кодекс 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

3) ушбу Кодекс 134-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

4) ушбу Кодекснинг 135-моддасига мувофиқ текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар;

5) инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;

6) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар;

7) ушбу Кодекснинг 136-моддасига мувофиқ мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар;

8) ушбу Кодекснинг 137-моддасига мувофиқ талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9) ушбу Кодекснинг 138-моддасига мувофиқ илгари чегириб ташланган харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромадлар;

*(132-модданинг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

10) ушбу Кодекснинг 139-моддасига мувофиқ хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) ушбу Кодекс 157-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

*(132-модда 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12) ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня, шунингдек қонуний кучга кирган суд ҳужжати асосида қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган жарималар ва пеня;

*(132-модданинг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) ушбу Кодекснинг 140-моддасига мувофиқ курсдаги ижобий фарқ;

*(132-модданинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

14) дивидендлар ва фоизлар;

15) роялти;

16) товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган бошқа даромадлар қўшилган қиймат солиғи суммаси чегирилган ҳолда аниқланади.

Нотижорат ташкилотлари учун ушбу моддада назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, бундан мазкур модда биринчи қисмининг 11, 14 ва 15-бандларида назарда тутилган бошқа даромадлар мустасно.

*(132-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**133-модда. Асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромаддир.

*(133-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1401, 29.08.2004 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг илгариги қайта баҳолашлардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объекти қийматининг илгариги қайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситалар ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

*(133-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни тахририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 134-модда. Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадлар

Ижара тўловининг суммаси мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромаддир.

Асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромад ижарага берувчининг фоизли даромадидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сон БҲМС) «Номоддий активлар» (рўйхат рақами 1485, 27.06.2005 й.), Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби» (рўйхат рақами 1946, 24.04.2009 й.),«Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1961, 01.06.2009 й.).*

### 135-модда. Текин олинган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар

Солиқ тўловчи текин олган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўловчининг даромади бўлади.

Мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар текин асосда олинаётганда олувчи шахснинг даромадлари бозор қиймати бўйича белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулкнинг, мулкий ҳуқуқларнинг бозор қиймати ҳужжатлар билан ёки баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи билан тасдиқланади. Ҳужжатлар билан тасдиқлаш деб қуйидагилар эътироф этилади:

*(135-модда учинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-257-сонли Қонуни тахририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 315-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

жўнатиш, етказиб бериш ёки топшириш ҳужжатлари;

*(135-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни тахририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

етказиб берувчиларнинг нархларга оид маълумотлари (прайс-варақлар);

оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

биржа маълумотлари;

давлат статистикаси органларининг маълумотлари.

### 136-модда. Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар

Мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати ўтган ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-151-моддалари.*

суднинг ёки ваколатли давлат органининг қарорига биноан ҳисобдан чиқарилган мажбуриятлар.

Солиқ тўловчининг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммалари даромад таркибига киритилмайди.

### 137-модда. Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинадиган даромадлар

Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинадиган даромадлар асосий қарз талаблари бўйича қарздор томонидан тўланган суммалар, шу жумладан қарздор томонидан асосий қарздан ташқари тўланган суммалар билан солиқ тўловчи томонидан олинган қарз қиймати ўртасидаги ижобий фарқ тарзида аниқланадиган даромадлардир.

### 138-модда. Илгари чегирилган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинадиган даромадлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қоплаш тарзида олинадиган даромадларга солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегирилган ва жорий солиқ даврида ўрни қопланган харажатлар ва (ёки) зарарлар киради.

*(138-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қоплаш суммаси қайси солиқ даврида олинган бўлса, ўша солиқ даврининг даромади бўлади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланмаган харажатларнинг ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш суммаси бошқа даромад таркибига киритилмайди.

*(138-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Захираларни ташкил этиш харажатлари солиқ солинадиган базани аниқлашда илгари чегириб ташланган шубҳали қарзлар (таваккалчилик операциялари) бўйича захиралар қисқарган ҳолларда, уларнинг қисқариш суммаси бошқа даромадлар таркибида ҳисобга олинади ёки бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ харажатларни камайтиради.

*(138-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 139-модда. Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар деганда фаолияти солиқ тўловчининг асосий фаолиятига хизмат кўрсатишга қаратилган ва мазкур солиқ тўловчининг мақсади бўлган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган хўжаликлар тушунилади. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ёрдамчи хўжаликлар, уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳа объектлари, ошхоналар ва буфетлар, ўқув комбинатлари ҳамда шунга ўхшаш хўжаликлар, ўз ходимларига ёки бошқа шахсларга хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи ишлаб чиқаришлар ва хизматлар киради.

Уй-жой-коммунал хўжалиги объектларига уй-жой фонди, меҳмонхоналар (туристик меҳмонхоналар бундан мустасно), бошқа жойдан келувчилар учун уйлар ва ётоқхоналар, ташқи ободонлаштириш объектлари, сунъий иншоотлар, сув ҳавзалари, пляжлар учун иншоот ҳамда жиҳозлар, шунингдек аҳолини газ, иссиқлик ва электр билан таъминлаш объектлари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ижтимоий-маданий соҳа, жисмоний тарбия ва спорт объектларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш учун

мўлжалланган участкалар, цехлар, базалар, устахоналар, гаражлар, махсус машиналар ва механизмлар, омборхоналар киради.

Ижтимоий-маданий соҳа объектларига соғлиқни сақлаш, маданият объектлари, болалар мактабгача тарбия объектлари, болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийлар (профилакторийлар), дам олиш базалари, пансионатлар, жисмоний тарбия ва спорт объектлари (шу жумладан треклар, отчопарлар, отхоналар, теннис кортлари, гольф, бадминтон ўйинлари учун майдончалар, соғломлаштириш марказлари), аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ишлаб чиқаришга оид бўлмаган объектлари (ҳаммомлар, сауналар, кир ювиш, тикиш ҳамда маиший хизмат кўрсатувчи бошқа устахоналар) киради.

Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан хизматларни реализация қилишдан олинган (олинадиган) маблағлар суммаси ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар фаолияти билан боғлиқ харажатлар суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

### 140-модда. Курсдаги ижобий фарқ

Валюта ҳисобварақлари бўйича, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда даромадлар таркибига киритилади:

чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори баҳода сотилганда;

чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётган санада шу чет эл валютаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст баҳода сотиб олинганда;

чет эл валютаси курсидаги ўзгариш муносабати билан баланснинг валютага оид моддалари тегишли ҳисобот даври учун қайта баҳоланганда.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи ижобий фарқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади.

*(140-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1411, 17.09.2004 й.) 17 — 35-бандлари, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» (рўйхат рақами 1364, 21.05.2004 й.).*

## 21-боб. Харажатлар

### 141-модда. Харажатларни гуруҳлаш

Солиқ тўловчининг харажатлари солиқ солинадиган фойдани аниқлаш пайтида чегириб ташланади, ушбу Кодексга мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 147-моддаси.*

Асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, қонун ҳужжатларига ва (ёки) солиқ тўловчининг ҳисобга

олиш сиёсатига мувофиқ расмийлаштирилган зарарлар ҳам солиқ тўловчининг харажатлари бўлади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 145-моддасининг 40, 47-бандлари, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сон БҲМС) «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» (рўйхат рақами 474, 14.08.1998 й.).*

Солиқ тўловчининг харажатлари ҳақиқатда қайси солиқ даврида амалга оширилган бўлса, ўша даврда чегириб ташланади. Агар айни бир хил харажатлар харажатларнинг бир нечта моддасида назарда тутилган бўлса, солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда мазкур харажатлар фақат бир марта чегириб ташланади.

Солиқ тўловчи сарфлаган ва қиймати чет эл валютасида ифодаланган харажатлар қиймати миллий валютада ифодаланган харажатлар билан жамлаб ҳисобга олинади. Мазкур харажатларни қайта ҳисоблаш солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг харажатлари чегириб ташланадиган ва чегириб ташланмайдиган харажатларга бўлинади.

Чегириб ташланадиган харажатлар қуйидагилардир:

1) ушбу Кодекснинг 142-моддасига мувофиқ моддий харажатлар;

2) ушбу Кодекснинг 143-моддасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

3) ушбу Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ амортизация харажатлари;

4) ушбу Кодекснинг 145-моддасига мувофиқ бошқа харажатлар;

5) ушбу Кодекснинг 146-моддасига мувофиқ келгусида солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган ҳисобот давридаги харажатлар.

Солиқ тўловчининг ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатиб ўтилган харажатлари, агар улар ушбу Кодекснинг 147-моддасида кўрсатилган чегириб ташланмайдиган бирон бир харажат таркибида ҳисобга олинса (унинг бир қисми бўлса), чегириб ташланадиган харажатлар бўлмайди.

Қуйидагиларга солиқ тўловчининг харажати сифатида қаралмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш учун бошқа шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан, шунингдек комитент ёки бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларга ҳақ тўлаш ҳисобига воситачи ва (ёки) бошқа ишончли вакил томонидан топширилган мол-мулк тарзидаги тўловлар, агар бундай харажатлар тузилган шартномаларнинг шартларига мувофиқ воситачи ёки бошқа ишончли вакилнинг ёхуд бошқа топшириқ берувчининг харажатлари таркибига киритилиши лозим бўлмаса;

*(141-модда саккизинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) солиқ тўловчи эмитент томонидан топширилган, акциядорлар ўртасида акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан ўзларига тегишли акциялар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланадиган акцияларнинг қиймати ёхуд эмитентнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилган тақдирда акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимлашда дастлабки акциялар ўрнига берилган янги акцияларнинг номинал қиймати билан акциядорнинг дастлабки акцияларининг номинал қиймати ўртасидаги фарқ;

3) бошқа юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ёки оддий ширкатга ҳисса сифатида берилган мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар қиймати.

### 142-модда. Моддий харажатлар

Моддий харажатларга қуйидагилар киради:

1) хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

2) ишлаб чиқарилган ва (ёки) реализация қилинадиган товарларни ўраш ва бошқача тайёрлаш учун, шу жумладан сотув олдидан тайёрлаш учун, бошқа ишлаб

чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун материаллар, ускуналар ҳамда бошқа мол-мулкни таъмирлаш учун материаллар ва эҳтиёт қисмлар;

3) инвентарь, хўжалик анжомлари, амортизация қилинадиган мол-мулк бўлмаган бошқа мол-мулк;

4) солиқ тўловчининг технологик, транспорт, бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган барча турдаги ёқилғи, энергия, шу жумладан солиқ тўловчининг ўзи томонидан ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжлари учун барча турдаги энергияни ҳосил қилиш, биноларни иситиш, шунингдек энергияни бир шаклдан ўзга шаклга ўтказиш ва узатиш харажатлари;

5) ерларни рекультивация қилиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг бошқа тадбирлари учун харажатлар;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар доирасида сув хўжалиги тизимларидан солиқ тўловчилар томонидан истеъмол қилинадиган сув учун тўлов;

7) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида ишлаб чиқариш ва (ёки) ташиш чоғидаги технологик йўқотишлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган ёки солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган табиий камайиш нормалари доирасида товар-моддий захираларни сақлаш ҳамда ташиш чоғидаги йўқотишлар ва бузилишлар.

Моддий харажатларга киритиладиган товар-моддий захираларнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сон БҲМС) «Товар-моддий захиралар» (рўйхат рақами 1595, 17.07.2006 й.).*

Агар етказиб берувчидан қабул қилинган қайтариладиган тара қиймати олинган товар-моддий захиралар нархига қўшилган бўлса, қайтариладиган тара қиймати уларнинг эҳтимол тутилган фойдаланилиши ёки уларни реализация қилиш нархи бўйича уларни сотиб олиш учун қилинган харажатларнинг умумий суммасидан чиқариб ташланади. Маҳсулот етказиб берувчидан товар-моддий захиралар билан қабул қилинган ҳамда қайтарилмайдиган тара ва ўров идишлари қиймати уларни сотиб олиш харажатлари суммасига киритилади. Тарани қайтариладиган ёки қайтарилмайдиган тара жумласига киритиш товар-моддий захираларни сотиб олиш шартномаси (контракти) шартлари билан белгиланади.

Моддий харажатлар суммаси қайтариладиган чиқиндилар қийматига камайтирилади. Ушбу модданинг қўлланилиши мақсадида қайтариладиган чиқиндилар деганда хом ашё (материаллар), ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик берувчи ва бошқа турдаги моддий ресурсларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, бошланғич ресурсларнинг истеъмолбоплик хусусиятларини (кимёвий ёки физик хоссаларини) қисман йўқотган ва шу туфайли харажатлар ошиб кетган (маҳсулот чиқиши камайиб кетган) ҳолда фойдаланиладиган ёки белгиланган мақсади бўйича фойдаланилмайдиган қолдиқлари тушунилади.

Товар-моддий захираларнинг технология жараёнига мувофиқ бошқа бўлинмаларга бошқа турдаги товарларни (ишлар, хизматларни) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хом ашё (материаллар) сифатида ўтказиладиган қолдиқлари, шунингдек технология жараёнини амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча (йўл-йўлакай олинган) маҳсулот қайтариладиган чиқиндилар жумласига кирмайди.

Қайтариладиган чиқиндилар қуйидаги тартибда баҳоланади:

агар бу чиқиндилардан асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлса-ю, лекин бунда харажатлар ошиб кетса (тайёр маҳсулот чиқиши камайиб кетса), эҳтимол тутилган фойдаланиш нархида;

агар бу чиқиндилар четга реализация қилинса, реализация қилиш нархида.

**143-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган иш ҳақи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддаси.*

2) илмий даража ва фахрий унвон учун устамалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 декабрдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиялари аъзоларининг гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг стипендиялари миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарори.*

3) предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўланадиган тўловлар, бундан якка тартибдаги тадбиркорлар билан тузилган шартномалар мустасно;

4) юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

5) рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар:

а) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;

б) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги локал ҳужжатларида назарда тутилган тўловлар;

в) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва мансаб маошларига устамалар;

г) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

д) рационализаторлик таклифлари учун тўловлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

е) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар;

*(143-модданинг бешинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан «е» кичик банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ж) таътилга қўшимча ҳақлар.

*(143-модданинг бешинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан «ж» кичик банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

6) компенсация тўловлари (компенсация):

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 153-моддасининг тўртинчи, бешинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сонли «Навоий вилояти халқ хўжалига тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 декабрдаги 462-сонли «Дўрмон-Қайнарсой» комплексларининг хўжалик ҳисобидаги бирлашган дирекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-банди.*

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар;

в) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда мансаб маошларига устамалар ва қўшимча тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 157, 158-моддари.*

г) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 160-моддаси.*

д) доимий иши йўлда кечадиган ёки кўчиб юриш ва ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган ходимларнинг жўнаб кетиш пайтидан қайтиб келиш пайтигача йўлдаги ҳар бир сутка учун тўланадиган иш ҳақига устамалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддаси.*

е) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилганда ходимларнинг иш ҳақига устамалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўта муҳим ва узоқда жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари тармоғида вахта усули тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 551, 28.11.1998 й.) 5.6-банди.*

ж) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган, ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва (ёки) транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, мансаб маоши миқдорида тўланадиган суммалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўта муҳим ва узоқда жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари тармоғида вахта усули тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 551, 28.11.1998 й.) 5.7-банди.*

з) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

и) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

к) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида дала таъминоти.

*(143-модда 6-бандининг «к» кичик банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

л) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

*(143-модданинг олтинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан «л» кичик банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

7) ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ундан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 232-моддаси.*

б) асосий иш жойи бўйича асосий иш ҳақи қисман сақлаб қолинган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

в) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

г) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддаси.*

д) қишлоқ хўжалиги ишларига ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

е) аввалги иш жойи бўйича мансаб маоши миқдорлари муайян бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда бошқа юридик шахслардан ишга жойлаштирилган, шунингдек вазифани вақтинча бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

ж) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқиши вақтида асосий иш жойи бўйича тўланадиган иш ҳақи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 166-моддасининг биринчи қисми.*

з) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 159-моддасининг биринчи қисми.*

и) соғлиғининг ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказилганда сақланадиган аввалги ўртача ойлик иш ҳақини қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўлаш, шунингдек вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларига иш ҳақининг ҳақиқий миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш;

к) мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарорига кўра ҳақ тўлаш;

л) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 166-моддаси, 236-моддасининг иккинчи қисми, 242-243-моддалари.*

м) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун, ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

н) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

о) ходимларга таътил учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган ҳақ ва улар бўйича пуллик компенсациялар.

*(143-модданинг еттинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан «о» кичик банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

8) ногиронларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча тўловлар.

*(143-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 144-модда. Амортизация харажатлари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар ушбу модданинг қўлланилиши мақсадида амортизация қилинадиган мол-мулк деб эътироф этилади.

Қуйидагилар амортизация қилинмайди:

1) ер участкалари ва табиатдан фойдаланишга доир бошқа объектлар (сув, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслар);

2) маҳсулдор чорва моллари;

3) кутубхона фонди;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) музей қимматликлари (музей ашёлари);

*(144-модданинг иккинчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

5) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган асосий воситалар;

6) архитектура ёдгорликлари;

7) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, йўлаклар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган ободонлаштириш иншоотлари;

8) қиймати илгари тўлиқ чегирилган мол-мулк;

9) асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмалар.

Солиқ солиш мақсадида амортизация қилиниши керак бўлган мол-мулк амортизациянинг қуйидаги энг юқори нормалари билан гуруҳларга тақсимланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| Гуруҳлар тартиб рақами | Кичик гуруҳлар тартиб рақами | Асосий воситаларнинг номи | Амортизациянинг йиллик энг юқори нормаси, фоизларда |
|---|---|---|---|
| I | | Бинолар, иморатлар ва иншоотлар | |
| | 1 | Бинолар, иморатлар | |
| | 2 | Нефть ва газ қудуқлари | |
| | 3 | Нефть-газ омборлари | |
| | 4 | Кема қатнайдиган каналлар, сув каналлари | |
| | 5 | Кўприклар | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 6 | Дамбалар, тўғонлар | 5 |
| | 7 | Дарё ва денгиз причал иншоотлари | |
| | 8 | Корхоналарнинг темир йўллари | |
| | 9 | Қирғоқни мустаҳкамловчи, қирғоқни ҳимояловчи иншоотлар | |
| | 10 | Резервуарлар, цистерналар, баклар ва бошқа сиғимлар | |
| | 11 | Ички хўжалик ва хўжаликлараро суғориш тармоғи | |
| | 12 | Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғи | |
| | 13 | Ҳаво кемаларининг учиш-қўниш йўллари, йўлаклари, тўхташ жойлари | |
| | 14 | Боғларнинг ва ҳайвонот боғларининг иншоотлари | |
| | 15 | Спорт-соғломлаштириш иншоотлари | |
| | 16 | Иссиқхоналар ва парниклар | |
| | 17 | Бошқа иншоотлар | |
| **II** | | **Узатиш қурилмалари** | |
| | 1 | Электр узатиш ҳамда алоқа қурилмалари ва линиялари | 8 |
| | 2 | Ички газ қувурлари ва қувурлар | |
| | 3 | Водопровод, канализация ва иссиқлик тармоқлари | |
| | 4 | Магистрал қувурлар | |
| | 5 | Бошқалар | |
| **III** | | **Куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар** | |
| | 1 | Иссиқлик техника ускуналари | 8 |
| | 2 | Турбина ускуналари ва газ турбиналари қурилмалари | |
| | 3 | Электр двигателлари ва дизель-генераторлар | |
| | 4 | Комплекс қурилмалар | |
| | 5 | Бошқа куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари) | |
| **IV** | | **Фаолият турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)** | |
| | 1 | Иқтисодиётнинг барча тармоқларига тегишли машиналар ва ускуналар | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 2 | Қишлоқ хўжалиги тракторлари, машиналари ва ускуналари | 15 |
| | 3 | Коммутациялар ва маълумотларни узатиш рақамли электрон ускуналари, рақамли тизимлар узатиш ускуналари, рақамли алоқа ўлчов техникаси | |
| | 4 | Йўлдош, уяли алоқа, радиотелефон, пейжинг ва транкинг алоқа ускуналари | |
| | 5 | Узатишлар тизимлари коммутацияларининг ўхшаш ускуналари | |
| | 6 | Киностудияларнинг махсус ускуналари, тиббий ва микробиология саноати ускуналари | |
| | 7 | Компрессор машиналари ва ускуналари | |
| | 8 | Насослар | |
| | 9 | Юк кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш машиналари ва ускуналари, тупроқ, карьер ҳамда йўл-қурилиш ишлари учун машиналар ва ускуналар | |
| | 10 | Устун-қозиқ қоқиш машиналари ва ускуналари, майдалаш-янчиш, саралаш, бойитиш ускуналари | |
| | 11 | Технологик жараёнлар учун барча турдаги сиғимлар | |
| | 12 | Нефть қазиб чиқариш ва бурғулаш ускуналари | |
| | 13 | Бошқа машиналар ва ускуналар | |
| **V** | | **Ҳаракатланувчан транспорт** | |
| | 1 | Темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби | 8 |
| | 2 | Денгиз, дарё кемалари, балиқчилик саноати кемалари | |
| | 3 | Ҳаво транспорти | |
| | 4 | Автомобиль транспортининг ҳаракатдаги таркиби, ишлаб чиқариш транспорти | 20 |
| | 5 | Енгил автомобиллар | |
| | 6 | Саноат тракторлари | |
| | 7 | Коммунал транспорт | 10 |
| | 8 | Махсус вахта вагонлари | |
| | 9 | Бошқа транспорт воситалари | 20 |
| **VI** | | **Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари** | |
| | 1 | Компьютерлар | 20 |
| | 2 | Периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари | |
| | 3 | Нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси | |
| | 4 | Бошқалар | |
| **VII** | | **Бошқа гуруҳларга киритилмаган асосий воситалар** | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | 1 | Кўп йиллик дов-дарахтлар | 10 |
| | 2 | Бошқалар | 15 |

*(144-модданинг жадвали Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ солиш мақсадлари учун ҳар бир кичик гуруҳ бўйича амортизация ажратмалари амортизация нормасини қўллаш орқали, бироқ ушбу Кодексда белгиланган энг юқори нормадан ошмаган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Солиқ солиш мақсадлари учун амортизацияни ушбу моддада белгиланганидан пастроқ ва солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар бўйича ҳисоблашга йўл қўйилади.

Солиқ солинадиган фойданинг тўлиқ ҳисобланмаган амортизация суммасига солиқ солиш мақсадларида ушбу моддада назарда тутилган нормаларга зид равишда қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Фойдаланишда бўлган асосий воситалар объектларини оладиган солиқ тўловчи ушбу асосий воситалар объекти бўйича амортизация нормасини мазкур асосий воситалар объектидан аввалги мулкдорлар томонидан фойдаланилган йиллар (ойлар) сонига камайтирилган фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда белгилашга ҳақлидир. Агар мазкур асосий воситадан аввалги мулкдорларда амалда фойдаланиш муддати ушбу асосий воситаларнинг ушбу моддада таснифланиши билан белгиланадиган фойдаланиш муддатига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, солиқ тўловчи техника хавфсизлиги талабларини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда бу асосий воситадан унумли фойдаланиш муддатини мустақил равишда, лекин уч йилдан кам бўлмаган муддатга белгилашга ҳақлидир. Фойдаланишда бўлган асосий воситалардан фойдаланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, амортизацияни ҳисоблаш янги асосий воситаларга бўлгани сингари амалга оширилади.

Номоддий активлар учун қилинган харажатлар солиқ тўловчи томонидан, уларнинг бошланғич қиймати ва унумли фойдаланилиши муддатидан, лекин солиқ тўловчининг фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблаб чиқилган нормалар бўйича ҳар ойда эскириш тариқасида жами даромаддан чегириб ташланади.

Номоддий активлар объектидан унумли фойдаланиш муддатини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек номоддий активлардан фойдаланишнинг тегишли шартномалар билан боғлиқ унумли муддатидан келиб чиққан ҳолда патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва (ёки) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш муддатларининг бошқа чекланишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Унумли фойдаланиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга, лекин солиқ тўловчининг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

### 145-модда. Бошқа харажатлар

Бошқа харажатларга қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳририга қаранг.*

1) солиқ тўловчининг фаолиятини амалга ошириш учун ўзга юридик ёки жисмоний шахслар бажарган ишлар ва хизматлар қиймати, буларга қуйидагилар киради:

маҳсулот ишлаб чиқариш (тайёрлаш) бўйича айрим операцияларни бажариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, хом ашёга (материалларга) ишлов бериш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий воситаларга техник хизмат кўрсатиш ва бошқа шу каби ишлар;

ўзга юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт хизматлари;

ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш учун ёки солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш учун ўзга юридик шахслар томонидан ходимларни (техник персонални) тақдим этишга доир хизматлар учун харажатлари;

*(145-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ҳамда капитал таъмирлаш харажатлари). Асосий воситаларни капитал таъмирлашни амалга ошириш харажатларининг бир маромда киритиб борилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи асосий воситаларнинг келгуси таъмирланиши учун белгиланган тартибда захиралар ташкил этишга ҳақли;

*(145-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

3) ижара тўловлари, шунингдек ижарага олинган асосий воситаларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар;

4) консервацияга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) ваколатли ташкилотлар томонидан муайян ҳуқуқлар ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришни назарда тутувчи ҳужжатларни берганлик учун йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича харажатлар, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш ҳамда маҳсулотни сертификатлаштириш билан боғлиқ харажатлар;

*(145-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

6) маҳсулотни сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари;

7) инвентарни, хўжалик анжомларини ва махсус иш кийимларини ювиш, тузатиш ҳамда дезинфекция қилиш харажатлари суммаси ёки уларга тўланган ҳақ;

8) қатъий ҳисоботдаги бланкларни, квитанциялар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш харажатлари суммаси ёки уларни олиш учун тўланган ҳақ;

9) тушумни инкассация қилиш харажатлари;

10) реклама учун харажатлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасининг иккинчи хатбоши.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини киритган ҳолда маҳсулотни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш тушуми ҳажмининг бир фоизи доирасида вакиллик харажатлари. Вакиллик харажатларига солиқ тўловчининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ёки уни сақлаб туриш, шунингдек солиқ тўловчининг бошқарув ва назорат органлари мажлисларига келган иштирокчиларни қабул қилиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш мақсадларида қиладиган харажатлари киради. Бу харажатлар мазкур шахсларнинг расмий қабулини ўтказиш, транспорт таъминоти, овқатланиши ва турар жойи, солиқ тўловчининг штатида турмаган таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш харажатларидир;

*(145-модданинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

12) кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмирлаш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

13) телекоммуникациялар ва почта хизматлари учун тўланадиган ҳақ;

14) хизмат сафарлари учун харажатлар:

а) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафарлари жойига бориш ва қайтиб келиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш ҳақи. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, харажатлар темир йўл транспортидаги (ёки агар темир йўл алоқаси бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, лекин авиачипта қийматининг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириб ташланади;

б) Ўзбекистон Республикаси доирасида тасдиқловчи ҳужжатлар асосида жойни ижарага олиш учун ҳақиқатда қилинган харажатлар, шу жумладан жойни банд қилиб қўйиш харажатлари. Яшаганликни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, мазкур харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегириб ташланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқилганда жойни ижарага олиш учун қилинган харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида чегирилади;

в) хизмат сафарида бўлинган вақт учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

г) қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа харажатлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1268, 29.08.2003 й.), «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби» (рўйхат рақами 932, 05.06.2000 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган компенсация тўловлари, ушбу Кодекснинг 143-моддасида кўрсатилганлари бундан мустасно;

*(145-модданинг 15-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

16) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этиладиган бошқа шаҳарлик, чет эллик мутахассисларни ишга таклиф қилиш билан боғлиқ харажатлар;

17) агар ушбу Кодекс 147-моддасининг 7-бандида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, аудиторлик текширувлари бўйича харажатлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18) маслаҳат, ахборот хизматларига, шунингдек бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тиклаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш;

*(145-модданинг 18-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

19) банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20) солиқ тўловчининг фаолиятида зарур бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларнинг малакасини ошириш харажатлари;

*(145-модданинг 20-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

21) қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳамда солиқ тўловчининг харажатларига киритиладиган бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

22) ассоциацияларга, жамғармаларга ва бошқа ташкилотларга, шу жумладан халқаро ташкилотларга тўланадиган бадаллар, агар бундай бадалларни тўлаш солиқ тўловчи фаолиятининг амалга оширилиши учун мажбурий шарт бўлса ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга оширилса;

*(145-модданинг 22-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

23) меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш, техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши ва соқчилик муҳофазасини ҳамда техникавий фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш харажатлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 216-моддаси.*

24) лицензия битимларига кўра ҳуқуқ эгаси билан шартнома бўйича электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиш билан боғлиқ харажатлар. Мазкур харажатларга электрон-ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базалари учун дастурларни янгилашга доир харажатлар ҳам киради;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

25) интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлардан ва хусусий аломатларни акс эттирувчи воситалардан (хусусан, ихтироларга, саноат намуналарига ва интеллектуал мулкнинг бошқа турларига бўлган патентлардан юзага келадиган ҳуқуқлардан) фойдаланганлик учун тўловлар;

*(145-модданинг 25-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси.*

26) бухгалтерия ҳисоботини эълон қилиш, шунингдек бошқа ахборотни, агар қонун ҳужжатларида уларни эълон қилишни (ошкор қилишни) амалга ошириш мажбурияти солиқ тўловчининг зиммасига юкланган бўлса, эълон қилиш ва бошқача тарзда ошкор қилиш харажатлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

27) ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам;

*(145-модданинг 27-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(145-модданинг 28-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

29) қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши, ходимлар (штатлар) сонининг қисқариши муносабати билан озод этиладиган ходимларга тўловлар;

30) тиббий ёрдам пунктини сақлаб туриш харажатлари, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказганлик ва профилактика тадбирлари учун тиббиёт муассасаларига тўланадиган ҳақ;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

31) соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ҳамда спорт объектлари, таълим объектлари, шунингдек, уй-жой фонди объектлари таъминотига доир харажатлар (шу жумладан, амортизация ажратмалари ва барча турдаги таъмирлаш ишларини ўтказиш харажатлари);

*(145-модданинг 31-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

32) ихтиёрий суғурта учун товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини қўшган ҳолда тушган тушум ҳажмининг 2 фоизи доирасидаги суғурта мукофотлари (бадаллари), юридик шахс томонидан жисмоний шахслар фойдасига тўланадиган суғурта мукофотлари (бадаллари), агар ушбу модданинг 33-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бундан мустасно;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 942-моддаси.*

*(145-модданинг 32-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

33) Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари суммалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 942-моддаси.*

*(145-модданинг 33-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

34) суғуртанинг мажбурий турларига суғурта мукофотлари (бадаллари);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 922-моддаси.*

*(145-модданинг 34-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

35) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида компенсация тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом.*

36) фаолият билан боғлиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари учун харажатлар, бундан асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, бажарилган ишлар далолатномаси ва тегишли илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, изланиш ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари ўтказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар бундай харажатларни чегирмалар жумласига киритиш учун асос бўлади;

37) ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-экспериментал ишларини ўтказиш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ҳамда уларни синаш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар ташкил этиш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирлар, муаллифлик ҳақини тўлаш, янги технологиялар яратиш ҳамда қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, янги турдаги хом ашё ва материалларни яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш харажатлари;

38) солиқ тўловчи томонидан геологик тадқиқотлар ва табиий ресурсларни қазиб олиш бўйича тайёргарлик ишлари учун амалга оширилган, жами даромаддан кейинги йиллар мобайнида бир маромда йилига 15 фоиздан ошмаган миқдорда чегириб ташланадиган харажатлар;

39) қазиб олувчи тармоқларда харажатларни қоплашнинг белгиланган муддати мобайнида тенг равишда ишлаб чиқариш таннархига ёки қазиб олинган маҳсулотнинг ҳажмига ва миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариладиган тайёргарлик ишларига доир харажатлар;

40) зарарлар ва йўқотишлар:

а) бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича;

б) тара билан боғлиқ операциялар бўйича;

в) умидсиз қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, бундан шубҳали қарзлар бўйича ташкил этилган захира ҳисобига ҳисобдан чиқариш мустасно;

г) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги операциялар бўйича харажатлар ва зарарлар, бундан ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатлар ва зарарлар мустасно;

д) табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойликларнинг нобуд бўлиши ҳамда бузилиши, ишлаб чиқаришнинг тўхташи оқибатидаги йўқотишлар ва бошқалар) туфайли кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан табиий офатлар оқибатларини олдини олиш ёки уларни бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар;

е) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар, шунингдек телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар;

ж) уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан кўрилган зарарлар;

з) асосий воситаларни ҳар йили амалга ошириладиган қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган илгариги қўшимча баҳолашдан (баҳонинг арзонлаштирилган суммасидан) олинадиган ўсишдан ортадиган баҳони арзонлаштириш суммаси;

и) яроқсиз маҳсулотдан кўрилган йўқотишлар;

к) ички ишлаб чиқариш сабабларига кўра бекор туриб қолишлардан кўрилган йўқотишлар;

л) ташқи сабабларга кўра (юридик шахснинг айбисиз) бекор туриб қолишлардан кўрилган, айбдорлар томонидан компенсация қилинмайдиган йўқотишлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

м) қарз суммаси билан мазкур қарзни юзага келтирган реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги қарзни талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан кўрилган зарарлар;

*(145-модданинг 40-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида «м» кичик банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

41) кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

42) кредит шартномасида назарда тутилган ставкалар доирасида муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар, бундан инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестициялар учун олинган кредитлар ва заёмлар бўйича фоизлар мустасно;

43) валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича курсдаги салбий фарқ, бу фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги ҳолларда жами даромаддан чегириб ташланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

чет эл валютаси ушбу чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан паст нархда сотилганда;

чет эл валютаси ушбу чет эл валютасига бўлган мулк ҳуқуқининг ўтиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдан юқори нархда сотиб олинганда;

*(145-модда 43-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан тегишли ҳисобот даври учун баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланганда.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромаддан чегириб ташланади;

*(145-модда 43-бандининг бешинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» (рўйхат рақами 1364, 21.05.2004 й. ), «Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1411, 17.09.2004 й.).*

44) ўзининг қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;

45) молиявий ижара, шу жумладан лизинг бўйича ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади бўлган маблағларни тўлашга доир харажатлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (6-сон БҲМС) «Ижара ҳисоби» (рўйхат рақами 1946, 24.04.2009 й.), «Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1961, 01.06.2009 й.).*

46) солиқ тўловчи томонидан чиқарилган облигациялар ва бошқа қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизлар тарзидаги харажатлар;

47) фавқулодда зарарлар. Фавқулодда зарарлар — солиқ тўловчиларнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқувчи воқеалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатларнинг моддаларидир. У ёки бу модда фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

юридик шахснинг одатдаги хўжалик фаолияти учун хос бўлмаслиги;

бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги;

48) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассислари (иштирокчилари) томонидан унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар чегириб ташланадиган харажатлар сифатида қаралмайди;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

49) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини, болани икки ёшга тўлгунига қадар парваришлаш нафақаларини, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақаларни тўлаш харажатлари.

*(145-модданинг 49-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1136, 08.05.2002 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

50) ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 104, 109-моддалари.*

51) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 217-моддаси.*

52) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

53) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

54) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) харажатлари;

55) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 190-моддаси.*

56) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳум ўртача ойлик иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 193-моддаси.*

*(145-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 50 — 56-бандлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

57) абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.

*(145-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 57-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси, «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2329, 21.02.2012 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 146-модда. Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари

Ушбу моддада келтирилган харажатлар улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсати билан белгиланган, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиши лозим. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

*(146-модданинг номи ва биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

1) янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;

2) барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари;

3) ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) асосий воситалар ва номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобланган амортизация суммаси билан ушбу Кодекснинг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги ижобий фарқ;

*(146-модда биринчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Шубҳали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар ушбу Кодексга мувофиқ умидсиз деб эътироф этилган қарздорликни ҳисобдан чиқарилаётганда, ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган умидсиз қарздорлик миқдоридан ошмайдиган суммада чегириб ташланади.

### 147-модда. Чегирилмайдиган харажатлар

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда чегирилмайдиган харажатларга қуйидагилар киради:

1) моддий қимматликларнинг табиий камайиши нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар;

2) ходимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) ушбу Кодекс 145-моддасининг 11, 14 ва 32-бандларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар (хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари);

*(147-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

4) нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар;

5) хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар;

6) умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш;

7) йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари;

8) солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9) ушбу Кодекснинг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари;

*(147-модданинг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(147-модданинг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) дала таъминоти, хизмат мақсадида ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар;

*(147-модданинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланганлик учун ҳар ойда компенсация тўлаш тартиби».*

12) пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

13) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ушбу Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган моддий ёрдам бундан мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14) меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 190-моддаси.*

15) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, ҳомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар;

*(147-модданинг 14 ва 15-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

16) ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар;

17) маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар;

18) атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 майдаги 199-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом.*

19) кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар;

20) лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар;

*Олдинги таҳририга қаранг.*

*(147-модданинг 21-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

22) суд чиқимлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 318-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 103-104, 109-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 90-моддаси.*

23) айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар;

24) солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкининг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар, ушбу Кодекс 145-моддаси 40-бандининг «е» ва «ж» кичик бандларида кўрсатилган зарарлар бундан мустасно;

25) хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар;

*Олдинги таҳририга қаранг.*

26) инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар.

*(147-модданинг 26-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-216-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 37-сон, 403-модда)*

*Олдинги таҳририга қаранг.*

26[1]) ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ;

*(147-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 26[1]-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуналар учун тўловни ундириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2199, 21.02.2011 й.).*

27) бошқа харажатлар, ушбу Кодекснинг 142—145-моддаларида кўрсатилганлари бундан мустасно.

## 22-боб. Кредит ташкилотларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 148-модда. Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари

*(148-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кредит ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қуйидагилар киради:

*(148-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) кредит ташкилотининг ўз номидан ва ўз ҳисобидан пул маблағларини жойлаштиришдан, кредитлар ҳамда заёмлар беришдан олинадиган фоизлар, бошқа фоизли даромадлар. Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган кредитлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли давр берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар кредит шартномасига кўра олиш муддати етиб келмагунича солиқ солинадиган даромад сифатида қаралмайди;

*(148-модда биринчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) мижозларнинг, шу жумладан вакил банкларнинг ҳисобварақларини очганлик ва юритганлик ҳамда уларнинг топшириғига биноан ҳисоб-китобларни амалга оширганлик учун олинган ҳақ, шу жумладан жўнатма, инкассо, аккредитив ва бошқа операциялар, банк операцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган тўлов карталарини ҳамда бошқа махсус воситаларни расмийлаштирганлик ва хизмат кўрсатганлик учун, ҳисобварақлар бўйича кўчирмаларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этганлик учун ва суммаларни қидирганлик учун воситачилик ҳақи ҳамда бошқа пул мукофотлари;

3) пул маблағларини инкассация қилишдан, векселлардан, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларидан ҳамда мижозларга касса хизмати кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

4) нақд пулли ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириладиган валюта операцияларини ўтказишдан, шу жумладан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш, жумладан мижознинг ҳисобидан ва унинг топшириғи бўйича операцияларда воситачилик ва бошқа мукофотлар, валюта бойликлари билан операция қилишдан олинадиган даромадлар;

5) учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этилишини назарда тутувчи банк кафолатлари, мажбуриятлари, аваллари ва кафилликлари беришга доир операциялардан олинадиган пул шаклидаги мукофот;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(148-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

7) ҳужжатларни ва қимматликларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар ва сейфларни ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

8) пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа бойликлар ва банк ҳужжатларини етказиб берганлик, ташиганлик учун ҳақ;

9) қимматбаҳо металлар ҳамда қимматбаҳо тошларни ташиганлик ва сақлаб турганлик учун ҳақ;

10) форфейтинг ва факторинг операцияларини амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(148-модданинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

12) кредит ташкилотлари томонидан ўз профессионал фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Баланснинг валютага оид моддалари қайта баҳоланганда олинадиган даромадлар, шунингдек чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курси товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ёки олиш санасидан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳақ тўланган санагача бўлган даврда ўзгариши муносабати билан юзага келган ижобий фарқ ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар сифатида қаралади.

*(148-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисобланган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварақларидан чиқариб ташланади.

### 149-модда. Кредит ташкилотларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Кредит ташкилотларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142—146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар киради:

1) кредит ресурслари учун тўловлар, пул маблағлари ва қимматликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

2) мижозларнинг депозит ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган нормалар доирасида таваккалчилик операциялари бўйича захираларга ажратмалар.

Тижорат банкларининг солиқ солинадиган фойдасидан улар ўз филиалларига берадиган мол-мулк қиймати чегириб ташланади.

## 23-боб. Суғурта ташкилотларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 150-модда. Суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари

*(150-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурта ташкилотларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қуйидагилар киради:

*(150-модданинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

1) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари). Бунда биргаликда суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари) суғурталовчининг (биргаликда суғурта қилувчининг) даромадлари таркибига фақат унинг биргаликда суғурта қилиш шартномасида белгиланган суғурта мукофотидаги улуши миқдорида қўшилади;

2) аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғуртавий техник захираларни камайтиришнинг (қайтаришнинг) қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммалари;

3) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича пул мукофоти, шунингдек қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тантьемалар (фойдадан олинадиган ҳақ);

4) қайта суғурта қилишга ўтказилган таваккалчилик бўйича суғурта тўловлари улушининг ўрнини қайта суғурта қилувчилар томонидан қоплаш суммалари;

5) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича мукофотлар депосига ҳисобланган фоизлар суммалари;

6) суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган даромадлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(150-модданинг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

8) суғурта агенти, брокер, воситачи хизматларини кўрсатганлик учун мукофот;

9) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига хизматлар кўрсатганлик учун суғурталовчи томонидан олинган пул мукофоти;

10) суғурта хизматлари кўрсатишдан ва қўшимча суғурта фаолиятидан олинган бошқа даромадлар.

### 151-модда. Суғурта ташкилотларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Суғурта ташкилотларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142—146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар киради:

1) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган тўлов суммалари;

2) аввалги ҳисобот даврларида шакллантирилган суғурта техник захиралари ўсишининг қайта суғурта қилувчиларнинг суғурта захираларидаги улуши ўзгариши ҳисобга олинган ҳолдаги суммаси;

3) суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ҳамда ҳисобланган тўлов суммалари;

4) фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммаси;

5) суғурта ҳодисаси рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

6) суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялаштиришга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

7) суғурта ташкилотлари захира фондларининг миқдори суғурта ташкилотлари устав фондининг 25 фоизига етгунига қадар мазкур ташкилотлар ўз даромадларининг 20 фоизигача миқдорида захира фондларига қиладиган ажратмалар суммаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) суғурта фаолияти билан боғлиқ ўзга юридик шахсларнинг хизматларига тўланган ҳақ.

*(151-модданинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

## 24-боб. Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 152-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадлари

*(152-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларни реализация қилишдан олинадиган даромадларига қуйидагилар киради:

*(152-модданинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

1) қимматли қоғозларни реализация қилишдан олинадиган, қуйидагича аниқланадиган даромадлар:

қимматли қоғозлар, бундан қарз қимматли қоғозлари (облигациялар, депозит сертификатлари) мустасно, ва иштирок этиш улуши бўйича — реализация қилиш қиймати ва олиш қиймати (ҳисса) ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

қарз қимматли қоғозлари бўйича — реализация қилиш қиймати билан реализация қилиш санасидаги дисконт амортизацияси ва (ёки) мукофот инобатга олинган ҳолда олиш қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида;

2) қимматли қоғозлар бозорида воситачилик ва бошқа хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

3) мижозларнинг маблағларидан фойдаланишдан юзага келадиган даромаднинг бир қисми;

4) депозитар хизматлар, шу жумладан қимматли қоғозлар тўғрисида ахборот тақдим этиш, депо ҳисобварағини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

5) қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

6) қимматли қоғозлар билан биржада ва биржадан ташқарида савдоларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

7) ҳисоб-китоб-клиринг фаолияти бўйича даромадлар;

8) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган инвестиция активларини бошқариш бўйича даромадлар;

9) қимматли қоғозлар бозорида маслаҳат хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

*(152-модданинг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 153-модда. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг чегириладиган харажатларини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг чегириладиган харажатларига ушбу Кодекснинг 142—146-моддаларида назарда тутилган харажатлардан ташқари қуйидагилар киради:

1) тегишли лицензияга эга бўлган савдони ташкил этувчиларга бадаллар тарзида тўланадиган харажатлар;

2) профессионал фаолиятни амалга ошириш муносабати билан пайдо бўладиган савдо қилиш жойларини сақлаб туриш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

3) қимматли қоғозлар муомаласи ва уларни ҳисобга олиш билан боғлиқ ўзаро электрон алоқани ташкил этиш ҳамда олиб бориш бўйича харажатлар;

4) қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш билан боғлиқ харажатлар;

5) ўз мижозларининг топшириғига биноан акциядорлик жамиятларининг бошқарув органларида иштирок этиш харажатлари.

## 25-боб. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 154-модда. Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсади учун солиқ солинадиган фойда суммаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган харажатлар суммасининг 10 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас;

*(154-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларига доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлган барча турдаги даромадлар киради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган юридик шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг харажатларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширишдан олинган даромадлари билан бевосита боғлиқ бўлган, улар Ўзбекистон Республикасида ёки унинг ташқарисида қилинганлигидан қатъи назар, барча турдаги харажатлари киради.

*(154-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ушбу Кодекс 20-моддаси учинчи қисмининг 8-бандида кўрсатилган фаолият амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база товарларни реализация қилиш қиймати билан уларни олиш қиймати ўртасидаги Ўзбекистон Республикасида омборга товарлар етказиб бериш харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги фарқ сифатида аниқланади.

Юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасага қуйидагилар сифатида тақдим этилган суммаларни доимий муассасага чегиришга киритиш ҳуқуқига эга эмас:

1) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентининг мол-мулкидан ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун олинадиган роялти, гонорарлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентининг хизматлари учун воситачилик даромадлари;

*(154-модда бешинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

3) Ўзбекистон Республикасининг ушбу норезиденти томонидан берилган заёмлар бўйича пул мукофотлари;

4) шу норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятидан олинадиган даромадлари билан боғлиқ бўлмаган харажатлар;

5) ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатлар;

6) Ўзбекистон Республикаси ушбу норезидентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қилинган бошқарув ва маъмурий харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса аломатларига жавоб берадиган фаолиятидан, давлат солиқ хизмати органида доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 155-моддасида белгиланган тартибда тўлов манбаида солиқ солинади. Бунда тўлов манбаида солиқ агенти томонидан ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи у Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органида доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси норезидентининг солиқ мажбуриятларини узиш ҳисобига ҳисобга олиниши керак.

Агар Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан даромад олинган бўлса ва шу даромаддан Ўзбекистон Республикасида тўлов манбаида ҳақиқатда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ўтказилган бўлса, ушбу норезидентнинг доимий муассасасида ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг юридик шахслардан олинадиган фойда солиғига қўшимча равишда соф фойдасига ҳам 10 фоизли ставка бўйича солиқ солинади.

Соф фойда деганда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолиятдан олинган, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисобланган суммаси чегириб ташланган фойда тушунилади.

### 155-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига солиқ солиш

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мазкур даромадларни олиш билан боғлиқ харажатлар чегириб ташланмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари ва лизинг берувчилари томонидан хорижий молия институтларига тўланадиган даромадлар солиққа тортилмайди.

*(155-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидагилар киради:

1) дивидендлар ва фоизлар;

2) ушбу Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ белгиланадиган, оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар;

3) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар:

юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари);

кўчмас мулк.

LexUZ шарҳи

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддаси иккинчи, учинчи қисмлари, 85-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тўлов манбаида солиққа тортиладиган мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолиш мол-мулкни реализация қилиш қийматидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

*(155-модданинг учинчи қисми 3-банди тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

4) Ўзбекистон Республикаси норезидентига тегишли товарларни Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ўзи ёхуд Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилишдан олинадиган даромадлар. Бунда товарларни реализация қилишдан олинадиган мазкур даромадлар Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган сумманинг олиб кирилган товарнинг контракт (фактура) қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади;

5) роялти;

6) ушбу Кодекснинг 134-моддасига мувофиқ аниқланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага ёки иккиламчи ижарага топширишдан олинадиган даромадлар;

7) таваккалчиликларни суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 941, 942, 959-моддалари.*

8) ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнитли тизимлар орқали белгилар, сигналлар, матнлар, тасвирлар, товушларни узатганлик, қабул қилганлик ва қайта ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикаси норезидентларига ҳақ тўланишини назарда тутувчи халқаро алоқа учун телекоммуникациялар хизматларига тўлов;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9) денгиз, дарё ва ҳаво кемаларидан, темир йўл ёки автомобиль транспорти воситаларидан халқаро ташишларда фойдаланишдан олинадиган даромадлар. Ушбу даромадларга транспорт воситаларидан тўғридан-тўғри фойдаланишдан, уларни ижарага беришдан ёки ҳар қандай бошқа шаклларда фойдаланишдан, шу жумладан контейнерлардан, контейнерларни ташиш учун трейлерлар ва қўшимча ускуналардан фойдаланиш, уларни сақлаш ёки ижарага беришдан олинадиган даромадлар (фрахтдан олинадиган даромадлар) киради. Айрим ҳолларда фрахт (шартнома шартларидан келиб чиқиб) юкни ортиш, қайта юклаш, тушириш ва жойлаштириш учун тўловларни ҳам ўз ичига олади. Бунда, агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташиш халқаро ташиш деб ҳисобланади, бундан фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган пунктлар ўртасида амалга ошириладиган ташиш мустасно;

*(155-модданинг учинчи қисми 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

10) халқаро ташишларда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташишларда транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатишдан олинадиган даромадлар. Бунда юк жўнатувчидан (юкни қабул қилиб олувчидан) олинган сумма билан юк ташувчига

тўланиши керак бўлган, юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари билан тасдиқланган сумма ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ҳақ суммаси солиқ солинадиган даромад ҳисобланади. Юк ташувчининг тегишли бирламчи ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг норезидентига норезидентнинг ушбу қисмнинг 9-бандида кўрсатилган фрахтдан олинадиган даромадларига солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича тўланган умумий суммага солиқ солинади;

*(155-модда учинчи қисмининг 9-10-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-бўлими («Транспорт экспедицияси»).*

11) Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар ҳамда пеня;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 261-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 24 — 33-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

$11^1$) текинга олинган мол-мулк;

*(155-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан $11^1$-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддаси.*

12) Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинган бошқа даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олган даромадларига қуйидагилар кирмайди:

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, фақат шу норезидент номидан амалга ошириладиган ва фақат товарлар харид қилиш (олиш), шунингдек товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш билан боғлиқ ташқи савдо операциялари (шу жумладан товар айирбошлаш операциялари) бўйича олинган даромадлари;

банкларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг вакиллик ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатишдан, шунингдек халқаро тўлов карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишдан олинадиган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар мустасно.

*(155-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Даромадни тўлаш деганда нақд пулли ва (ёки) нақд пулсиз шаклда пулни, қимматли қоғозларни, иштирок этишдаги улушни, товарларни, мол-мулкни бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан даромадлар тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси норезиденти олдидаги қарздорликни узиш ҳисобига амалга ошириладиган, даромад олувчининг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг қарзи талабини ҳисобдан чиқариш ёки ҳисобга олиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларига солиқ солиш мазкур Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз даромадларини учинчи шахслар, бошқа

давлатлардаги ўз бўлинмалари фойдасига ва бошқа мақсадларда тасарруф этишидан қатъи назар, амалга оширилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов манбаида ушлаб қолишни Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари амалга оширишлари шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(155-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси даромадни Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўлаш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ушлаб қолинмаган ёки Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари қоидаларининг ғайриқонуний тарзда қўлланилиши мазкур солиқ ушлаб қолинмаслигига ёки тўлиқ ушлаб қолинмаслигига сабаб бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромад тўлаётган Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ушлаб қолинмаган суммасини ва у билан боғлиқ пеня суммасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга киритиши шарт.

*(155-модданинг тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Суғурта бадалларидан олинган даромадлар бўйича солиқларнинг тўланган суммалари суғурта ҳодисаси юз берганда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта учун тўловга доир харажатлар тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилган суғурталовчининг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг даромадларини камайтириш учун ҳисобга олинади. Мазкур қайта ҳисоб-китобни Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромадни тўлаган ва тўлов манбаида солиқни ушлаб қолган юридик шахс бажариши мумкин.

*(155-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинмасдан даромадни тўлаш қуйидаги ҳужжатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган ариза;

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти давлат солиқ хизмати органида Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси сифатида фаолиятни амалга ошириши ва доимий муассасаси сифатида ҳисобда турганлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган маълумотнома.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига даромадларни тўлаш, ушбу модда учинчи қисмининг 2 ва 4-бандларида назарда тутилган даромадлар бундан мустасно тўлов манбаида Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан тақдим этилган, чет

давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган, Ўзбекистон Республикаси қайси давлат билан солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартномага эга бўлса, ўша давлатда мазкур шахснинг резидентлиги борлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ тўлов манбаида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинмаган ёки унинг пасайтирилган ставкаси қўлланилган ҳолда амалга оширилади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини камайтириш ёки уни тўлашдан озод этиш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ариза бериш талаб этилмайди.

*(155-модданинг ўн учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ солиқлар бўйича имтиёздан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган, Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартномага эга бўлган давлатда мазкур шахснинг доимий жойлашган жойи (резидентлиги) борлигини тасдиқловчи расмий тасдиқномани тақдим этиши шарт. Бунда даромадлар хорижий банкларга ва халқаро банкларараро телекоммуникация тизимларига тўланган тақдирда, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг ёки халқаро банкларараро телекоммуникация тизимининг доимий жойлашган ери борлиги фактини тасдиқлаш, агар бундай жойлашган ер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаб қилинмайди.

*(155-модданинг ўн учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини камайтириш ёки уни тўлашдан озод этиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси норезидентига даромадни тўлашдан олдин Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига белгиланган шаклда топширилади. Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезиденти учун Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган ариза юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини камайтириш учун ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилиш учун асос бўлади. Мазкур ариза тузилган контракт суммаси учун (сумманинг бир қисми учун) тақдим этилади. Агар контракт суммасини аниқлашнинг иложи бўлмаса, ариза ҳар йили тақдим этилади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммасини камайтириш ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига илова хат ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти Ўзбекистон Республикасидаги манбадан даромад олаётган контрактнинг (шартноманинг) нусхаси билан бирга берилади. Бундай ариза давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ваколатли шахси томонидан берилганда ишончнома тақдим этилиб, мазкур ваколатли шахс аризани шу ишончнома асосида тақдим этади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммасини камайтириш ёки юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ариза топширилган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан тўланган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадларидан ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда

солиғи бюджетга тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг мазкур норезиденти Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномаси қоидаларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддати ичида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини бюджетдан қайтариш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикасининг норезиденти Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклдаги солиқни қайтариш учун ариза;

даромадни тўлаш пайтида Ўзбекистон Республикасининг мазкур норезиденти Ўзбекистон Республикаси солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартномага эга бўлган мамлакатда доимий жойлашган жойига (резидентлигига) эга бўлганлигини тасдиқловчи, тегишли чет давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган расмий тасдиқнома;

Ўзбекистон Республикасининг норезидентига қайси контракт ёки бошқа ҳужжатга мувофиқ даромад тўланган бўлса, ўша контракт ёки бошқа ҳужжатнинг нусхалари, шунингдек даромаднинг тўланганлигини ва қайтарилиши лозим бўлган, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатларининг нусхалари.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар солиқ суммаси мазкур модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси томонидан тўланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси мазкур суммани мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўн икки ой ичида бюджетдан қайтариш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси ушбу модда ўн саккизинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда тўланган суммани қайтариш учун аризани ҳамда солиқ суммаси тўланганлигининг тасдиғини илова қилади.

*(155-модданинг ўн тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар ушбу модданинг ўн иккинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек ушбу Кодекснинг $155^1$-моддасида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органи уларнинг нотариал тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимасини талаб этишга ҳақли. Бунда ҳужжатларни тақдим этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, улар консуллик орқали легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ҳолда амалга оширилади.

*(155-модданинг йигирманчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ортиқча ҳисобланган ва тўланган солиқни қайтариш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қайтариш тўғрисида чиқарилган қарор асосида, ариза берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ушбу Кодекснинг 57-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модда қоидаларини қўллаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси норезиденти мазкур шахснинг резидентлигини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган вақт даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси томонидан қайси давлат билан солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома тузилган бўлса, ўша давлатнинг резиденти деб эътироф этилади. Агар резидентликни тасдиқловчи ҳужжатда резидентлик вақтининг даври кўрсатилмаган бўлса, ушбу ҳужжат берилган календарь йил давомида Ўзбекистон Республикаси норезиденти Ўзбекистон Республикаси томонидан қайси давлат

билан солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома тузилган бўлса, ўша давлатнинг резиденти деб эътироф этилади.

*(155-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан йигирма иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 155[1]-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ушбу модда мазкур Кодекс 155-моддаси учинчи қисмининг 3-бандида кўрсатилган мол-мулк бир юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан бошқа юридик шахсга — Ўзбекистон Республикаси норезидентига, жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикаси норезидентига ёки резидентига реализация қилинган тақдирда қўлланилади.

Юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти солиқ агенти деб эътироф этиладиган даромадни тўлаш манбаига (мол-мулкни сотиб олувчининг зиммасига) юклатилади.

Мол-мулкни реализация қилувчи юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезиденти солиқ агентига мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини (мавжуд бўлса) тақдим этиши шарт. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида солиқ агенти юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасини ушбу Кодекс 155-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва ушбу Кодекс 160-моддасининг 4-бандида белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаради ҳамда ушлаб қолади.

Солиқ агенти олинаётган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгунига (расмийлаштирилгунига) қадар Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини:

юридик шахснинг — Ўзбекистон Республикаси резидентининг устав капиталидаги акциялари, улушлари (пайлари) реализация қилинганда — ушбу юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига;

кўчмас мулк реализация қилинганда — кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича, мустақил равишда ёки ваколатли шахс орқали тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби Ўзбекистон Республикаси норезиденти қайси валютада даромад олаётган бўлса, ўша валютада тузилади. Ҳисоб-китобга мол-мулк олди-сотди шартномасининг кўчирма нусхаси ва сотувчи томонидан тақдим этилган мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари (мавжуд бўлса) илова қилинади. Агар мол-мулкни олиш қиймати ҳисоб-китоб тузилган валютада ифодаланмаган бўлса, у ҳолда ушбу қиймат мол-мулкни олиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб тузилган валютада қайта ҳисоблаб чиқарилади. Давлат солиқ хизмати органлари ҳисоб-китоб тақдим этилган санадан эътиборан уч иш куни ичида солиқ агенти ёки унинг ваколатли шахси номига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоб тақдим этилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисобланган миллий валютадаги суммаси кўрсатилган тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилгунига (расмийлаштирилгунига) қадар бюджетга тўланиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат асосида солиқ агентига ёки унинг ваколатли шахсига олинган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказувчи (расмийлаштирувчи) органга тақдим этиладиган солиқ тўланганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Олинадиган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказувчи (расмийлаштирувчи) органлар мулк ҳуқуқини солиқ тўланганлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилган тақдирдагина рўйхатдан ўтказишни (расмийлаштиришни) амалга оширади.

Ушбу модда иккинчи — саккизинчи қисмларининг қоидалари акциялар Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозларининг биржа бозори ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилинганда қўлланилмайди.

Акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозори ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилинганда Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлари бозоридаги ҳисоб-китоб-клиринг палатаси солиқ агенти деб эътироф этилади.

Акцияларнинг олди-сотдиси бўйича амалга оширилган битимларга доир савдо якунлари реестри асосида солиқ агенти ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини амалга ошириш вақтида сотувчининг пул маблағларидан реализация қилинган акцияларнинг қиймати ва ушбу Кодекс 160-моддасининг 4-бандида белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси сотувчининг ҳисобига акциялар қийматини тўлаш ҳисобидан пул маблағларини ўтказиш билан бир вақтда тўлов валютасида бюджетга ўтказилади. Солиқ агенти битим суммаси ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида акцияларни сотувчининг талабига кўра маълумотнома бериши шарт.

Солиқ агенти юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатларида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ушлаб қолинган акциялар олди-сотдиси бўйича битимлар реестрини тақдим этади.

Акцияларни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда сотувчи ортиқча тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини қайтариш тўғрисидаги аризани солиқ агентининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга. Аризага акцияларни реализация қилиш ва олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ҳамда солиқ агенти томонидан берилган битим суммаси ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисидаги маълумотноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ортиқча тўланган суммасини қайтариш ариза берилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида, ушбу Кодекснинг 57-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(155[1]-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

## 26-боб. Дивидендлар ва фоизлар тарзидаги даромадларга ҳамда оддий ширкат иштирокчиларининг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 156-модда. Дивидендлар ва фоизларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Дивидендлар ва фоизларга тўлов манбаида солиқ солинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ташкил қилинадиган бюджетдан ташқари жамғармаларнинг вақтинча бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

*(156-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(156-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган кредит ташкилотларига тўланадиган фоизларга тўлов манбаида солиқ солинмайди, балки ушбу Кодексда белгиланган тартибда кредит ташкилотида солиқ солинади. Худди шундай тартиб мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) беришда ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланадиган фоизли даромадларга ҳам татбиқ этилади.

*(156-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Юридик шахсдан олиниб, унинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ солинмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солинади.

*(156-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(156-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 157-модда. Оддий ширкат шартномаси шерикларига (иштирокчиларига) солиқ солиш

Ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида белгиланган тартибда аниқланадиган, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромад бошқа даромадлар таркибида жами даромадга киритилади ва унга ушбу бўлимга мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи солиниши лозим.

Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилганда ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилганда:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан қўйилма доирасида олинган мол-мулк ва мулкий ҳуқуқлар тарзидаги тушумлар, унинг улуши шартнома шерикларининг (иштирокчиларининг) умумий мулкидаги мол-мулкдан ажратилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шеригининг (иштирокчисининг) даромадлари таркибига киритилмайди;

*(157-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

қайтарилаётган мол-мулк қиймати билан бу мол-мулкнинг илгари оддий ширкат шартномаси бўйича топширилган қиймати ўртасидаги салбий фарқ солиқ солиш

мақсадлари учун зарар деб эътироф этилмайди ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

## 27-боб. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари

### 158-модда. Имтиёзлар

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(158-модданинг биринчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(158-модда биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(158-модда биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

Юридик шахсларнинг қуйидаги фойдаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинади:

1) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан олинган фойдаси;

2) шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган фойдаси;

3) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан олинган фойдаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(158-модданинг иккинчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

5) Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойдаси.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(158-модданинг иккинчи қисми 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпроғини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ушбу қисмда белгиланган нормадан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси бир фоиз камайтириладиган ҳисоб-китоб асосида камайтирилади.

### 159-модда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси қуйидаги суммага камайтирилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, ҳомийлик ва

хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

*(159-модда биринчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(159-модданинг биринчи қисми 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга, лизинг объекти қийматининг ўрнини қоплашга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда. Солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан беш йил ичида амалга оширилади. Янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинади. Ушбу имтиёз товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар томонидан қўлланилади;

*(159-модда биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(159-модда биринчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

5) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда;

6) диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига;

*(159-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 7-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(159-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 160-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига тўлов манбаида солиқ солиш ставкалари

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

1) дивидендлар ва фоизларга — 10 фоиз;

2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига — 10 фоиз;

3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) — 6 фоиз;

4) ушбу Кодекснинг 155-моддасида белгиланган даромадлар, бундан ушбу қисмнинг 1—3-бандларида кўрсатилган даромадлар мустасно — 20 фоиз.

### 161-модда. Зарарларни тақсимлаб ўтказиш

Ушбу Кодексда назарда тутилган, чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни ушбу зарар кўрилган солиқ давридан кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган солиқ даврида ёки ўтган солиқ даврларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарари (зарарлари) бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тўловчилари жорий солиқ даврининг солиқ солинадиган фойдасини кўрилган зарарнинг тўлиқ суммасига ёки бу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги солиқ даврида ҳисобга олинадиган жами суммаси жорий солиқ даврининг ушбу Кодексга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойданинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган фойда тақсимлаб ўтказилиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилда кўрилган зарарлар улар кўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ тўловчининг юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлашдан озод қилинган солиқ даврида кўрган зарарлари кейинги солиқ даврларига тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас.

Солиқ тўловчи қайта ташкил этилиши муносабати билан фаолиятини тугатган тақдирда, солиқ тўловчи-ҳуқуқий ворис солиқ солинадиган фойдани қайта ташкил этилган юридик шахснинг қайта ташкил этиш пайтигача кўрган зарарлари суммасига ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва шартларда камайтиришга ҳақли.

## 28-боб. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи ва солиқни тўлаш

### 162-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

### 163-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 128-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоби, агар ушбу моддада бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари доимий муассаса жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятининг хусусияти ҳақидаги ҳисоботни (эркин шаклда), шунингдек юридик шахслардан

олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар учун йиллик молиявий ҳисоботни топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этади. Бунда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китобида бюджетга тўланадиган соф фойдадан олинадиган солиқ суммаси алоҳида сатрда кўрсатилади. Фаолият календарь йил тугашидан аввал тугатилган тақдирда, бу ҳужжатлар фаолият тугатилганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан тақдим этилиши шарт.

### 164-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар, ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган йил чораги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

*(164-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олинадиган солиқни жорий тўловларни тўламасдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

### 165-модда. Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби

Юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғи белгиланган ставкаларни чегирмаларни амалга оширмасдан тўланадиган даромад суммасига нисбатан қўллаш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар ушбу Кодекснинг $155^1$-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юридик шахслардан тўлов манбаида олинадиган фойда солиғини юридик шахслар қуйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолиши шарт:

*(165-модданинг иккинчи қисми биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

дивидендлар ва фоизларни;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларига даромадларни.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун жавобгарлик даромадни тўлаш манбаи, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норезидентларига даромад тўловчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари зиммасида бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган шахслар:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини Ўзбекистон Республикаси норезидентларига дивидендлар, фоизлар ва тўловларни тўлаш санасидан кечиктирмай бюджетга ўтказиши. Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай бюджетга ўтказади;

*(165-модда тўртинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

2) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига тўлов амалга оширилган ҳисобот даври тугагандан кейин йигирма беш кундан кечиктирмай тақдим этиши;

3) давлат солиқ хизмати органларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги, бу шахсларнинг солиқ тўловчининг идентификация рақами, уларнинг номи, даромадининг умумий суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида тақдим этиши;

4) даромад олувчи шахсларга уларнинг талабига биноан, даромад суммаси ва солиқ даври учун ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда маълумотнома тақдим этиши шарт.

### 166-модда. Солиқни ҳисобга олиш

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган даромад қилинган харажатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегириб ташлангунига қадар тўлиқ миқдорда солиқ тўловчининг жами даромадига қўшилади. Солиқ солинадиган базани аниқлашда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойда олиш муносабати билан қилинган ҳамда ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ва миқдорларда чегирилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш пайтида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг тўлов хабарномаси, маълумотномаси ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади.

## VI БЎЛИМ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

### 29-боб. Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база

### 167-модда. Солиқ тўловчилар

Ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилардир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 168-моддаси, 169-моддасининг биринчи қисми, 170-моддаси.*

**168-модда. Жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 182-моддасида назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда ва ставкалар бўйича солиқ солинади.

*(168-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**169-модда. Солиқ солиш объекти**

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлари.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган, ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

**170-модда. Солиқ солинадиган база**

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, ушбу Кодекснинг 179 ва 180-моддаларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.

Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

## 30-боб. Жисмоний шахсларнинг жами даромади

**171-модда. Жисмоний шахсларнинг жами даромади таркиби**

Жисмоний шахсларнинг жами даромадига қуйидагилар киради:

1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 172-моддаси.*

2) мулкий даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 176-моддаси.*

3) моддий наф тарзидаги даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 177-моддаси.*

4) бошқа даромадлар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 178-моддаси.*

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш харажатлари;

*(171-модда иккинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 217-моддаси.*

2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасининг тўртинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари;

*(171-модда иккинчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар;

*(171-модданинг иккинчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) ходимга хизмат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш харажатлари ёки уларни пасайтирилган баҳоларда сотиш муносабати билан қилинган харажатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айрим тоифадаги ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатлари;

*(171-модда иккинчи қисмининг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 217-моддаси биринчи қисмининг биринчи — бешинчи хатбошилари, иккинчи қисми.*

6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкини кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 172-моддаси.*

7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари:

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл қатнови бўлмаса, шаҳарлараро автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдорида, бироқ авиачипта қийматининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда;

уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда — қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида;

тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафарида бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

қонун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддаси, «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби» (рўйхат рақами 932, 05.06.2000 й.), «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1268, 29.08.2003 й.).*

8) қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар):

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар);

*(171-модда иккинчи қисми 8-бандининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддаси, «Ўта муҳим ва узоқда жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари тармоғида вахта усули тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 551, 28.11.1998 й.).*

хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 173-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланганлик учун ҳар ойда компенсация тўлаш тартиби».*

дала таъминоти;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 июлдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган «Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва нормалар бўйича бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан ушбу Кодекснинг 174 ва 178-моддаларида кўрсатилганлари мустасно;

*(171-модда иккинчи қисмининг 8-банди бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қуйидаги миқдордаги тўловлар:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан

ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади);

махсус тиббий парваришга муҳтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловлар;

жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридаги тўловлар;

ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридаги тўловлар;

10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан қуйидаги миқдордаги тўловлар:

марҳумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридаги тўловлар;

боқувчиси вафот этганлиги муносабати билан зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида марҳумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридаги тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 193-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) талабаларнинг таълим олиши учун Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар;

*(171-модда иккинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2431, 26.02.2013 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(171-модда иккинчи қисмининг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича тўланадиган суғурта мукофотлари. Ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва суғурталовчи суғурта қилинувчига суғурта мукофотининг бир қисмини ёки ҳаммасини қайтарса, қайтарилган суғурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади;

*(171-модда иккинчи қисмининг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14) юридик шахсдан — иш берувчидан:

ёш оилалар аъзолари томонидан уй-жой олиш учун олинган маблағлар;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банклар томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган ипотека кредити бўйича бошланғич бадал сифатида қурувчи шахс томонидан олинган маблағлар.

Уй-жой олинган (мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

*(171-модданинг иккинчи қисми 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

*(171-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида 15-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 172-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Иш берувчи билан меҳнатга оид муносабатларда бўлган ва тузилган меҳнат шартномасига (контрактига) мувофиқ ишларни бажараётган жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар деб эътироф этилади:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг қабул қилинган шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархлар, тариф ставкалари ва мансаб маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддаси.*

илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 декабрдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиялари аъзоларининг гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг стипендиялари миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом.*

ушбу Кодекснинг 173-моддасига мувофиқ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

ушбу Кодекснинг 174-моддасига мувофиқ компенсация тўловлари (компенсация);

ушбу Кодекснинг 175-моддасига мувофиқ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам киради:

предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга (ушбу Кодекс 169-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 631-моддасининг биринчи қисми, 636, 638, 662, 673-моддалари, 686-моддасининг биринчи қисми, 693-моддасининг биринчи қисми.*

юридик шахснинг бошқарув органи (кузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

*(172-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 74-моддасининг учинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни 38-моддасининг бешинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига

хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

*(172-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 173-модда. Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар

Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар жумласига қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) йиллик иш якунлари бўйича мукофот;

*(173-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

2) юридик шахснинг мукофотлаш тўғрисидаги қоидасида назарда тутилган рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар;

3) касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) таътилга қўшимча ҳақлар;

*(173-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

5) кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги ПҚ-158-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 2-бандининг иккинчи — олтинчи хатбошилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги ПФ-1280-сонли «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 9 июлдаги 343-сонли «Ўзбекистон Республикаси судяларини, прокуратура ва адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг 1-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 18 мартдаги 62-сонли қарори билан тасдиқланган «Жумҳурият шаҳар электр транспорти корхоналари ходимларига кўп йиллик хизмат учун бир йўла мукофот беришнинг тартиби ҳақида»ги низом, «Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод шаҳарлари ва шаҳар кўринишидаги Зафаробод шаҳарчасидаги бюджет ташкилотлари ва муассалари ходимларига кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1026, 13.04.2001 й.).*

6) рационализаторлик таклифи учун тўлов.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган бир йўла бериладиган мукофотлар.

*(173-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 7-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 174-модда. Компенсация тўловлари (компенсация)

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромадга киритиладиган компенсация тўловлари (компенсациялар) жумласига қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 153-моддасининг тўртинчи, бешинчи қисмлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сонли «Навоий вилояти халқ хўжалига тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга*

*солишини такомиллаштириш тўғрисида»ги карори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 декабрдаги 462-сонли «Дўрмон-Қайнарсой» комплексларининг хўжалик ҳисобидаги бирлашган дирекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-банди.*

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан шундай шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар;

*(174-модданинг 1 ва 2-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

3) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, иш вақтидан ташқари, дам олиш кунларида ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устамалар ва қўшимча тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 157 — 158-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) кўп сменали режимда ишлаганлик, шунингдек бир неча касбда, лавозимда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун устамалар;

*(174-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар;

*(174-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўта муҳим ва узоқда жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари тармоғида вахта усули тўғрисида»ги низомнинг 5.6-банди (рўйхат рақами 551, 28.11.1998 й.).*

6) юридик шахс жойлашган ердан (йиғилиш пунктидан) ишлаш жойигача ва орқага қайтиш учун вахтада ишлаш жадвалида назарда тутилган ишлар вахта усулида бажарилган тақдирда йўлга кетадиган кунлар, шунингдек ходимлар метеорологик шароитлар сабабли ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қолган кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланадиган суммалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўта муҳим ва узоқда жойлашган объектларда қурилиш-монтаж ишлари тармоғида вахта усули тўғрисида»ги низомнинг 5.7-5.8-бандлари (рўйхат рақами 551, 28.11.1998 й.).*

7) ер ости ишларида доимий банд бўлган ходимларга уларнинг стволдан ишлаш жойига бориш ва у ердан қайтиш учун шахтада (конда) ҳаракатланишининг меъёрий вақти учун тўланадиган қўшимча ҳақлар;

8) қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча дала таъминоти;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 июлдаги 190-сон қарори билан тасдиқланган «Дала шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга дала устамаси тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 4-банди.*

9) хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 171-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1268, 29.08.2003 й.), «Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби» (рўйхат рақами 932, 05.06.2000 й.).*

10) ишлар вахта усулида ташкил қилинганда, иш вақти умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинаётганда ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг белгиланган давомийлигидан ортиқ ишлаганликлари муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (отгуллар) учун тўловлар;

11) хизмат ишлари учун ходимнинг шахсий автомобилидан ёки хизмат мақсадлари учун унинг бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча фойдаланганлик учун тўловлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 173-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланганлик учун ҳар ойда компенсация тўлаш тартиби».*

12) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озиқ-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

*(174-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 13-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 175-модда. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш

Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлашга қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) қонун ҳужжатларига мувофиқ:

а) йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

б) ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

в) ўқиш билан боғлиқ таътилга ва ижодий таътилларга ҳақ тўлаш;

г) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

*(175-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133 — 138, 148-моддалари.*

2) асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга бериладиган тўловлар;

3) донор ходимларга кўрикдан ўтиш, қон топшириш ва қон топширилган ҳар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонуни 20-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари.*

4) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 165-моддаси.*

5) қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишларга жалб қилинадиган ходимларнинг асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинадиган иш ҳақи;

6) бошқа юридик шахслардан аввалги иш жойида лавозим бўйича маоши миқдорлари маълум бир муддат давомида сақлаб қолинган ҳолда ишга олинган, шунингдек вақтинчалик вазифани бажариб турганда ходимларга маошдаги фарқни тўлаш;

7) юридик шахсларнинг ходимларига кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида ишдан ажралган ҳолда ўқишлари вақтида асосий иш жойи бўйича уларга тўланадиган иш ҳақи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 166-моддаси.*

8) ходимнинг айбисиз бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўлаш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 159-моддаси.*

9) меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

10) қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки юридик шахснинг қарори билан мажбурий прогул вақти ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг имтиёзли соатларига, оналарга болани овқатлантириши учун ишда бериладиган танаффусларга, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

*(175-модданинг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 166-моддаси, 236-модданинг иккинчи қисми, 243-моддаси.*

12) юридик шахсларнинг асосий ишидан озод қилинган ва озод қилинмаган ҳолда ходимлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун ҳамда ўқувчилар ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилиш учун жалб қилинадиган юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(175-модданинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(175-модданинг 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

15) юридик шахснинг маблағлари ҳисобидан тўланадиган пенсиялар ва нафақаларга қўшимчалар, стипендиялар;

16) олий ўқув юртини тамомлаганидан кейин ёш мутахассисларга таътил вақти учун юридик шахс ҳисобидан тўланадиган нафақалар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(175-модданинг 17-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 176-модда. Мулкий даромадлар

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига қуйидагилар киради:

1) фоизлар;

2) дивидендлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 22-моддаси.*

3) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 544-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ижара тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар. Мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса, инвентаризация қиймати ҳамда реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади;

*(176-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

5) саноат мулки объектларига, селекция ютуғига берилган патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентдан бошқа шахс фойдасига воз кечганда ёки лицензия шартномаси тузганда олган даромади;

*(176-модданинг 4-5-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

6) роялти;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(176-модданинг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

*(176-модданинг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 27-моддасининг иккинчи қисми.*

### 177-модда. Моддий наф тарзидаги даромадлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар, агар ушбу Кодекс 171-моддасининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қуйидагилардир;

*(177-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

1) юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(177-модданинг биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб текинга, шу жумладан ҳадя шартномаси асосида берилган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати;

*(177-модда биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

3) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ходимларга реализация қилинадиган нархи ва шу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган қиймати ўртасидаги салбий тафовут;

4) қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль транспорти ва шаҳар электр транспортида юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси;

5) жисмоний шахснинг юридик шахс олдидаги қарзининг юридик шахс қарори билан ҳисобдан чиқарилган суммалари;

6) иш берувчи томонидан тўловлар ҳисобига тўланиб, ходимдан ушлаб қолиниши лозим бўлган, лекин ушлаб қолинмаган суммалар.

Солиқ тўловчи юридик шахсдан товарлар (ишлар, хизматлар) олган тақдирда, ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати уларни олиш нархидан ёки таннархидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жисмоний шахс юридик шахсдан акциз тўланадиган товарлар ёки қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) олса, бундай товарлар (ишлар, хизматлар) қийматида акциз солиғининг ва қўшилган қиймат солиғининг тегишли суммаси ҳисобга олинади.

### 178-модда. Бошқа даромадлар

Жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари жумласига қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар;

*(178-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 284 — 294-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни.*

2) стипендиялар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган «Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги низом, «Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисида»ги низом, «Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби*

*тўғрисида»ги низом, «Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1339, 16.04.2004 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан жисмоний шахсларга бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам;

*(178-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

4) донорлик учун пул мукофотлари;

5) алиментлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96 — 134-моддалари.*

6) ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, ипак қурти, чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинган даромадлар;

7) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар қиймати;

8) мусобақаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари;

9) ютуқлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) грант берувчидан олинган грантлар, шу жумладан чет давлатлар грантлари бўйича олинган суммалар;

*(178-модда 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

11) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича олинган фоиз тарзидаги ва бошқа даромадлар, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси.*

12) яратилган фан, адабиёт ва санъат асарлари (предметлари) учун жисмоний шахслар томонидан олинган даромадлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасининг учинчи қисми,19-моддасининг тўртинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

*(178-модданинг 13-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси.*

14) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15) ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар;

*(178-модданинг 15-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 104 ва 109-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловлар.

*(178-модданинг 16-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17) қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сонли Фармони билан тасдиқланган «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахсларнинг имтиёзли тоифалари рўйхати».*

18) ишламайдиган пенсионерларга юридик шахс томонидан тўланадиган тўловлар;

19) суғурта товони суммалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 934-моддаси.*

20) маънавий зарарни компенсация қилиш бўйича пул тўловлари.

*(178-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 17 — 20-бандлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1022-моддаси.*

## 31-боб. Имтиёзлар

### 179-модда. Жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

1) моддий ёрдам суммалари:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича;

*(179-модданинг 1-банди иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

*(179-модданинг 1-банди учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 193-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

бошқа ҳолларда — солиқ даври учун энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача миқдорда;

*(179-модда 1-бандининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) йўлланмалар қийматини юридик шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари, туристик йўлланмалар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар қийматини ногиронларга, шу жумладан мазкур корхонада ишламайдиган ногиронларга тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган болалар оромгоҳлари ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек ота-оналарнинг болалари билан дам олишига махсус мўлжалланган санаторий-курорт ва соғломлаштириш муассасаларига ўз ходимларининг ўн олти ёшга тўлмаган (ўн саккиз ёшгача бўлган ўқувчилар) болалари учун йўлланмалар қийматини тўлиқ ёки қисман қоплаш суммалари;

3) ўз ходимларига ва уларнинг болаларига амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун иш берувчи томонидан тўланган суммалар, шунингдек юридик шахснинг даволаш ва тиббий хизмат кўрсатганлик, ногиронлик профилактикаси ва ногиронларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олиш учун қилинган харажатлари. Ходимларни даволаганлик, уларга тиббий хизмат кўрсатганлик учун юридик шахслар томонидан соғлиқни сақлаш муассасаларига нақд пулсиз ҳақ тўланган тақдирда, шунингдек соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ёзиб берилган ҳужжатлар асосида ушбу мақсадлар учун мўлжалланган нақд пул маблағлари бевосита ходимга, ходим йўқлигида, унинг оила аъзоларига, ота-оналарига берилган ёки мазкур мақсадлар учун мўлжалланган маблағлар ходимнинг банкдаги ҳисобварағига киритилган тақдирда, ушбу даромадлар солиқ солишдан озод қилинади;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилиши муносабати билан бюджет ташкилотларидан чет эл валютасида олинган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида;

5) вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, агар бундай ишларга ёллаш вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари кўмагида амалга оширилаётган бўлса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси;

*(179-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни 27-моддасининг иккинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган давлат пул мукофоти ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бир йўла бериладиган пул мукофоти;

*(179-модданинг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси.*

8) халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(179-модданинг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

10) донорлик учун пул мукофотлари, шунингдек қон йиққанлик учун тиббиёт муассасалари ходимлари оладиган суммалар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, бундан:

қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини (пайларини);

яшаш учун мўлжалланмаган жойларни;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ битим тузилган тақдирда, уй-жойларни реализация қилишдан олинадиган даромадлар мустасно.

*(179-модданинг 11-банди тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

12) уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамол, парранда, мўйнали ва бошқа ҳайвонлар, балиқ ва бошқаларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно. Мазкур даромадлар солиқ тўловчи тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг бошқарувлари томонидан берилган, реализация қилинган маҳсулот солиқ тўловчи томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжатни тақдим этган тақдирда, солиқ солишдан озод қилинади;

13) халқаро ҳамда республика танловлари ва мусобақаларида олинган буюм тарзидаги совринларнинг қиймати;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14) юридик шахсдан солиқ даври мобайнида энг кам иш ҳақининг олти баравари миқдоригача бўлган қийматдаги:

ходимлар натура шаклида олган совғалар;

илгари мазкур юридик шахснинг ходимлари бўлган ишламаётган пенсионерлар ва меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, вафот этган ходимнинг оила аъзолари томонидан олинган совғалар ва бошқа турлардаги ёрдам.

*(179-модданинг 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

15) жисмоний шахслардан мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текин олинган пул ва натура шаклидаги даромадлар, бундан фан, адабиёт ва санъат асарларининг, адабиёт ва санъат асарлари ижрочиларининг, шунингдек кашфиётлар, ихтиролар ва саноат намуналари муаллифларининг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) тўланадиган пул мукофотлари мустасно;

16) давлат заёмининг облигациялари бўйича ютуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар, лотерея бўйича ютуқлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17) жамғарма сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклардаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар;

*(179-модданинг 17-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

18) халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида бевосита жисмоний шахс грант берувчидан ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан вакил қилинган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг хулосаси бўлган тақдирда, юридик шахсдан — грант олувчидан олган грант суммаси;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хулосаларни бериш Тартиби» (рўйхат рақами 438, 18.05.1998 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19) дивидендлар тарзида олинган ва дивиденд тўлаган юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Ушбу бандда назарда тутилган имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилганда (чиқиб кетилганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солишдан озод қилинган даромадларга умумий асосларда солиқ солиниши керак;

*(179-модданинг 19-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20) меҳнат шартномаси бекор қилинганида энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия ва экология жамғармаларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар;

*(179-модданинг 20-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 109-моддаси.*

21) олинган алиментлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96 — 134-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

22) фуқароларнинг суғурта товони сифатида оладиган суммалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 934-моддаси.*

23) қонун ҳужжатларида давлат стипендиялари учун белгиланган миқдорларда таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тўланадиган стипендиялар;

*(179-модданинг 22 ва 23-бандлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддаси.*

24) уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар ойлик компенсация пул тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сонли Фармони билан тасдиқланган «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахсларнинг имтиёзли тоифалари рўйхати».*

25) давлат пенсиялари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 289 — 291-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(179-модданинг 26-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

27) жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28) фуқароларнинг солиқ солинадиган ва Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларга ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўлови учун йўналтириладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг суммалари;

*(179-модданинг 28-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

29) юридик шахслар муассисларининг (иштирокчиларининг) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектига — юридик шахсга унинг мажбуриятларини бажариш учун йўналтириладиган даромадлари суммалари. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ва солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30) қуйидаги жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммалари:

ёш оила аъзолари томонидан якка тартибда уй-жойни қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун ёки кўп квартирали уйдаги квартирани реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуришни ушбу мақсадлар учун кредитлар бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган банкларнинг кредитлари ҳисобидан амалга ошираётган қурувчи шахслар

томонидан олинган ипотека кредитларини ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилганда.

*(179-модданинг 30-банди учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори билан тасдиқланган «Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурилишига «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисида»ги низом, «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан якка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга ошириладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2133, 16.08.2010 й.).*

Ушбу бандда кўрсатилган мол-мулк олинган (мол-мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, мазкур бандда назарда тутилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади.

*(179-модданинг 30-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

31) фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг:

Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган суммалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2107, 27.05.2010 й.).*

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 10-моддасининг бешинчи, олтинчи қисмлари, «Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2111, 04.06.2010 й.).*

*(179-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 31-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

32) жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномаси бўйича) олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадлар, агар мазкур улушлар, пайлар ва акцияларни бериш яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилса.

*(179-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 32-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

33) пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари.

*(179-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан 33-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

### 180-модда. Жисмоний шахсларни солиқ солишдан озод қилиш

Солиқ солишдан қуйидаги жисмоний шахслар тўлиқ озод қилинади:

1) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ва ходимлари, консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

2) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг маъмурий-техник ходимлари ҳамда уларнинг ўзлари билан бирга яшайдиган оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинадиган, дипломатлик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган даромадларидан ташқари барча даромадлари бўйича;

3) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига хизмат кўрсатадиган ходимлар таркибига кирган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

4) хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг уйларида ишловчилар, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки Ўзбекистон Республикасида доимий яшамаса, — ўз хизмати юзасидан оладиган барча даромадлари бўйича;

5) халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари — агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, уларнинг ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича;

6) Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ҳамда божхона органларининг оддий хизматчилари ва бошлиқлари таркибига кирувчи шахслар, шунингдек ўқув ёки синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар — хизматни ўташ (хизмат вазифаларини бажариш) муносабати билан олган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар суммалари бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига эга бўлган ходимлари — уларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадлари бўйича;

*(180-модданинг биринчи қисми 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 декабрдаги ПФ-3178-сонли «Прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги ПФ-4459-сонли «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар — ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича.

*(180-модданинг биринчи қисми 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган «Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9) якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган шахслар — якка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасига кўра бажарган ишлари учун олган даромадлари бўйича.

*(180-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан 9-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

Қуйидаги жисмоний шахслар солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган шахслар. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

*(180-модданинг иккинчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

*(180-модданинг иккинчи қисми 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(180-модданинг иккинчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(180-модданинг иккинчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

5) болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(180-модданинг иккинчи қисми 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар

вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади;

*(180-модда иккинчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 майдаги ЎРҚ-247-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 20-сон, 149-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(180-модданинг иккинчи қисми 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(180-модданинг иккинчи қисми 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

10) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ёлғиз оналар. Имтиёз ҳар бир бола учун Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) икки ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олмайдиган бева аёл ва бева эркаклар. Имтиёз эрнинг (хотиннинг) вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, болалар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, янги никоҳдан ўтмаганлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олинмаслиги ҳақидаги маълумотномаси тақдим этилган тақдирда берилади;

*(180-модда иккинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

12) болалигидан ногирон бўлган, доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-онадан бири. Имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш зарурлигини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, биргаликда яшашга тааллуқли қисмида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар тегишли ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қўлланилади.

Имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар календарь йили давомида вужудга келган тақдирда, имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келган пайтдан эътиборан қўлланилади.

Агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган бир нечта асос бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуққа эга бўлса, унга хоҳишига қараб фақат битта имтиёз берилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзни қўллаш жисмоний шахснинг асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи бўйича, асосий иш жойи бўлмаган тақдирда — яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида амалга оширилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, жисмоний шахс имтиёз йўқотилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида бу ҳақда ундан солиқни ушлаб қоладиган юридик шахсга маълум қилиши керак.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида санаб ўтилган имтиёзлар жисмоний шахсларнинг фоизлар ва дивидендлар тарзида олинган даромадларига, шунингдек мол-мулкни ижарага топширишдан олинган даромадларига ҳам татбиқ этилади. Агар фоизлар

ва дивидендлар асосий иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёзни қўллаш асосий иш жойи бўйича амалга оширилади, агар фоизлар ва дивидендлар асосий бўлмаган иш жойи бўйича ҳисобланса, имтиёз жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўлланилади. Шунга ўхшаш тартиб мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади.

## 32-боб. Солиқ ставкалари ва солиқ даври

### 181-модда. Даромадларнинг алоҳида турларига солинадиган солиқ ставкалари

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига белгиланган энг кам ставка бўйича солиқ солинади:

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган коэффициентлар бўйича қўшимча тўловлар тариқасида олинган даромадларга. Бунда чўл ва сувсиз жойларда, баланд тоғли ва табиий-иқлим шароити ноқулай ҳудудларда ишлаганлик учун юридик шахслар ходимларининг иш ҳақига коэффициентлар ҳисоблашнинг энг юқори суммаси ҳисоблаш пайтидаги ҳолатга кўра белгиланган энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида белгиланади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 апрелдаги 200-сонли «Навоий вилояти халқ хўжалига тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ҳудудий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 декабрдаги 462-сонли «Дўрмон-Қайнарсой» комплексларининг хўжалик ҳисобидаги бирлашган дирекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 3-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан вақтинчалик қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларига бундан ушбу Кодекснинг 179-моддаси 33-бандида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг даромадлари мустасно.

*(181-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга;

жисмоний шахслардан текин олинган улушлар, пайлар ва акциялар тарзидаги даромадларга;

жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулкни реализация қилишдан олинган даромадларга.

*(181-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган аёлларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори,*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати», «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхати» (рўйхат рақами 865, 05.01.2000 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**182-модда. Жисмоний шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига солинадиган солиқ ставкалари**

Жисмоний шахснинг — Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган, даромадларига манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

дивидендлар ва фоизларга — 10 фоиз;

ушбу Кодекс 155-моддаси учинчи қисмининг 9-бандига мувофиқ белгиланадиган халқаро ташишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинадиган даромадларга (фрахтдан олинадиган даромадларга) — 6 фоиз;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

меҳнат шартномалари (контрактлари) ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича олинган даромадларга, ушбу қисмнинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилмаган бошқа даромадларга — 20 фоиз.

*(182-модданинг биринчи қисми тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Тўлов манбаида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

*(182-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**183-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги даромад тўлаш манбаидан жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини ушлаб қолувчилар учун ҳисобот давридир.

## 33-боб. Даромадга тўлов манбаида солиқ солиш

**184-модда. Жисмоний шахсларнинг даромадларига тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлар**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти, агар ушбу Кодекснинг 194-моддасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар, фаолиятни Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ҳамда чет эл юридик шахсларининг ваколатхоналари зиммасига юклатилади.

*(184-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига қуйидаги даромадлар киради:

1) ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари;

2) ушбу Кодекснинг 177-моддасига мувофиқ моддий наф тарзидаги даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) мулкий даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида

доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса, шунингдек ушбу Кодекснинг 194-моддасида назарда тутилган ҳолларда;

*(184-модданинг иккинчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

4) ушбу Кодекснинг 178-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар, агар даромаднинг тўлов манбаи юридик шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти, фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти, чет эл юридик шахсининг ваколатхонаси бўлса.

*(184-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Меҳнатга оид муносабатларда бўлмаган жисмоний шахсга моддий наф тарзида даромад тўловчи солиқ агенти, жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолмасликка ҳақлидир. Бунда жисмоний шахс моддий наф тарзидаги даромад бўйича ушбу Кодекснинг 189-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаши шарт.

*(184-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 185-модда. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолиш

Тўлов манбаида солиқ солиш солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ агентлари томонидан амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Солиқ агентлари солиқ тўловчининг ушбу Кодекснинг 184-моддасида кўрсатилган даромадларидан ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини мазкур даромадлар ҳақиқатда тўланаётганда ушлаб қолишлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммасини солиқ тўловчидан ушлаб қолиш солиқ агенти солиқ тўловчига тўлаётган ҳар қандай пул маблағлари ҳисобидан, мазкур пул маблағлари ҳақиқатда солиқ тўловчига ёки унинг топшириғига биноан учинчи шахсларга тўланаётганда амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўғри ушлаб қолиниши ва ўз вақтида бюджетга ўтказилиши учун жавобгарлик даромад тўлаётган солиқ агентининг зиммасида бўлади. Мазкур солиқ суммаси ушлаб қолинмаган тақдирда, солиқ агенти ушлаб қолинмаган суммани ҳамда у билан боғлиқ пеняни бюджетга тўлаши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 120-моддаси.*

### 186-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақларининг суммаси) ҳисобга олинади. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг жорий йилнинг 1 январидаги ҳолати инобатга олинади.

*(186-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш ушбу бўлимда белгиланган солиқ солинадиган база ҳамда ставкалардан келиб чиққан ҳолда даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда жисмоний шахснинг асосий иш жойи бўйича солиқ агенти томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(186-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан совға, моддий ёрдам ва бошқа турлардаги ёрдам олган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш жисмоний шахс даромадлари тўғрисида декларация топширганда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

*(186-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс жорий йилда ўзига тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунига қадар тақдим этиши шарт. Илгариги иш (хизмат, ўқиш) жойидан маълумотнома тақдим этилмаган ёки солиқ тўловчининг идентификация рақами тақдим этилмаган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка бўйича ушлаб қолинади. Маълумотнома ёки идентификация рақами кейинчалик тақдим этилган тақдирда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси илгариги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида олинган даромадлар инобатга олинган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш календарь йил бошидан буён илгариги ва янги иш (хизмат, ўқиш) жойларидан олинган жами даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг тўртинчи хатбошисида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади.

*(186-модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Агар асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан даромадлар олаётган жисмоний шахс бухгалтерияга ўз даромадидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси бўйича ушлаб қолиш тўғрисида ариза берса, даромадлар тўлаётган юридик шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушбу бўлимда назарда тутилган имтиёзларни қўлламаган ҳолда энг юқори ставка бўйича ушлаб қоладилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ агентлари жисмоний шахснинг талабига биноан унга даромадларининг суммалари ва турлари ҳақида, шунингдек жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммаси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда маълумотнома беришлари шарт.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якуний суммаси жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисида тақдим этилган декларациянинг маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

*(186-модданинг ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 187-модда. Ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби

Солиқ агентлари:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) асосий бўлмаган иш жойидан даромадлар олган жисмоний шахслар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган шаклда, солиқ даври тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида давлат солиқ хизмати органларига маълумотнома тақдим этиши шарт. Маълумотномада қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчининг — жисмоний шахснинг идентификация рақами;

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи манзили;

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солиқ агентининг идентификация рақами;

солиқ агентининг номи, жойлашган ери (почта манзили).

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари бўйича, уларнинг олинган жойидан қатъи назар, маълумотнома тақдим этилмайди:

дивидендлар, фоизлар тарзидаги даромадлар;

ушбу Кодекснинг 181-моддасига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг белгиланган энг кам ставкаси бўйича солиқ солинадиган даромадлар;

жисмоний шахснинг ёзма аризаси асосида белгиланган энг юқори ставка бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлар.

*(187-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молия ҳисоботини тақдим этиш муддатида давлат солиқ хизмати органларига ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шаклда тақдим этиши шарт.

*(187-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сонли «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 22.03.2013 й.).*

### 188-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисоблаб чиқарилган суммаси бюджетга солиқ агенти томонидан қуйидаги муддатларда тўланади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда, иш ҳақи бўйича ойнинг биринчи ярми учун бўнак (аванс) олиш учун ҳужжатлар тақдим этилганда солиқни тўлаш амалга оширилмайди;

*(188-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

тўлов натура ҳолида амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида, агар бундай тўловга қонун ҳужжатларида рухсат берилган бўлса.

Агар юридик шахснинг банк ҳисобварағида иш ҳақини тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган солиқларни бюджетга ўтказиш учун маблағлар етарли бўлмаса, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи банк ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга мутаносиб суммада бюджетга ўтказилади.

## 34-боб. Даромадлар тўғрисидаги декларация асосида солиқ солиш

### 189-модда. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди, ушбу модда биринчи қисмининг олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси резидентига айланган чет эллик жисмоний шахс, мазкур модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қоидаларидан қатъи назар, ушбу Кодекснинг 192-моддасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда даромадлари тўғрисида декларация тақдим этади.

*(189-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 190-модда. Муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларга солиқ солиш

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида даромадлар олувчи жисмоний шахслар бундай фаолиятни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ушбу моддага мувофиқ даромадларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини давлат солиқ хизмати органининг ёзма хабарномаси асосида тўлайди.

Фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган жисмоний шахс даромадлар олиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ, ҳақиқатда қилинган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, бироқ чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш ва улардан фойдаланиш учун зарур материаллар олишга доир харажатлар;

фақат фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, нашр қилиш, ижро этиш ёки улардан бошқача тарзда фойдаланиш мақсадида фойдаланиладиган бино ва мол-мулк ижарасига доир харажатлар.

### 191-модда. Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги маълумотнома илова қилинади.

*(191-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларга ажратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад (бир марталик операциялардан ҳамда мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни декларация қилиш учун фақат ушбу операцияларнинг ўзидан олиш мўлжалланаётган даромад акс эттирилади);

даромадларнинг манбалари;

даромад олиш билан боғлиқ харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар;

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларация қилиш билан боғлиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади.

Жисмоний шахс тақдим этган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда тўланиши лозим бўлган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасининг камайишига олиб келувчи хатолар аниқланган тақдирда, жисмоний шахс декларацияга зарур ўзгаришлар киритиши шарт.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддати тугагунига қадар берилса, солиқ тўловчи ушбу Кодексда белгиланган жавобгарликдан озод қилинади.

Агар жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни ўзгартириш ҳақидаги ариза жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддати тугаганидан кейин, бироқ хатолар давлат солиқ хизмати органи томонидан аниқлангунига қадар берилса, солиқ тўловчи солиқнинг етишмаётган суммасини ҳамда унга тегишли пеняни тўлаган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Жисмоний шахс давлат солиқ хизмати органининг тақдим этилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияда аниқланган хатолик тўғрисидаги билдиришномасини олган кун давлат солиқ хизмати органи томонидан хатолик аниқланган кун деб ҳисобланади.

### 192-модда. Даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби

Солиқ тўловчилар ушбу Кодекснинг 189-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Декларация қилиниши шарт бўлмаган даромадларни олган солиқ тўловчилар доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин;

*(192-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Чет эллик жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти ушбу бобда белгиланган тартибга мувофиқ солиқ солиниши лозим бўлган даромад келтираётган фаолиятини календарь йили ичида тугатган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетаётган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган вақтда жорий солиқ даврида ҳақиқатда олган даромадлари тўғрисидаги декларация мазкур жисмоний шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетишидан бир ой аввал тақдим этилиши лозим. Агар чет эллик жисмоний шахс — Ўзбекистон Республикасининг резиденти жорий йилнинг 1 февралига қадар доимий яшаш учун хорижга чиқиб кетаётган бўлса, жорий йил учун даромадлар бўйича декларация тақдим этилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тақдим этиш тартиби ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган даромадлар тўғрисидаги декларация бўйича ҳисоблаб чиқарилган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни тўлаш декларация топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида амалга оширилади.

*(192-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Грант олган жисмоний шахс даромадлар тўғрисидаги декларацияни топшираётганда грант бўйича олинган даромад суммасини, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи миқдорини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича органнинг тегишли хулосасини кўрсатади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Илмий-техника ҳамкорлиги бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фонд ҳамда халқаро битимлар грантлари доирасида чет элдан келтирилган пул маблағлари ва ускуналарга хулосаларни бериш тартиби» (рўйхат рақами 438, 18.05.1998 й.).*

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Мол-мулкини ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади.

*(192-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисида декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларация ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

*(192-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўққизинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 193-модда. Декларация бўйича солиқ тўлаш тартиби

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини хорижий давлатда жойлашган банк ҳисобварағидан чет эл валютасида тўлаши мумкин. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган, миллий валютада ифодаланган солиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича чет эл валютасида қайта ҳисоблаб чиқилади.

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунигача

тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

*(193-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўланган сана қуйидагилардир:

юридик шахслар ёки жисмоний шахслар томонидан банкдаги ҳисобварағидан тўлангани тақдирда — уларнинг банкдаги ҳисобварағидан маблағлар ҳисобдан чиқарилган кун;

жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари киритилган тақдирда — банк кассасига маблағлар тўланган сана.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширилиши керак.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**194-модда. Чет эллик жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

*(194-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солинади.

Чет эллик жисмоний шахслардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ўзаролик принципи бўйича тугатилиши ёки чекланиши мумкин.

Чет эллик жисмоний шахслар билан битимлар тузиш чоғида бундай битимларнинг шартларига Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга оширадиган солиқ тўловчилар ҳамда бошқа шахслар чет эллик жисмоний шахсларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича харажатларини ўз зиммасига олишини назарда тутадиган солиқ ҳақидаги изоҳлар киритилишига рухсат берилмайди.

Чет эллик жисмоний шахснинг — Ўзбекистон Республикаси резидентининг даромадларига ушбу бўлимда белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кўчмас мулк, юридик шахсларнинг — Ўзбекистон Республикаси резидентларининг устав капиталидаги акциялари ва улушлари (пайлари) бир чет эллик жисмоний шахс томонидан бошқа жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикаси резидентига ёки норезидентига, юридик шахсга — Ўзбекистон Республикаси норезидентига реализация қилинган тақдирда, ушбу даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушлаб қолиш мажбурияти, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ агенти деб эътироф этилувчи даромадни тўлаш манбаига (мол-мулкни сотиб олувчи зиммасига) юклатилади.

Акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозори ва уюшган биржадан ташқари бозорида реализация қилинганда Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозоридаги ҳисоб-китоб-клиринг палатаси солиқ агенти деб эътироф этилади.

Чет эллик жисмоний шахс томонидан мол-мулкни реализация қилишдан олинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш, ушлаб қолиш, ўтказиб бериш, солиқ агенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

тасдиқлайдиган шакл бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳисоб-китобини ва акциялар олди-сотдиси бўйича битимлар реестрини тақдим этиш, солиқ тўланганлиги тўғрисида маълумотнома бериш ва мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш (расмийлаштириш) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича ушбу Кодекснинг 155[1]-моддасига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар сотувчида — чет эллик жисмоний шахсда мол-мулк реализация қилинган йилдан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар ушбу Кодекснинг 192-моддаси учинчи қисмига мувофиқ даромадларни декларация қилиш бўйича мажбурият юзага келса, солиқ агенти томонидан ушбу моддага мувофиқ ушлаб қолинган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация тақдим этилаётганда давлат солиқ хизмати органи томонидан қайта ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

*(194-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан бешинчи — саккизинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 195-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларини солиқ солишдан озод этиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси норезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджетга тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг бундай норезиденти тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ушбу Кодекснинг 38-моддасига мувофиқ солиқ мажбурияти бўйича даъво муддати мобайнида бюджетдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Бунда Ўзбекистон Республикаси норезиденти жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги ёки унинг суммасини камайтириш тўғрисидаги илтимос баён этилган аризани, шунингдек қуйидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органига тақдим этади:

Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида халқаро шартномага эга бўлган давлатнинг резиденти эканлигини расмий жиҳатдан тасдиқловчи ҳужжатни;

олинган даромадларни тасдиқловчи ҳужжатни;

ушбу Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги тегишли хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ҳужжатни.

Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи аризани уч ой муддатда кўриб чиқади ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ишончли бўлган тақдирда, ушбу Кодекснинг 58-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини бюджетдан қайтаради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ғайриқонуний қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ хизмати органи Ўзбекистон Республикаси норезидентига асосланган рад жавобини юборади.

### 196-модда. Резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган солиқни ҳисобга олиш

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган, жисмоний шахслардан — Ўзбекистон Республикасининг резидентларидан олинадиган даромад солиғи суммалари

Ўзбекистон Республикасида солиқ тўлашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисобга олиш учун чет давлат ваколатли органининг маълумотномаси ёки жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асос бўлади.

*(196-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

## VII БЎЛИМ. ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

### 35-боб. Солиқ тўловчилар. Солиқ солиш объекти

#### 197-модда. Солиқ тўловчилар

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

1) солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса;

2) ушбу Кодексга мувофиқ зиммасига Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

3) товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

*(197-модда биринчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ҳисобланмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

*(197-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг навбатдаги чораги бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмасдан, янги ташкил этилаётган ягона солиқ тўловини тўловчилар бўлган юридик шахслар эса фаолият бошлангунига қадар тақдим этиладиган ёзма билдиришга асосан ихтиёрий асосда қўшилган қиймат солиғини тўлаши мумкин.

#### 198-модда. Солиқ солиш объекти

Солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

солиқ солинадиган оборот;

солиқ солинадиган импорт.

#### 199-модда. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан:

товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш);

устав фондига (устав капиталига) қўшилган ҳисса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса;

*(199-модда биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) алмаштириш учун мол-мулкни бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш);

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходимга иш ҳақи ҳисобига ёки муассисга (иштирокчига) дивидендлар тўлаш ҳисобига мол-мулк бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш);

гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровга қўювчи томонидан гаров нарсасини бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 281-моддасининг бешинчи қисми.*

заём шартномалари асосида товар-моддий захираларни бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732 — 743-моддалари.*

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш;

3) мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш;

4) тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш;

5) мол-мулкни оператив ижарага бериш;

6) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ харажатлари чегирилмайдиган солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўзи ишлаб чиқарган товарларни бериш, ўз кучи билан ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

*(199-модда биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қуйидагилар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти бўлмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарларни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, бундан ушбу модданинг биринчи қисми 7-бандида назарда тутилган харажатлар мустасно;

*(199-модда иккинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари (завод ички обороти) учун, агар таркибий бўлинмалар ушбу Кодексга мувофиқ мустақил солиқ тўловчилар бўлмаса, мол-мулк берилиши, ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши;

3) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж ишларини бажариши;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) қайтариладиган тарани жўнатиш. Қайтариладиган тара маҳсулот солиб жўнатилган, қиймати ушбу маҳсулот қийматига киритилмайдиган ҳамда шу маҳсулотни етказиб бериш учун тузилган шартномада (контрактда) белгиланган шартларда ва муддатларда маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган тарадир. Агар тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, бундай тарани бериш солиқ солинадиган оборотга киритилади;

*(199-модда иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

5) юридик шахснинг иштирокчиси (муассиси) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда (чиқиб кетганда) унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш, шунингдек оддий ширкат шартномаси бўйича шерикка (иштирокчига) унинг мазкур шартнома бўйича шериклари (иштирокчилари) умумий мулкида бўлган улуши қайтарилаётганда ёки бундай мол-мулк тақсимланганда мол-мулкни бериш;

6) асосий воситаларни, номоддий активларни ва тугалланмаган қурилиш объектларини бепул асосда бериш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) банклар ва суғурта ташкилотлари томонидан мол-мулкни ўз филиалларига бериш;

*(199-модда иккинчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 16, 17-моддалари.*

8) оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) улуши сифатида товарларни (ишларни, хизматларни), бошқа мол-мулк ва мулкий ҳуқуқларни бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 962-моддаси.*

9) товарларни ва бошқа мол-мулкни қайта ишлаш асосида бериш;

10) ишончли бошқарув шартномаси асосида мол-мулкни мулкдордан ишончли бошқарувчига бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 849-моддаси.*

11) ишончли бошқарув шартномаси тугатилган тақдирда, мол-мулкни мулкдорга бериш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 861-моддаси.*

12) объект қийматини ижарага берувчи (лизингга берувчи) оладиган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қоплаш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш.

*(199-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 13-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 403-моддаси иккинчи қисми, 404-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 200-модда. Солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотларни белгилаш

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган оборотлар бундан мустасно.

Солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) қуйидаги реализация қилиш оборотлари солиқ солинмайдиган оборотдир:

ушбу Кодекснинг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборот;

реализация қилинган жойи Ўзбекистон Республикаси бўлмаган оборот. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи ушбу Кодекснинг 202-моддасига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан Ўзбекистон Республикаси резиденти учун бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар мазкур ишларни, хизматларни олувчининг солиқ солинадиган оборотига ушбу Кодекснинг 207-моддасида белгиланган тартибда киритилади.

*(200-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 201-модда. Солиқ солинадиган импорт

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар солиқ солинадиган импортдир, ушбу Кодекснинг 211-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно.

### 202-модда. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш жойи

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотларига, агар уларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўлса, қўшилган қиймат солиғи солинади.

Қуйидаги шартлар ёхуд улардан бири мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди товарларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади:

товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва битим натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқарилмайдиган бўлса (юклаб жўнатилмайдиган ва ташилмайдиган бўлса);

жўнатиш ёки ташиш бошланган пайтда товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса.

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ишларни, хизматларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилади, агар:

1) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчмас мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишлар, хизматлар жумласига, хусусан, қурилиш, монтаж, қурилиш-монтаж, ишга тушириш-созлаш, таъмирлаш, реставрация қилиш, кўкаламзорлаштириш ишлари, шунингдек кўчмас мулкни ижарага бериш киради;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради

*(202-модда учинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

3) хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм, маданият, санъат, таълим, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўрсатилаётган бўлса;

4) ишларни, хизматларни сотиб олувчи фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган бўлса. Ишларни (хизматларни) сотиб олувчи юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) муайян доимий муассаса орқали бажарилган (кўрсатилган) бўлса, ушбу доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди сотиб олувчининг фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Ушбу бандниг қоидалари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ ўтказилган ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқи берилганда;

маслаҳат бериш, аудиторлик, юридик (адвокатлик), бухгалтерлик, реклама, инжиниринг хизматлари, шунингдек ахборотга ишлов бериш хизматлари кўрсатилганда. Инжиниринг хизматлари жумласига маҳсулотни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш жараёнига тайёргарлик, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектлар қурилиши ҳамда улардан фойдаланилишга тайёргарлик бўйича муҳандислик-маслаҳат бериш йўсинидаги хизматлар, лойиҳалаш олди ва лойиҳалаш хизматлари (техник-иқтисодий асосларни, лойиҳа-конструкторлик ечимларини тайёрлаш ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар) киради. Ахборотга ишлов бериш хизматлари жумласига ахборот массивларини тўплаш ва умумлаштириш, тизимлаштириш ҳамда бу ахборотга ишлов бериш натижаларини фойдаланувчилар тасарруфига тақдим этиш хизматлари киради;

ходимлар бериш агар ходимлар сотиб олувчи ўз фаолиятини амалга ошираётган жойда ишлаётган бўлса;

кўчар мулк ижарага берилганда, транспорт воситалари бундан мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

товарларни (ишларни, хизматларни) олиш бўйича воситачи (ишончли вакил), шунингдек ушбу бандда назарда тутилган хизматларни амалга ошириш учун шартноманинг (контрактнинг) асосий иштирокчиси номидан жалб этувчи шахс хизматлари кўрсатилганда;

*(202-модда учинчи қисми 4-бандининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

алоқа хизматлари кўрсатилганда;

*(202-модда учинчи қисми 4-бандининг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

5) ушбу модда учинчи қисмининг 1—4-бандларида назарда тутилмаган ишларни бажараётган, хизматларни кўрсатаётган шахснинг тадбиркорлик ёки ҳар қандай бошқа фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилса. Ишларни бажараётган, хизматлар кўрсатаётган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги асосида, бундай асос бўлмаган тақдирда эса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жой, юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро этувчи органи жойлашган ер, агар ишлар (хизматлар) бу доимий муассаса орқали бажарилган бўлса, мазкур доимий муассаса жойлашган ер асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқатда ҳозир бўлиб турган

бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди ушбу фаолият амалга ошириладиган жой ҳисобланади.

Агар ишларни, хизматларни реализация қилиш бошқа асосий ишларни, хизматларни реализация қилишга нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлса, асосий ишлар, хизматлар реализация қилинган жой ёрдамчи реализация қилиш жойи сифатида эътироф этилади.

### 203-модда. Реализация қилиш обороти амалга оширилган сана

Товарлар жўнатилган (берилган) кун, агар ушбу модданинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Агар товарларни жўнатиш амалга оширилмаса, товарга бўлган мулк ҳуқуқи олувчига ўтказилган кун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган мол-мулк (товар) гаровга қўювчи томонидан топширилганда гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтказилган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Юридик шахснинг ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун иш ҳақи ҳисобига, шу жумладан бепул товарлар берилганда, ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда товар берилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган ҳамда ҳисобварақ-фактура ва (ёки) ишлар бажарилгани, хизматлар кўрсатилгани фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган кун оборот амалга оширилган санадир.

Тара шартномада назарда тутилган муддатда қайтарилмаса, бу тарани қайтариш учун белгиланган сана қайтарилиши лозим бўлган таранинг реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган сана қуйидаги шартлардан бири бажарилганда бошланади:

ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганда;

ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда. Ушбу қисм қоидалари бошланиши бир ҳисобот даврига, тамомланиши эса бошқа ҳисобот даврига тўғри келадиган ишларга, хизматларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ишлар, хизматлар доимий (узлуксиз) асосда реализация қилинган тақдирда, ҳисобварақ-фактура ёзилган сана ишларни, хизматларни реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Шартноманинг (контрактнинг) амал қилиши даврида ишларни, хизматларни олувчи уларнинг натижаларидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятида доимий асосда фойдаланиши мумкин бўлган тақдирда, доимий (узлуксиз) асосда реализация қилиш ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини англатади.

Ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинган тақдирда, ишлар, хизматлар олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат расмийлаштирилган сана оборот амалга оширилган санадир.

## 36-боб. Солиқ солинадиган база

### 204-модда. Солиқ солинадиган базани белгилаш

Солиқ солинадиган база, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекс 199-моддаси

биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белгиланади.

*(204-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Товарлар қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда уларни қайта ишлаш хизматларининг қиймати асосида, акциз тўланадиган товарлар бўйича эса, уларни қайта ишлаш хизматлари қиймати асосида, ушбу Кодекснинг 232-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий ишлар, хизматлар бўйича, шунингдек объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда шартномавий нархлардан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақ тўлаш учун тақдим этилган, бажарилган ва буюртмачи томонидан тасдиқланган ишларнинг, хизматларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир. Агар шартномага биноан бу ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати солиқ солинадиган базадир.

Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 232-моддаси.*

*(204-модданинг тўртинчи—ўн олтинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Асосий воситалар ва номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

*(204-модданинг тўртинчи—ўн олтинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулк молиявий ижарага, шу жумладан лизингга берилганда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган актив қиймати билан унинг баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади, солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган товарлар молиявий ижарага (лизингга) берилганда эса, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган, чиқиб кетаётган активнинг қиймати солиқ солинадиган базадир. Бунда чиқиб кетаётган активнинг қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган, молиявий ижара ижарага берувчининг бухгалтерия ҳисобида актив сифатида эътироф этиладиган сумма тарзида белгиланади.

Қурилиши тугалланмаган объект реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, қурилиши тугалланмаган объектни реализация қилиш нархи билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади.

Кредит ташкилоти томонидан гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш ҳисобига олинган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи билан қарзни қоплаш ҳисобига мазкур гаров мол-мулки олинган қарз суммаси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда, солиқ солинадиган база белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ушбу Кодекс 200-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ реализация қилишда солиқ солинмайдиган оборотлар ҳисобланувчи чипталар, абонементлар, йўлланмалар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олишга ҳуқуқ берувчи бошқа ҳужжатлар мазкур хизматларни кўрсатмайдиган юридик шахслар томонидан ўз ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш баҳоси ва уларни олиш баҳоси ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекс 219-моддасининг 5 ва 6-бандларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олиш назарда тутилмаган мол-мулк реализация қилинган тақдирда (мазкур мол-мулк қўшилган қиймат солиғи билан олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъи назар), солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ўз ичига оладиган, уни реализация қилиш (чиқиб кетиш) қиймати билан баланс қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

*(204-модданинг ўн учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича хизматлар кўрсатилган тақдирда, экспедиторнинг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик шартномаси, топшириқ ёки воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича бошқа шартнома асосида ўзга шахснинг манфаатларини кўзлаб хизматлар кўрсатилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ (фоиз) тариқасида олиниши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Воситачилик, топшириқ шартномасига биноан комитент ёки топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганида қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Гаровга қўювчи гаров мол-мулкини гаров билан таъминланган мажбуриятни бажариш ҳисобига топширган тақдирда, гаровга қўювчининг солиқ солинадиган оборот миқдори гаровга олувчи томонидан реализация қилинган мол-мулк қийматидан келиб чиққан, бироқ қўшилган қиймат солиғини қўшмаган ҳолда мазкур гаровга қўйилган мол-мулкка олинган заём маблағлари суммасидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Гаровга топширилган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича гаровга қўювчининг солиқ солинадиган базаси қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан баланс (қолдиқ) қиймати ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қайтариладиган тара солиқ солинадиган оборотга киритилган тақдирда, тара белгиланган муддатда қайтарилмаса, солиқ солинадиган база мазкур таранинг қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган гаров қиймати асосида белгиланади.

*(204-модданинг тўртинчи—ўн олтинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кейинчалик реализация қилиш учун юридик шахслар томонидан давлат резервидан олинган, нархлари давлат томонидан тартибга солиниши белгиланган товарлар бўйича солиқ солинадиган база реализация қилиш нархи ва давлат резервидан олинган нарх ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилмаган ҳолда аниқланади.

*(204-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан ўн тўққизинчи ва йигирманчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 205-модда. Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш

Солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади:

1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

2) битим шартлари ўзгарганда;

3) нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

4) бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат ичида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса, кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш қўшимча ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

*(205-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 206-модда. Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган база

Товарларни импорт қилишда солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари киради.

### 207-модда. Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинадиган ишлар, хизматларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва ушбу Кодексга мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиғи солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Ишлар, хизматларни олувчида солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланиши лозим бўлган

суммадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромад бўйича тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим бўлган солиқ суммаси чегириб ташланмаган ҳолда белгиланади.

Ушбу моддага мувофиқ бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғининг суммаси белгиланган ставка ва солиқ солинадиган базадан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Олинган ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш чет эл валютасида амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган оборот бу оборот амалга оширилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ушбу моддага биноан қўшилган қиймат солиғи тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ солиқ суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқини беради.

Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ушбу Кодекснинг 208, 209 ва 210-моддаларида санаб ўтилган ишлардан, хизматлардан иборат бўлса, ушбу модда қоидалари қўлланилмайди.

## 37-боб. Имтиёзлар

### 208-модда. Солиқдан озод этиладиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғидан, агар ушбу Кодекснинг 212-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса қуйидаги реализация қилиш оборотлари озод этилади:

*(208-модданинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар;

*(208-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) мактабгача таълим муассасаларида болаларни тарбиялашга доир хизматлар;

3) беморлар ва кексаларни парвариш қилишга доир хизматлар;

4) дафн этиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари, диний ашёларни реализация қилиш, диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг удумлар ва маросимлар ўтказишга доир хизматлари;

5) протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун мўлжалланган инвентарлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган буюмлар ва инвентарлар, шунингдек ногиронларга кўрсатилаётган ортопедик протезлаш хизматлари, протез-ортопедия буюмлари ва ногиронлар учун мўлжалланган инвентарларни таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишга доир ишлар бўйича хизматлар;

6) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналарининг мазкур муассасалар томонидан реализация қилинадиган маҳсулотлари;

7) почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркали открыткалар, конвертлар;

8) алоқа ташкилотларининг пенсия ва нафақалар тўлаш бўйича хизматлари;

9) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари. Ушбу имтиёзни олиш учун тегишли молия органининг бюджетдан маблағлар ажратиш тўғрисидаги хулосаси асосдир;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шунингдек темир йўл ва умумий фойдаланишдаги

автомобиль транспортида (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари) шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташиш хизматлари. Шаҳар йўловчилар транспортининг хизматлари жумласига йўловчилар ташиш бўйича автомобиль ва электр транспорти билан шаҳар доирасида муайян йўналишлар бўйича қатнов жадвалига биноан кўрсатиладиган хизматлар киради. Ушбу банднинг қоидалари юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртмаларига кўра шаҳар йўловчилар ташиш транспортида ходимларни ишдан ва (ёки) ишга ташиш бўйича хизматларга, тадбирлар ўтказиш учун ташиш бўйича хизматларга, шу жумладан шаҳар ташқарисига ташишга ҳам татбиқ этилади;

*(208-модданинг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

11) олий, ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида, шунингдек кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларда таълим беришнинг ҳақ эвазига ўқитишга доир қисми бўйича хизматлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 12-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мустасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар. Ушбу банднинг қоидаларини қўллаш мақсадларида:

*(208-модда 13-бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

тиббий хизматлар жумласига тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизмати кўрсатиш, диагностика, профилактика ва даволаш хизматлари, гомеопатик, стоматологик хизматлар, тиш протезлари тайёрлаш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария ва эпидемияга қарши кураш йўналишидаги лабораториялар ҳамда бўлинмалар, бошқа тиббий ҳамда тиббий-санитария йўналишидаги муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар киради;

ветеринария хизматлари жумласига ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғларидаги, тажрибахоналардаги ва бошқа шу кабилардаги жониворларни) касалликлардан муҳофаза қилиш ва уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг яхши сифатли чорвачилик маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонларга ва инсонга хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш тадбирлари киради;

14) чет эл ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш юзасидан бевосита Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида амалга ошириладиган хизматлар, шу жумладан аэронавигация хизмати;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15) санаторий-курорт, соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари. Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

*(208-модда 15-бандининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

санаторийлар, шифохоналар, профилакторийлар, курортлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ва зоналари, болалар дам олиш оромгоҳлари ҳамда бошқа дам олиш ташкилотлари томонидан уларнинг асосий фаолияти доирасида кўрсатиладиган хизматлар улар юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг таркибий бўлинмалари томонидан

кўрсатилишидан қатъи назар санаторий-курорт ва соғломлаштириш хизматлари жумласига киради;

*(208-модда 15-бандининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

туристик-экскурсия хизматлари жумласига сафар таркибида назарда тутилган туристик хизматлар кўрсатиш учун йўлланманинг (ваучернинг) қийматига киритилган барча туристик-экскурсия хизматлари киради. Барча туристик-экскурсия хизматлари туристик хизматлар кўрсатиш шартномасида белгиланган транспортда хизмат кўрсатишдан, яшаб туришга, овқатланишга доир хизматлардан, экскурсия хизмати, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш хизматлари ва бошқа хизматлардан иборат бўлади;

жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг хизматлари жумласига спорт иншоотларида спорт мусобақалари, байрамлари, спорт-томоша тадбирлари, спорт иншоотларида ўтказиладиган календарь ва матч учрашувлари, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ҳамда командаларида, соғломлаштириш, умумжисмоний тайёргарлик, соғломлаштириш йўналишидаги, чиниқиш, сузиш, соғломлаштириш мақсадидаги югуриш ва юриш, атлетика, ритмика ва даволаш гимнастикаси мактаблари ҳамда клубларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиш бўйича, спорт иншоотларига қатновчиларга билетларнинг (абонементларнинг) қийматида назарда тутилган спорт-техника асбоб-ускуналарини, тренажёрларни, инвентарларни, спорт уст-бошларини бериб туриш бўйича хизматлар ҳамда бошқа хизматлар киради;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 16-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

17) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

18) геология ва топография ишлари;

19) босма маҳсулотлар, шунингдек босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш билан боғлиқ таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари). Ушбу бандни қўллаш мақсадида:

босма маҳсулотлар жумласига китоблар, газеталар, журналлар, маълумотномалар, рисолалар, альбомлар, плакатлар, буклетлар, открыткалар, дафтарлар, расм ва чизмачилик альбомлари, бланкалар ҳамда бошқа босма маҳсулотлар киради;

таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари (хизматлари) жумласига макет тайёрлаш, компьютер графикаси, саҳифалаш, оригинал макетлар тайёрлаш, муқовалаш, ададларни тайёрлаш, реклама мурожаатларини қабул қилиб олиш, расмийлаштириш ва нашрларда жойлаштириш, ранг бериш, юридик ва жисмоний шахсларни ахборот билан таъминлаш, ахборот тўплаш ҳамда уни қайта ишлаш, матнларни таржима қилиш ишлари, магнит ва қоғоз нусхаларда почта алоқаси ҳамда Интернет орқали реализация қилиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турдаги таҳририй, матбаа ва ноширлик ишлари киради. Алоҳида ва узил-кесил ишлар (хизматлар) тарзида амалга ошириладиган, матбаа маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамда уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган таҳририй, матбаа ва ноширлик ишларига (хизматларига) қўшилган қиймат солиғи солинади;

20) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг, унинг таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулот ва хизматлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 21-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 22-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

23) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) юридик шахслар оладиган, шунингдек грантлар ҳисобига олинган товарлар (ишлар, хизматлар);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

24) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар. Уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар жумласига лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ҳамда уларни тасарруф этиш бўйича хўжаликлар, ер ресурслари ва давлат кадастри, уй-жой фондидан фойдаланиш, уни сақлаш ва таъмирлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг бевосита аҳоли томонидан ҳақ тўланадиган хизматлари, шу жумладан ушбу хизматларга хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари орқали ҳақ тўлаш киради;

*(208-модданинг 24-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 25-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

26) ваколатли давлат органининг ихтисослашган экспертиза бўлинмалари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасининг иккинчи қисми.*

27) давлат тилини ва давлат тилида иш юритишни ўргатиш хизматлари;

28) ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти;

29) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлов бўлинмалари хизматлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 30-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

31) бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган ер-кадастр, ер тузиш, тупроқ ва геоботаника ишлари;

32) давлат резервининг товар-моддий захиралари, улар янгиланаётганда;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Давлат захираси маҳсулотлари ва товарлари учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 319, 02.04.1997 й.).*

33) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техника воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-513-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низом 2-бандининг еттинчи — тўққизинчи хатбошилари.*

34) инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида топширилаётган мол-мулк;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(208-модданинг 35-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

35) давлат мулкини ижарага бериш бўйича хизматлар.

*(208-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонунига асосан 35-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

36) оммавий ахборот воситаларини ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари.

*(208-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-329-сонли Қонунига асосан 36-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 37-сон, 421-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1672-сонли «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорининг 2-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

37) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тижорат банклари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қурилаётган кўчмас мулк объектлари.

*(208-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан 37-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

### 209-модда. Солиқдан озод қилинадиган молиявий хизматлар

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган молиявий хизматлар жумласига қуйидагилар киради:

1) кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

2) депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

3) тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

4) миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

5) юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депо-ҳисобварақларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

6) қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

7) қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

8) клиринг операциялари;

9) аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

10) пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

11) чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

12) касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

13) молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоиз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

14) форфейтинг ва факторинг операциялари;

15) ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

16) жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг оборотн.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17) мижозларнинг ҳисоб рақамларига банклар томонидан электрон масофали хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар.

*(209-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан 17-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 210-модда. Солиқдан озод қилинадиган суғурта хизматлари

Суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш хизматлари бўйича суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган суғурта қилиш бўйича хизматлар бу хизматлар натижасида:

1) суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

б) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича воситачилик ҳақи ва тантьемалар;

в) суғурта агенти, суғурта ва қайта суғурта брокери, сюрвейер ҳамда суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларининг хизматлари учун воситачилик ҳақи;

г) қайта суғурта қилишга топширилган шартномалар бўйича суғурта тўловлари улушининг қайта суғурталовчилар томонидан тўланадиган тўловини;

д) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича учинчи шахслардан суброгация (регресс) тартибида талаб қилиш бўйича даромадлар;

е) суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари (актуарийлар, ажастерлар, сюрвейерлар, ассистанс хизматлари ва шу сингарилар) кўрсатган хизматлардан олинадиган даромадлар;

ж) қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича депо мукофотларига ҳисобланган ҳамда қайта суғурта қилдирувчи томонидан қайта суғурталовчига ўтказилган фоизлар;

з) ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта қилдирувчилар тақдим этган заёмлардан олинадиган даромадлар;

и) суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолиятидан олинадиган даромадлар, шу жумладан суғурта резервлари ва суғурта фондлари маблағларини инвестициялашдан олинадиган даромадлар;

к) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича франшизларни қоплашдан олинадиган даромадлар;

л) қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчига ўтган, суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) етказилган зарар учун жавобгар шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини реализация қилишдан олинадиган даромадлар;

м) қайта суғурта қилиш шартномалари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, улар бўйича суғурта мукофотларининг қайтариб берилган қисми суммалари;

н) бевосита суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинадиган бошқа даромадлар;

2) суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қуйидагиларни олса, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

а) суғурта тўлови (суғурта товони);

б) превентив тадбирлар ўтказиш учун бериладиган маблағлар;

в) суғурта қилиш шартномаси зарарсиз амал қилиши учун суғурталовчи тўлайдиган маблағлар;

г) суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа маблағлар.

### 211-модда. Солиқдан озод қилинадиган импорт

Қуйидаги товарларни импорт қилиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

1) жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кирилаётган товарлар;

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан уларнинг ўзлари билан бирга яшаётган оила аъзолари шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган товарлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда инсонпарварлик ёрдами тариқасида олиб кирилаётган товарлар;

4) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида олиб кирилаётган товарлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маблағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлар;

*(211-модданинг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган хом ашё. Мазкур имтиёз олиб кирилаётган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам ишлаб чиқарилаётган тайёр дори воситаларига ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмларга татбиқ этилмайди;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги 49-сонли "Тайёр дори воситаларининг импортини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар тадбиқ қилинмайдиган доривор воситалар воситалари рўйхати", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги 132-сонли қарори билан тасдиқланган «Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар тадбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисида»ги низом, «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати» (рўйхат рақами 1952, 08.05.2009 й.).*

*(211-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади;

*(211-модданинг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхати (рўйхат рақами 2436, 20.03.2013 й.).*

8) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида олиб кириладиган мол-мулк;

9) ваколатли давлат органининг ёзма шаклдаги тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситалари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(211-модданинг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч.

*(211-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 11-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

## 38-боб. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот

### 212-модда. Товарларни экспорт қилиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

*(212-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб чиқиш товарлар экспортидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 19-моддаси.*

Ушбу Кодекснинг 213-моддасига мувофиқ товарларнинг экспорт қилинганлиги тасдиқланмаган тақдирда, мазкур товарларни реализация қилиш оборотига белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

### 213-модда. Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқлаш

Товарларнинг экспорт қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт қилиш режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белги қўйилган божхона юк декларацияси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(213-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайин этилган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи қайд белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топшириқ) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (топшириқ берувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

*(213-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топшириқ шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракти (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда текширув ўтказилаётганда назорат қилувчи органларга уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

*(213-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 214-модда. Чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) солиқ солиш

Чет эл тарафи ўзаролик принципига амал қилган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан бирга яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатик сервис хизмати томонидан кейинчалик чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга реализация қилиш учун олинаётган товарларга (ишларга, хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ноль даражали ставка қўлланилиши татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган чет эл дипломатик ваколатхоналарининг ва дипломатик ваколатхоналарига тенглаштирилган халқаро ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

### 215-модда. «Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга солиқ солиш

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

«Божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «эркин муомалага чиқариш» режимига жойлаштириладиган бўлса, белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 30-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 987, 29.11.2000 й.).*

### 216-модда. Халқаро йўналишда ташишларга солиқ солиш

Халқаро йўналишда ташишлар бўйича кўрсатиладиган қуйидаги хизматларни реализация қилиш оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади:

транзит юкларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ташиш. Транзит юкларни ташиш жумласига юкнинг транзитини амалга ошириш учун чет эллик шахслар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар ёки халқаро (идоралараро) транспорт битимлари ҳамда божхона органларининг мазкур транзит юклар ҳақиқатда олиб кирилганлиги ва олиб чиқилганлиги тўғрисида белгилари мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл транзит юкларини ташиш ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш. Агар жўнатиш пункти ёки тайин этилган пункт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлса, ташишлар ягона халқаро ташиш ҳужжатлари асосида расмийлаштирилган тақдирда, халқаро йўналишларда ташиш ҳисобланади.

*(216-модданинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 217-модда. Аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматларга солиқ солиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сув таъминоти, канализация, санитария тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларга, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли номидан оладиган, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари томонидан олинадиган ана шундай хизматларга ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

*(217-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(217[1]-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-329-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 37-сон, 421-модда)*

## 39-боб. Солиқни ҳисобга олиш

### 218-модда. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаси

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини аниқлашда товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ҳақиқатда олинган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғининг суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, агар бунда қуйидаги шартлар бажарилса:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи ушбу Кодекснинг 197-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлса;

$1^1$) товарлардан (ишлардан, хизматлардан) солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар мақсадида фойдаланилса;

2) олинган товарларга (ишларга, хизматларга) етказиб берувчи томонидан ёзилган ҳисобварақ-фактура ёки ушбу Кодекснинг 222-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган қўшилган қиймат солиғи алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса;

3) товарлар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса. Агар импорт қилинган товарлар бўйича солиқни бюджетга тўлашдан озод этиш тарзида бўшаган маблағларни аниқ мақсадларга йўналтириш шарти билан имтиёз берилган бўлса ҳам қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади;

4) ушбу Кодекснинг 207-моддасида назарда тутилган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи бюджетга тўланган бўлса;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса.

Мол-мулк устав фондига (устав капиталига) қўйилма сифатида олинганда олувчи етказиб берувчи томонидан тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни экспортга реализация қилиш оборотн мақсадида фойдаланиладиган, ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортидан солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади. Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали экспортга реализация қилинган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг ҳисобварағига келиб тушган валюта тушумининг суммаси улушида ҳисобга олинади.

*(218-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

Товарлардан фойдаланишнинг кафолатли муддати даврида уларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ҳақ олмасдан ишлар бажарилганда, хизматлар кўрсатилганда моддий ресурслар бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммаси, шу жумладан эҳтиёт қисмлар ва деталлар қиймати ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя этилган тақдирда ҳисобга олинади.

Товар воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича олинган тақдирда, комитент, топшириқ берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобот даврида реализация қилинган товарлар улушида ҳисобга олинади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ва (ёки) қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий тўлашга ўтилган тақдирда, юридик шахс бундай турдаги тўловларга ўтилган пайтдан эътиборан товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қолдиқлари бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Шундай тартиб имтиёзлар бекор қилинганда, қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича мажбурият юзага келган солиқ тўловчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қўшилган қиймат солиғини тўловчида солиқ солинадиган ва солинмайдиган оборотлар, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи ушбу Кодекснинг 221-моддасида назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

Ушбу бобни қўллаш мақсадида мол-мулкни ижарага беришга, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга хизматлар сифатида қаралади.

*(218-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 219-модда. Ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси

Қуйидагилар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) олинаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар бўйича, шунингдек молиявий ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун олинаётган мол-мулк бўйича;

*(219-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар томонидан, шунингдек ушбу Кодексга мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар томонидан фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(219-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

4) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

5) текинга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича, бундан олувчи томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ушбу Кодекснинг 218-моддаси биринчи қисмининг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тартибда ҳисобга олиниши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи тўланган ҳоллар мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) ушбу Кодекснинг 147-моддасига мувофиқ чегириб ташланмайдиган харажатларни амалга ошириш мақсадида олинган мол-мулк бўйича.

*(219-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 220-модда. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаларига тузатиш киритиш

Илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи қуйидаги ҳолларда ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши керак:

ушбу Кодексга мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун юридик шахслар томонидан фойдаланилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича;

ушбу Кодекс 218-моддасининг биринчи қисмида белгиланган қоидаларга риоя этилмаган тақдирда.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан тасдиқланган нормалардан, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалардан ортиқча моддий ресурслар бўйича йўқотишлар ва бузилишлар.

*(220-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига (қўшилган қиймат солиғи тўламайдиганлар тоифасига) ўтганда илгари ҳисобга олинган товар-моддий захиралар қолдиқлари, шунингдек тайёр маҳсулот қолдиқлари бўйича ҳисобга олишга киритилган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритилади. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш бўйича имтиёз берилганлиги муносабати билан солиқ солинмайдиган оборотлар юзага келган солиқ тўловчиларга ҳам тузатиш киритишнинг шунга ўхшаш тартиби татбиқ этилади.

Ушбу Кодекс 205-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати ўзгарганда сотиб олувчи илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳоллар юзага келган солиқ даврида амалга оширилади.

### 221-модда. Солиқ солинмайдиган реализация қилиш обороти мавжуд бўлган тақдирда, солиқни ҳисобга ўтказиш тартиби

Солиқ солинмайдиган оборот учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича маҳсулот етказиб берувчиларга ва импорт бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмайди, балки ушбу товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматида ҳисобга олинади.

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда солиқ солинадиган оборотга, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотга, шунингдек юридик шахснинг ўз эҳтиёжлари учун (харажатлар сифатида қараладиган) оборотга тўғри келадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобга олинади.

Ҳисобга олинадиган сумма қўшилган қиймат солиғи тўловчининг танловига биноан алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усулда аниқланади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлашнинг танланган усули календарь йил мобайнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда қўшилган қиймат солиғи тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мақсадларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатларни тақсимлаш мутаносиб усулда амалга оширилади.

### 222-модда. Ҳисобварақ-фактура

Ҳисобварақ-фактура қатъий ҳисобот ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1) ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;

2) ҳисобварақ-фактура илова қилинадиган товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартноманинг рақами ва санаси;

3) солиқ тўловчининг ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда идентификация рақами;

4) реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг номи ва ўлчов бирликлари (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса);

5) ўлчов бирлигидан (уларни кўрсатишнинг имконияти бўлса) келиб чиққан ҳолда реализация қилинган товарларнинг, бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг ҳисобварақ-фактура бўйича сони (ҳажми);

6) шартнома (контракт) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда, қўшилган қиймат солиғини ўз ичига оладиган давлат томонидан тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) қўлланилган тақдирда эса, солиқ суммасини ҳисобга олган ҳолда ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);

7) реализация қилинаётган товарлар, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) қўшилган қиймат солиғисиз қиймати;

8) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғининг ставкаси ва суммаси;

9) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотиб олувчисига тақдим этилаётган қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9[1]) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкаси ва суммаси;

*(222-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан 9[1]-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи ҳамда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисобга олинган қиймати.

*(222-модданинг биринчи қисми 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи шахсга ҳисобварақ-фактура тақдим этишлари шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

1) йўловчилар ташишни йўл чипталари билан расмийлаштириш;

2) товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулда реализация қилинган ҳолларда сотиб олувчига фискал хотирали назорат-касса машинаси чеки, терминал чеки, квитанция бериш;

3) товарларнинг экспорт-импорт тарзида етказиб берилишини расмийлаштириш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси расмийлаштириладиган молиявий ижара (шу жумладан лизинг) шартномаси бўйича мол-мулкни топшириш, ушбу Кодекс 204-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятлари юзага келадиган ҳоллар бундан мустасно. Бунда тегишли ҳужжатлар (молиявий ижара шартномасининг таркибий қисми бўлган ижара (лизинг) тўловлари жадвали; ҳисобварақ; ижарага (лизингга) олувчига ижара (лизинг) тўловларини тўлаш учун юборилган ёзма билдириш ва шу кабилар) билан расмийлаштирилган ҳар бир ижара (лизинг) тўловига ҳам ҳисобварақ-фактура ёзилмайди;

*(222-модда иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

5) банк операцияларини мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма бериш орқали расмийлаштириш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) суғурта хизматларини топшириқ шартномаси ва (ёки) суғурта полиси орқали расмийлаштириш;

*(222-модда иккинчи қисмининг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

7) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ишларни (хизматларни) ҳақиқатда мазкур ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштириш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлардир. Бунда қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилган тақдирда, ушбу ҳужжатларда қўшилган қиймат солиғи суммаси албатта ажратиб кўрсатилиши керак.

*(222-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Келгусида товарларни етказиб бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун олдиндан тўланган ҳақ (бўнак) ёзилган ҳисобварақ ҳисобварақ- фактура бўлмайди.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган, шунингдек қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган оборотни амалга ошираётган юридик шахслар ҳисобварақ-фактурада қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатмайдилар ҳамда «қўшилган қиймат солиғисиз» деган штамп босади (ёзиб қўяди).

Қўшилган қиймат солиғи тўловчи учун ҳисобварақ-фактура қўшилган қиймат солиғини ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳисобварақ-фактура товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилиш оборотн амалга оширилган санада ёзилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғи солинадиган электр энергияси, сув, газ, алоқа хизматлари, коммунал хизматлар, темир йўлда ташишлар, транспорт-экспедиторлик хизмати, банк операциялари, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) узлуксиз етказиб беришни амалга ошираётган солиқ тўловчилар ойнинг охирги кунида бир марта ҳисобварақ-фактура ёзади.

*(222-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати ва қўшилган қиймат солиғи суммаси миллий валютада кўрсатилади.

Тузилган шартномаларнинг шартларига биноан товарларига, ишлари ва хизматларига нархлар (тарифлар) чет эл валютасида белгиланадиган юридик шахслар ҳисобварақ-фактураларни чет эл валютасида ёзиб, айни бир вақтда уни ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаган ҳолда миллий валютада ифодалайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи солиқ солинадиган базага уни кўпайтиришга (камайтиришга) қаратилган тузатиш киритган тақдирда, мазкур товарларни (ишларни, хизматларни) олувчи томонидан тасдиқланадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура тузилади.

*(222-модданинг ўн биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи қўшимча ҳисобварақ-фактурада қуйидаги маълумотларни кўрсатиши керак:

1) қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва тузилган санаси;

2) ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган реквизитлар;

3) тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;.

4) қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий);

5) қўшилган қиймат солиғи суммасига тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар ўзлари олган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактураларнинг, шунингдек реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларнинг реестрини юритиши шарт. Бунда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрига фақат қўшилган қиймат солиғи ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар киритилади.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

*(222-модданинг ўн иккинчи—ўн учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сонли «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 22.03.2013 й.).*

## 40-боб. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

### 223-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун — йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун — бир ой.

*(223-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

### 224-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ушбу Кодекснинг 218-моддасига мувофиқ ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### 225-модда. Солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан:

қўшилган қиймат солиғи тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

*(225-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳририга қаранг.*

Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрини тақдим этади. Солиқ тўловчилар, бундан кредит ва суғурта ташкилотлари мустасно, қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби билан бир вақтда солиқ даври мобайнида олинган ва реализация

қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар реестрларини тақдим этади.

*(225-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 226-модда. Солиқ тўлаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшилган қиймат солиғини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ушбу Кодекс 225-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*(226-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

*(226-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

## 41-боб. Солиқ юзасидан бюджет билан ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

### 227-модда. Ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ҳисобот даврида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан ўзаро муносабатлар

Қўшилган қиймат солиғининг ортиқча тўланган суммаси солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекснинг 10-бобига мувофиқ солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг навбатдаги ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан ортган суммаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи бўйича навбатдаги тўловлар ҳисобига ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳисобга олинадиган қўшилган қиймат солиғи суммасининг солиқ даври якунларига кўра ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқчалиги сақланиб қолган тақдирда, ушбу ортиқча сумма кейинги солиқ даврига ўтказилади ва қўшилган қиймат солиғи бўйича келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади ёхуд солиқ тўловчига мазкур моддада белгиланган тартибда қайтарилади.

*(227-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҳисобидан ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммаси давлат солиқ хизмати органи солиқ тўловчининг солиқни қайтариб бериш тўғрисидаги ёзма аризасини олган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида солиқ тўловчига қайтарилади.

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси қопланади;

солиқ тўловчининг бошқа солиқлар бўйича мавжуд қарзи қопланади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади.

*(227-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 228-модда. Солиқ суммасини қайтариб бериш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи суммасини пул маблағларини банк ҳисобварағига ўтказиш йўли билан солиқ тўловчига қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Солиқ тўловчи қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш учун солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳужжатларни ёзма аризага тўрт нусхада илова этган ҳолда тақдим этади:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича юридик шахс қарзларининг солиштирув далолатномаси. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларнинг солиштирув далолатномаси ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тузилади ва бир календарь ой мобайнида амал қилади;

қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби;

агар юридик шахсга илгари қўшилган қиймат солиғи қайтариб берилган бўлса, қайтарилган суммалар ва қайтариб бериш санаси тўғрисидаги маълумотлар.

Солиқ тўловчилар ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) товарларни экспорт қилишни амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекс 213-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни;

*(228-модда учинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

$1^1$) товарлар экспортини воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачи, ишончли вакил орқали амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекс 213-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эл валютасида реализация қилинган товарлар учун тушум воситачининг, ишончли вакилнинг ёки солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни ёки уларнинг кўчирма нусхаларини;

*(228-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан $1^1$-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) чет эл дипломатик ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга расмий фойдаланиш учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилаётган юридик шахслар — белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг нусхаларини;

3) «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишлар бажараётган, хизматлар кўрсатаётган, шунингдек чет эл юкларини Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташиш (транзит ташиш) бўйича хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар:

ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш учун тузилган контрактнинг нусхасини;

бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси нусхасини;

ишларни (хизматларни) сотувчи ва сотиб олувчи томонидан имзоланган ишлар бажарилганлигини (хизматлар кўрсатилганлигини) тасдиқловчи ҳужжат нусхасини;

4) аҳолига сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар — ноль даражали ставка қўлланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаларини.

Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тўғрисидаги ёзма аризани кўриб чиқиш ҳамда маблағларни солиқ тўловчининг ҳисобварағига ушбу моддага мувофиқ ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1807, 16.05.2008 й.).*

## VIII БЎЛИМ. АКЦИЗ СОЛИҒИ

### 229-модда. Солиқ тўловчилар

Акциз солиғи тўловчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар;

оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгиланиши мумкин.

*(229-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 230-модда. Солиқ солиш объекти

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан:

товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари

умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ишлаб чиқариладиган табиий газга акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 2310, 09.01.2012 й.) 4-банди.*

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда инсонпарварлик ёрдами сифатида;

давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан хайрия ёрдами мақсадида, шу жумладан техник кўмак кўрсатиш мақсадида;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган заёмлар (кредитлар) маблағлари ҳисобига, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаётган, акциз тўланадиган товарларни импорт қилишга.

*(230-модданинг иккинчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан олиб кириш нормаларининг энг юқори чегараси қонун ҳужжатларида белгиланади;

*(230-модданинг иккинчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган нормалари» (рўйхат рақами 412, 13.03.1998 й.).*

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

### 231-модда. Акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга ошириладиган сана

Акциз тўланадиган товарлар олувчига жўнатилган (топширилган) кун, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган товарларга доир солиқ солинадиган операциялар амалга оширилган санадир.

Гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарлар гаровга қўювчи томонидан топширилган тақдирда, гаров нарсасига бўлган мулк ҳуқуқи ўтган сана гаровга қўювчи учун реализация қилиш обороти амалга оширилган санадир.

Импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар божхона расмийлаштирувидан ўтказилган сана уларга доир операция амалга оширилган санадир.

### 232-модда. Солиқ солинадиган база

Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича, агар ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

### 233-модда. Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш

Солиқ солинадиган базага қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчида тузатиш киритилади:

товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

битим шартлари ўзгартирилганда;

баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

Солиқ солинадиган базага ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тузатишни киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ янги ҳисобварақ-фактура ёки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳол юз берганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

*(233-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 234-модда. Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқлаш

Акциз тўланадиган товарлар экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилардир:

экспорт қилинадиган акциз тўланадиган товарларни етказиб бериш учун тузилган контракт;

товарларни экспорт режимида чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларацияси;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидаги ўтказиш пунктида жойлашган божхона органининг товарлар тайинланган мамлакатга жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиси қўйилган товарга илова қилинадиган ҳужжатлар.

### 235-модда. Акциз тўланадиган товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари

Акциз тўланадиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (қатъий) белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 236-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 232-моддасига мувофиқ аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 237-модда. Солиқдан чегирма

Ушбу Кодекснинг 236-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг суммаси ушбу моддада белгиланган чегирма суммасига камайтирилади.

Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Акциз тўланадиган товар (хом ашё) етказиб берувчилар мазкур товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммасини ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатишлари керак. Олинаётган акциз тўланадиган товар (хом ашё) бўйича акциз солиғи суммаси ҳисобварақ-фактурада ажратиб кўрсатилмаган бўлса, акциз солиғининг мазкур суммаси чегириб ташланмайди.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан тайёрланган акциз тўланадиган товарлар топширилаётганда ҳам қайта ишлашга берилган акциз тўланадиган хом ашё ва материалларнинг мулкдори акциз солиғи тўлаганлигини тасдиқлаши шарти билан қўлланилади.

### 238-модда. Солиқ даври

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги солиқ давридир.

*(238-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 239-модда. Ҳисоб-китобни тақдим этиш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Акциз солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

*(239-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 240-модда. Солиқ тўлаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар солиқ даври мобайнида жорий тўловларни киритиш орқали акциз солиғини тўлайдилар.

Акциз солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даври биринчи ойининг 10-кунигача давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даври учун акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажми ҳамда акциз солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган акциз солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Акциз солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай йил чораги бўйича акциз солиғи суммасининг учдан бир қисми миқдорида тўланади.

Акциз тўланадиган товарларни реализация қилишнинг тахмин қилинаётган ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси солиқ даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни бюджетга тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Акциз солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

*(240-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан биринчи — бешинчи қисмлар билан алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

*(240-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 108-моддаси.*

Акциз маркалари билан тамғаланиши лозим бўлган импорт қилинадиган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи акциз маркалари олингунига қадар тўланади.

### 241-модда. Акциз тўланадиган товарларни акциз маркалари билан тамғалаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган, шунингдек унинг божхона ҳудудига импорт қилинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда акциз маркалари билан тамғаланиши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарори, «Ўзбекистон Республикасида*

*тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 589, 07.01.1999 й.).*

## IX БЎЛИМ. ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚЛАР ВА МАХСУС ТЎЛОВЛАР

### 42-боб. Умумий қоидалар

#### 242-модда. Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни аниқлаш ва қидириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга ошираётган, шунингдек фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилардир.

*(242-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар:

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қўшимча фойда солиғи;

бонус (имзоли ва тижоратбоп топилма бонуслар).

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддаси.*

### 43-боб. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

#### 243-модда. Солиқ тўловчилар

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олаётган, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар;

*(243-модданинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

#### 244-модда. Солиқ солиш объекти

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектидир. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси белгиланган ва реализация қилиш ёки топшириш, шу жумладан бепул бериш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ўз истеъмоли ва бошқа эҳтиёжлари учун мўлжалланган фойдали қазилма (фойдали компонент) тайёр маҳсулот деб эътироф этилади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Углеводородлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

саноат йўсинида дастлабки қайта ишловдан ўтказилган кавлаб олинган углеводородлар, шу жумладан қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар;

углеводородларни қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинган, лекин олдинги кавлаб олинганда ва қайта ишланганда қайта ишланадиган фойдали қазилмалар таркибида тайёр маҳсулот сифатида солиқ солинмаган фойдали компонентлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қатламдаги босимни сақлаб туриш ва (ёки) углеводородларни тугал технологик жараён доирасида ажратиб олиш учун маҳсулдор қатламга қайта ҳайдаб киритиладиган табиий газ ҳажми солиқ солиш объекти бўлмайди.

*(244-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар учун солиқ солиш объектидир.

Ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилганлардан ташқари, қуйидагилар қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича солиқ солиш объектидир:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

кавлаб олинган (шу жумладан қўшилиб чиқадиган) фойдали қазилмалар;

фойдали қазилмалардан, минерал хом ашёдан, техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали компонентлар;

*(244-модда еттинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошилари Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида кавлаб олинган ҳамда ўзининг хўжалик ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланилган кенг тарқалган фойдали қазилмалар солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кенг тарқалган фойдали қазилмалар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 245-модда. Солиқ солинадиган база

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳоси ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ҳисобот даврида тайёр маҳсулот реализация қилинмаган бўлса, солиқ солинадиган база реализация қилиш амалга оширилган охирги ҳисобот даврида тайёр маҳсулотни реализация қилишнинг ўртача олинган баҳосидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тайёр маҳсулот умуман реализация қилинмаган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳисобот даврида мазкур фойдали қазилмаларни кавлаб олишнинг (ажратиб олишнинг) ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда солиқ тўловчи реализация қилиш амалга оширилган ўша ҳисобот даврида ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ суммасига ҳисобот даврида таркиб топган ўртача олинган баҳодан келиб чиққан ҳолда кейинги тузатишни киритиши шарт.

Тайёр маҳсулот таннархидан паст баҳода реализация қилинган ёки топширилган тақдирда ўртача олинган баҳони ҳисоб-китоб қилиш учун таннарх қабул қилинади, лекин у декларация қилинаётган баҳолардан юқори бўлмаслиги керак.

Тайёр маҳсулот (тайёр маҳсулотнинг бир қисми) бошқа тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун хом ашё бўлган ёки тайёр маҳсулот (қайта ишлаб ҳосил қилинган маҳсулот) ўзининг ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳолларда бундай

маҳсулот учун солиқ солинадиган база кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### 246-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳисобот даври қуйидагилардир:
юридик шахслар учун — йил чораги;
жисмоний шахслар учун — календарь йил.

*(246-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 247-модда. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиби

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан — ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

жисмоний шахслар томонидан — йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай.

*(247-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан — ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*(247-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

## 44-боб. Қўшимча фойда солиғи

### 248-модда. Солиқ тўловчилар

Қўшимча фойда солиғи тўловчилар қуйидагилардир:

айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) кавлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар;

фойдали қазилмалардан ишлаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа шахслар қўшимча фойда солиғи тўловчиси этиб белгиланиши мумкин.

*(248-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича фаолиятни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар қўшимча фойда солиғини тўловчилар бўлмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси.*

### 249-модда. Солиқ солиш объекти

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (қўшимча фойда) қўшимча фойда солиғини солиш объектидир.

*(249-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 250-модда. Солиқ солинадиган база

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қўшимча фойда суммаси билан қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир.

*(250-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 251-модда. Фойдали қазилмалар ва солиқ солинадиган маҳсулот рўйхати, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Қўшимча фойда солиғи солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари рўйхати, шунингдек солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 июндаги 252-сонли «Саноатнинг кон қазиш тармоқлари айрим корхоналарининг юқори даромадига солиқ солиш тўғрисида»ги қарори, «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1908, 24.02.2009 й.), «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1909, 24.02.2009 й.).*

## 45-боб. Бонуслар

### 252-модда. Умумий қоидалар

Бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Ер қаъридан фойдаланувчи қуйидаги турдаги бонусларни тўлайди:

имзоли бонус;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 253-моддаси.*

тижоратбоп топилма бонуси.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 254-моддаси.*

Давлат бошқаруви органлари бонуслар тўламайди.

### 253-модда. Имзоли бонус

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Имзоли бонус ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали қазилмаларни аниқлаш ва қидириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловдир.

*(253-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Имзоли бонус лицензия олинган кундан эътиборан солиқ тўловчи томонидан ўттиз кундан кечиктирмай бюджетга тўланади ва бу ҳақда солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ёзма шаклда хабар қилинади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 254-модда. Тижоратбоп топилма бонуси

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тижоратбоп топилма бонуси тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали қазилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни кўпайтиришга олиб келувчи конларни қўшимча қидириш ўтказиш чоғидаги фойдали қазилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир. Тижоратбоп топилма бонуси, агар аввал мазкур кон бўйича тижоратбоп топилма бонуси тўланмаган бўлса, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳуқуқини олишда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам тўланади.

*(254-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Фойдали қазилма конларини кейинчалик уларни кавлаб олишни назарда тутмайдиган қидириш ўтказишда тижоратбоп топилма бонуси тўланмайди.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали қазилмаларнинг қазиб олинадиган захиралари ҳажми солиқ солиш объектидир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати солиқ солинадиган базадир. Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

Товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган ер қаъридан фойдаланувчилар учун — фойдали қазилманинг мазкур тури учун тасдиқланган декларация қилинган нархи бўйича;

бошқа ер қаъридан фойдаланувчилар учун — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро биржада белгиланган биржа нархи бўйича, жаҳон бозорида нарх мавжуд бўлмаган тақдирда эса, фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қиймати — ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган нарх бўйича.

*(254-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фойдали қазилмалар захираларининг қазиб олинадиган ҳажмининг қийматини аниқлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

*(254-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан бешинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Тижоратбоп топилма бонуси солиқ солинадиган базадан ва бонуснинг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Тижоратбоп топилма бонусининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар

захираларини тасдиқлаган кундан эътиборан йигирма беш кундан кечиктирмай солиқ тўловчи томонидан тақдим этилади.

Тижоратбоп топилма бонусини тўлаш ваколатли давлат органи фойдали қазилмалар захираларининг кондан қазиб олинадиган ҳажмини тасдиқлаган кундан эътиборан тўқсон кундан кечиктирмай амалга оширилади.

## 46-боб. Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 255-модда. Умумий қоидалар

Маҳсулот тақсимотига оид битим шартнома бўлиб, бу шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ҳамда муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун мутлақ ҳуқуқлар беради.

Маҳсулот тақсимотига оид битим қуйидагиларни назарда тутади:

ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисобот бериш тартибини;

солиқ солиш ва бошқа тўловларни тўлаш шартларини;

чет эллик инвесторнинг улушини олиб чиқиб кетиш тартибини.

### 256-модда. Маҳсулот тақсимотига оид битим доирасида амалга ошириладиган фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Чет эллик инвестор маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда маҳсулот тақсимотига оид битимнинг амал қилиш муддати мобайнида қуйидагиларни тўлайди:

*(256-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-217-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 37-сон, 404-модда)*

1) фойда солиғи;

2) ер солиғи;

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

4) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, бундан қўшимча фойда солиғи мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) ягона ижтимоий тўлов;

*(256-модданинг биринчи қисми 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) акциз солиғи.

*(256-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида 6-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 5-бандларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно), агар маҳсулот тақсимотига оид битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва акциз солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади.

*(256-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-217-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 37-сон, 404-модда)*

Чет эллик инвесторга солиқ солиш қуйидаги хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади:

1) фойда солиғи маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромад бўйича ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича олинган даромад

бўйича алоҳида-алоҳида тўланади. Маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажариш чоғида олинган даромадлар юзасидан фойда солиғи солиш объекти битим шартларига биноан чет эллик инвесторга тегишли бўлган, чегирмалар қилинмаган ҳолда фойдага қолган маҳсулотнинг қийматидир;

2) чет эллик инвестор ер қаъридан фойдаланувчилар учун қуйидаги солиқлар ва махсус тўловлар тўлайди:

маҳсулот тақсимотига оид битим тузилганда ва (ёки) муайян натижага эришилганда, битим шартларига мувофиқ белгиланган бонуслар;

минерал хом ашёни кавлаб олиш ҳажмига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига нисбатан фоизли нисбатда маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига мувофиқ белгиланадиган ва пул шаклида ёки кавлаб олинган минерал хом ашёнинг бир қисми тарзида тўланадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

3) атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 34-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиннг 2003 йил 1 майдаги 199-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом.*

4) инвесторларга ва (ёки) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган операторларга юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан бериладиган товарларга (бажариладиган ишларга, кўрсатиладиган хизматларга) ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади;

5) маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришга мўлжалланган ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ чет эллик инвестор томонидан ёки маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажаришда иштирок этаётган бошқа шахслар томонидан олиб кириладиган товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек чет эллик инвестор томонидан олиб чиқиладиган, мазкур битимга мувофиқ унга тегишли бўлган маҳсулот божхона тўловларини солишдан озод қилинади, божхона расмийлаштируви учун тўланадиган йиғимлар бундан мустасно. Олиб кирилган моддий-техника ресурсларидан белгиланган мақсадга номувофиқ фойдаланилганда, шу жумладан улар ўзга шахсга берилган тақдирда, бюджетга тўланиши лозим бўлган барча божхона тўловлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

Агар юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар бирлашмаси инвестор сифатида иш юритаётган бўлса, бундай бирлашманинг иштирокчиларидан бири ёки маҳсулот тақсимотига оид битим бўйича ишларни бажарувчи оператор солиқ мажбуриятларининг бажарувчиси бўлади. Бунда лицензия олган инвестор бир ойлик муддатда давлат солиқ хизмати органини мазкур бирлашмадан солиқ мажбуриятини бажарувчи бўлиб қатнашадиган иштирокчи тўғрисида ёзма равишда хабардор этиши шарт.

## X БЎЛИМ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ

### 257-модда. Солиқ тўловчилар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

*(257-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-240-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 555-модда)*

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

*(257-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни 35-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси, 35-1-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси, 106-моддасининг биринчи-иккинчи хатбошилари.*

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

### 258-модда. Солиқ солиш объекти

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объектидир.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар киради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар киради.

### 259-модда. Солиқ солинадиган база

Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.

### 260-модда. Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

*(260-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-240-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 555-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритади. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади. Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари беш кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

*(260-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Солиқ тўловчи иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биноларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлайди.

Солиқ тўловчилар юридик шахслар билан сув етказиб берилиши юзасидан солиштириб кўриш жараёнида олинган сувнинг ҳажмини аниқлаштиришда сув ҳажми фарқини солиштирув амалга оширилган даврдаги ҳисоб-китобларда акс эттиради.

Юридик шахсларнинг ҳудудида таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи солиқ тўловчилар бу ишларни бажариш жараёнида фойдаланиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўламайди. Таъмирлаш-қурилиш ва бошқа ишларни бажараётганда фойдаланиладиган сув ҳажми учун бу ишлар қайси юридик шахслар учун бажарилаётган бўлса, ўша юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди. Қурилиш ишлари янги қурилиш майдонида бажарилган тақдирда, қурилишда фойдаланиладиган сув ҳажми учун қурилиш ташкилоти сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун солиқ солинадиган база ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан аниқланади.

### 261-модда. Имтиёзлар

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(261-модданинг биринчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар — тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-

таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:

1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(261-модданинг иккинчи қисми 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

3) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинадиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

6) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 262-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ давридир.

*(262-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 263-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагилар томонидан йилига бир марта тақдим этилади:

юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно) — йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;

ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан — жорий солиқ даврининг 15 декабригача;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — солиқ давридан кейинги йилнинг 25 январигача.

*(263-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларига давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай топширилади.

*(263-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 264-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловларни тўлайдилар, бундан ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 25 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври мобайнида юзага келган солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

*(264-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) — ҳар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида;

солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан камни ташкил этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади, бундан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари мустасно.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг 1 майигача амалга оширилади.

*(264-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

## XI БЎЛИМ. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ

### 47-боб. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

#### 265-модда. Солиқ тўловчилар

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг норезидентларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир. Ўзбекистон Республикаси норезидентининг фаолияти ушбу Кодекснинг 20-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассаса орқали амалга ошириладиган фаолият деб эътироф этилади.

Қуйидагилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилардир;

агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

#### 266-модда. Солиқ солиш объекти

Қуйидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) «Асосий воситалар» (рўйхат рақами 1299, 20.01.2004 й.) 3-банди иккинчи хатбошиси, 4-банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(266-модданинг биринчи қисми иккинчи банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига муайян қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, қурилиш

бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

*(266-модданинг биринчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш объектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун қуйидагилар солиқ солиш объектидир:

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар;

ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, уларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти томонидан мулк қилиб олинган (реализация қилинган) кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни ушбу объектлар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига рўйхатдан ўтказилганидан кейин ўн кун ичида маълум қилиши шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ер участкалари солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди.

*(266-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 18-моддаси.*

### 267-модда. Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

асосий воситалар бўйича — асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

*(267-модданинг биринчи қисми иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича — тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк

объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган базадир.

### 268-модда. Солиқ солинадиган базани белгилаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

*(268-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ушбу Кодекснинг 266-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида ва учинчи қисмида кўрсатилган кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(268-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчи томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турлари амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ солинадиган база фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг умумий ҳажмида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш назарда тутилган соф тушумнинг солиштирма салмоғидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

### 269-модда. Имтиёзлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганда солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига (ўртача йиллик қийматига) камайтирилади:

*(269-модданинг биринчи қисми биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни итаҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) коммунал хўжалиги объектларининг. Коммунал хўжалиги объектларига қуйидагилар киради: водопровод тармоқлари (сув чиқариш иншоотлари билан), канализация тармоқлари (тозалаш иншоотлари билан), газ ва иссиқликни тақсимлаш тармоқлари (улардаги иншоотлар билан), коммунал-маиший эҳтиёжлар учун қозонхоналар (шу жумладан асбоб-ускуналар);

*(269-модданинг биринчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

*(269-модда биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модданинг биринчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модданинг биринчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

5) суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари объектларининг;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модданинг биринчи қисми 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модда биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) табиатни муҳофаза қилиш ва санитария-тозалаш мақсадлари, ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларнинг. Объектларни табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадлари ва ёнғин хавфсизлиги учун фойдаланиладиган объектларга киритиш тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади;

*(269-модда биринчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

9) умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва автомобиль йўллари, магистраль трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линияларининг, шунингдек ушбу объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг;

10) консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 сентябрдаги 401-сон қарори билан тасдиқланган «Фойдаланилмаётган асосий воситаларни, қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тартиби тўғрисида»ги низом 4-бандининг «а» кичик банди.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модданинг биринчи қисми 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

12) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган, фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг;

13) шаҳар ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган шаҳар йўловчилар транспорти ташкилотлари транспорт воситаларининг (автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен поездлари);

14) тузилган шартномаларга мувофиқ юридик шахснинг буюртмаси бўйича ишлар бажариш учун касаначиларга бепул фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарнинг (фойдаланиш даврига);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 1 — 14-бандлари.*

15) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги ПҚ-513-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларидан фойдаланишни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2-банди еттинчи — тўққизинчи хатбошилари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16) кўпи билан ўн йил давомида ишлатиб келинаётган машина ва асбоб-ускуналарнинг.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1688, 11.06.2007 й.) 2-бандининг биринчи хатбошиси.*

*(269-модданинг биринчи қисми 16-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ҳамда ижтимоий таъминот, таълим, маданият ва санъат ташкилотлари;

*(269-модданинг иккинчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

2) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалиги корхоналари. Уй-жой-коммунал ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжаликлари жумласига уй-жой фондини бевосита бошқариш, сақлаш ҳамда ундан фойдаланишни амалга оширувчи ташкилотлар, санитария тозалаш ва йиғиштириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ҳамда шаҳарчаларни ташқи ёритиш, водопровод сув олиш иншоотларидан, тақсимланадиган тармоқлардан (тозаловчи иншоотлари билан) фойдаланиш ва сувни тақсимлаш, канализация тармоқларидан фойдаланиш (тозалаш иншоотлари билан), газ тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ҳамда газни тақсимлаш, қозонхона, иссиқлик тақсимланадиган тармоқлардан фойдаланиш ва коммунал-маиший эҳтиёжларга ҳамда аҳолига иссиқликни тақсимлашни бевосита амалга оширувчи ташкилотлар, хизмат биноларининг хўжалик бошқармалари, ўт ўчириш командалари, уй-жой-коммунал хўжалигининг хўжалик бошқармалари, уй-жой-коммунал хўжалиги ва шаҳар хўжалигининг умумфуқаровий аҳамиятга молик бошқа корхоналари киради;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(269-модданинг иккинчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4) янги ташкил этилган корхоналар — давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз қайта ташкил этилган юридик шахслар негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар ҳудудида шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган юридик шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

*(269-модда иккинчи қисмининг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

5) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларини — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**270-модда. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

*(270-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**271-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекс 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчи — Ўзбекистон Республикасининг резиденти томонидан амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига йилда бир марта, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Агар кўчмас мулк солиқ тўловчининг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойида жойлашмаган бўлса, ҳисоб-китоб кўчмас мулк жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

*(271-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Солиқ даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайдилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчилар жорий солиқ даврининг 10 январигача, янги ташкил қилинганлари эса давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (тегишли йил учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматидан (ўртача йиллик қийматидан) ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даври учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даврида юзага келган солиқ тўловчилар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тақдим этадилар.

*(271-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий тўловлар қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг тўртдан бир қисми миқдорида йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 25-кунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай.

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда солиқ тўловчи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида тўланиши лозим бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай бюджетга ўтказилади.

Солиқ даврида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти доимий муассасанинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солинадиган мавжуд мол-мулк тўғрисидаги маълумотномани ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январидан кечиктирмай тақдим этиши шарт. Тақдим этилган маълумотнома асосида давлат солиқ хизмати органи юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси ҳисоб-китобини ўн кун ичида амалга оширади ва тўлов хабарномасини ёзиб беради;

Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулкка эга бўлган норезидентларига кўчмас мулк жойлашган ердаги Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида тўлов хабарномасини ёзиб беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан йилда бир марта, солиқ ҳисоботи давридан кейинги йилнинг 15 февралидан кечиктирмай тўланиши керак.

*(271-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

## 48-боб. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ

### 272-модда. Солиқ тўловчилар

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тўловчиларидир.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир.

### 273-модда. Солиқ солиш объекти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир.

### 274-модда. Солиқ солинадиган база

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

### 275-модда. Имтиёзлар

Қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулкка жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солинмайди:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг. Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахсларнинг. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

*(275-модданинг биринчи қисми 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

3) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёлларнинг. Мазкур имтиёзни бериш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асос бўлади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(275-модданинг биринчи қисми 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи Ставкалари изоҳининг 2-банди.*

*(275-модданинг биринчи қисми 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

6) I ва II гуруҳ ногиронларининг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналарининг ва бева хотинларининг (бева эрларининг). Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампи қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса,

имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёхуд Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёхуд ички ишлар органлари ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

*(275-модда биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 20 майдаги ЎРҚ-247-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 20-сон, 149-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(275-модда биринчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модда биринчи қисмининг 3, 5 ва 6-бандларида кўрсатилган имтиёзлар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида берилади.

*(275-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ушбу моддада белгиланган имтиёзлар мулкдорнинг танлашига биноан фақат бир мол-мулк объектига тааллуқли бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган солиқ солиш объектларига нисбатан қўлланилмайди.

### 276-модда. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахслар солиқ солиш объектларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланган ёхуд бу объектлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилган тақдирда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

*(276-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 277-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(277-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ушбу Кодекснинг 275-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар имтиёзларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этадилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация қийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мулкига солинадиган солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ улар барпо этилган йилдан кейинги йил бошидан эътиборан тўланади.

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ меросхўрларда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган, бузиб ташланган тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тўхтатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик, бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Календарь йил мобайнида имтиёз ҳуқуқи вужудга келган (амал қилиши тугаган) тақдирда, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (амал қилиши тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

*(277-модданинг ўнинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

*(277-модданинг ўн иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

## XII БЎЛИМ. ЕР СОЛИҒИ

### 49-боб. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи

#### 278-модда. Умумий қоидалар

Ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар ер солиғи ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер

участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдилар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 17-моддасининг биринчи қисми.*

### 279-модда. Солиқ тўловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ер солиғини тўловчиларидир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи ер солиғини тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўловчидир.

Қуйидагилар ер солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ушбу бўлимда назарда тутилган тартибда ер солиғи тўловчилар бўлади;

ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса.

### 280-модда. Солиқ солиш объекти

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари солиқ солиш объектидир.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари жумласига қуйидагилар киради:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари ва бошқа шу каби ерлар;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (дафн этиш жойлари, маиший чиқиндиларни йиғиш, қайтадан ортиш ва саралаш жойлари, шунингдек чиқиндиларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар);

*(280-модданинг иккинчи қисми бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

захира ерлар.

### 281-модда. Солиқ солинадиган база

Ер участкасининг ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони солиқ солинадиган базадир.

Қайси ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида солиқ тўловчига ўтган бўлса, ўша ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига тегишли ҳуқуқ вужудга келганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкасининг майдони

камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан эътиборан камайтирилади.

Юридик шахсларда ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқлари вужудга келган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ вужудга келган ойдан эътиборан камайтирилади. Ер солиғи бўйича имтиёз ҳуқуқи бекор қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база ушбу ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан ҳисоблаб чиқарилади (кўпайтирилади).

### 282-модда. Имтиёзлар

Ер солиғи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ташкилотлари — ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланадиган ер участкалари учун;

2) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил қилган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(282-модда биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

4) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

Солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига қуйидаги ерлар киради:

1) боғдорчилик, узумчилик ёки полизчилик ширкатларининг умумий фойдаланишдаги (кириш йўллари, суғориш ариқлари, коллекторлар ва умумий фойдаланишдаги бошқа ерлар), жамоа гаражларининг ерлари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) давлат қўриқхоналарининг, комплекс (ландшафт) буюртма қўриқхоналарининг, табиат боғларининг, давлат табиат ёдгорликларининг, буюртма қўриқхоналарнинг (овчилик хўжаликларида ташкил этиладиган буюртма қўриқхоналар бундан мустасно), табиий питомникларнинг, давлат биосфера резерватларининг, миллий боғларнинг ерлари, юқорида кўрсатилган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг хўжалик фаолияти юритилаётган ерлари бундан мустасно;

*(282-модданинг иккинчи қисми 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-373-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 36-сон, 452-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 72-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонунининг 4-5, 7-моддалари.*

3) соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда доимий фойдаланишга берилган, профилактика ва даволаш ишларини ташкил этиш учун қулай табиий шифобахш омилларга эга бўлган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 73-моддаси.*

4) рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмини ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 74-моддаси.*

5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) — тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган тарихий-маданий қўриқхоналар, хотира боғлари, сағаналар, археология ёдгорликлари, тарих ва маданият ёдгорликлари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 75-моддаси.*

6) сув фонди ерлари. Сув фонди ерлари жумласига сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар, шунингдек сув хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга белгиланган тартибда берилган сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ажратилган минтақа ерлари киради;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 77-моддаси.*

7) электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг биринчи қисми.*

8) умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг учинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9) маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш объектлари эгаллаган ерлар;

*(282-модда иккинчи қисмининг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

10) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг иккинчи қисми.*

11) умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўллар станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг иккинчи қисми.*

12) шаҳар электр транспорти йўллари ва метрополитен линиялари, шу жумладан жамоат транспорти бекатлари ва метрополитен станциялари ҳамда уларнинг иншоотлари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 67-моддасининг биринчи қисми.*

13) спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, оналар ва болаларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари ҳамда ўқув-машқ базалари эгаллаган ерлар;

14) аҳоли пунктларининг сув таъминоти ва канализация иншоотлари: магистрал сув қувурлари, водопровод тармоқлари, канализация коллекторлари ва уларнинг иншоотлари, насос станциялари, сув олиш ва тозалаш иншоотлари, водопровод ва канализация тармоқларидаги кузатиш қудуқлари ва дюкерлари, сув босими ҳосил қиладиган миноралар ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

15) магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, трубопроводларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, трубопроводларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг иккинчи қисми.*

16) магистрал иссиқлик трассалари, шу жумладан насос (кўпайтирувчи, камайтирувчи, аралаштирувчи, дренаж) станциялари, иссиқ сув таъминотининг иссиқликни ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, иситкичлари, циркуляция насослари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар эгаллаган ерлар;

17) самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр-ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 69-моддасининг иккинчи қисми.*

18) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар, норматив қурилиш муддати даврида;

19) консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар, уларнинг консервацияси даврида;

20) гидрометеорология ва гидрогеология станциялари ҳамда постлари эгаллаган ерлар;

21) юридик шахс балансида бўлган ва хўжалик фаолиятида фойдаланилмайдиган фуқаро муҳофазаси ҳамда сафарбарлик аҳамиятига молик алоҳида жойлашган объектлар эгаллаган ерлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

22) иҳота ўрмон дарахтзорлари эгаллаган ерлар. Иҳота ўрмон дарахтзорлари жумласига қуйидагилар киради: ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари; ўрмонларнинг овланадиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари; эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар; ўрмонларнинг темир йўллар ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган иҳота минтақалари; чўл ва чала чўл зоналаридаги ўрмонлар; шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлари; шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказларининг кўкаламзорлаштирилган зоналари атрофидаги ўрмонлар; сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонлар; курорт табиий ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграсидаги ўрмонлар; алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонлар; илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар;

*(282-модда иккинчи қисмининг 22-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январдаги ЎРҚ-278-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 1-2-сон, 1-модда)*

23) қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вақтдан эътиборан беш йил мобайнида;

24) мелиорация ишлари амалга оширилаётган мавжуд суғориладиган ерлар, ишлар бошланганидан эътиборан беш йил муддатга;

25) янги барпо этилаётган боғлар, токзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, уч йил муддатга. Кузда ўтказилган янги кўчатлар учун бериладиган имтиёз муддатини ҳисоблаб чиқариш кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан бошланади, баҳорда ўтказилган кўчатлар учун эса жорий солиқ даврининг 1 январидан эътиборан бошланади;

26) илмий ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ва ўрмон фондидаги ерлари, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари ҳамда ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлари. Ушбу бандга мувофиқ илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари солиқ тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига ушбу моддада белгиланган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

### 283-модда. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 284-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ давридир.

*(284-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 285-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ушбу Кодекснинг 281-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солинадиган базада (ҳисобланган солиқ суммасида) солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда юридик шахслар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этиши шарт.

*(285-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ даври мобайнида қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдонида ва таркибида ўзгаришлар юз берган ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органига жорий йилнинг 1 декабрига қадар тақдим этади.

### 286-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Ер солиғини тўлаш, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ даври мобайнида ер солиғи тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин мажбуриятлар юзага келганда, ушбу суммани тўлаш мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилади.

*(286-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(286-модда учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар — солиқнинг қолган суммаси.

## 50-боб. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи

### 287-модда. Солиқ тўловчилар

Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилардир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 17-моддасининг иккинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи ер солиғига тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга ер солиғини тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

*(287-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун ер солиғи мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади.

### 288-модда. Солиқ солиш объекти

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

1) деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 55-моддаси.*

2) якка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 27-моддаси.*

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 56-моддаси.*

4) хизмат юзасидан берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳадя қилиниши ёки олиниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 18-моддасининг учинчи қисми, 22-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 482-моддаси.*

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 18-моддаси биринчи, учинчи қисмлари.*

7) тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-24-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди, ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида кўрсатилганлари бундан мустасно.

*(288-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 289-модда. Солиқ солинадиган база

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари солиқ солинадиган базадир.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

### 290-модда. Имтиёзлар

Ер солиғидан қуйидагилар озод қилинадилар:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(290-модданинг биринчи қисми 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

2) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги

гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонун ҳужжатлари билан белгиланувчи уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, бошқа ногиронларга (қатнашчиларга) эса ногироннинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида берилади;

*(290-модданинг биринчи қисми 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

4) I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) ёлғиз пенсионерлар. Ёлғиз ёки вояга етмаган болалари билан ёхуд ногирон боласи билан алоҳида уйда бирга яшовчи пенсионерлар ёлғиз пенсионерлар деб тушунилади. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси асосида берилади;

*(290-модда биринчи қисмининг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар. Ота-онасидан бири ёки ота-онаси вафот этган ҳамда оилада ўн олти ёшга тўлмаган бешта ва ундан ортиқ болалари бўлган оилалар солиқ солиш мақсадида боқувчисини йўқотган кўп болали оилалардир. Мазкур имтиёз Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади;

*(290-модда биринчи қисмининг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар оладиган фуқаролар (шу жумладан вақтинча юборилган ёки хизмат сафарига юборилган фуқаролар. Мазкур имтиёз тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси, ногироннинг махсус гувоҳномаси, Чернобиль АЭСдаги авария оқибатларини тугатиш иштирокчисининг гувоҳномаси, шунингдек ваколатли органлар томонидан берилган ва имтиёзлар бериш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатлар асосида берилади;

*(290-модда биринчи қисмининг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(290-модданинг биринчи қисми 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(290-модда биринчи қисмининг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10) шахслар — уларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга.

*(290-модда биринчи қисмининг 10-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган имтиёзлар, бундан 6-бандда кўрсатилгани мустасно, якка тартибдаги уй-жой қурилиши, деҳқон хўжалиги юритиш учун берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органда рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга берилади. Бунда мазкур имтиёзлар солиқ тўловчининг танлаши бўйича фақат битта ер участкасига берилиши мумкин.

Ушбу Кодекс 282-моддаси иккинчи қисмининг солиқ солинмайдиган ер участкаларига тааллуқли қисмида назарда тутилган имтиёзлар ер солиғи тўловчилар бўлган жисмоний шахсларга ҳам татбиқ этилади.

### 291-модда. Солиқ ставкасини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда жисмоний шахслардан ер солиғи юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга ушбу Кодекснинг 290-моддасида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилмайди, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, ер солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.

*(291-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 292-модда. Солиқ даври

Календарь йил солиқ давридир.

### 293-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ер солиғини тўловчилар бўлган жисмоний шахсларнинг ҳисобини мунтазам юритади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекснинг 290-моддасида кўрсатилган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ушбу имтиёзларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларни мустақил равишда тақдим этади.

*(293-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади.

Йил мобайнида ер участкаси майдони ўзгарганда ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганида (бекор қилинганда) давлат солиқ хизмати органлари мазкур ўзгаришлардан кейин бир ой ичида ер солиғини қайта ҳисоб-китоб қилишлари ҳамда солиқ тўловчига ер солиғи суммаси ва уни тўлаш муддатлари кўрсатилган янги ёки қўшимча тўлов хабарномасини тақдим этишлари керак.

### 294-модда. Солиқ тўлаш тартиби

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Йил мобайнида ажратилган ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслар томонидан ер участкаси ажратилганидан кейинги ойдан эътиборан тўланади.

Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, ер солиғини тўлаш ер участкаси камайтирилган ойдан эътиборан тўхтатилади (камайтирилади).

Ер солиғи бўйича имтиёзлар белгиланган тақдирда, бу солиқ имтиёз ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланмайди. Ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқлар бекор қилинган тақдирда, бу солиқ мазкур ҳуқуқ бекор қилинганидан кейинги ойдан эътиборан тўлана бошлайди.

Белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар амалга оширилади.

*(294-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

## XIII БЎЛИМ. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ

### 295-модда. Солиқ тўловчилар

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилардир.

Қуйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдаси мустасно;

ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

### 296-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базадир. Бунда солиқ солинадиган база қуйидаги суммаларга камайтирилади:

олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар суммасига;

қўшимча фойда солиғи тўловчилар учун — соф қўшимча фойда суммасига;

текин олинган пул маблағлари суммасига, агар уларни ўтказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида юз бераётган бўлса;

жорий солиқ даврида фойдаланилганда харажатлар вужудга келмайдиган бюджетдан ажратиладиган субсидиялар суммасига.

*(296-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар суммасига;

бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган суммасига.

*(296-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(297-модда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(298-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

**299-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври**

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

**300-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(300-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно, ҳисобот даври мобайнида ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловлар тўлайди.

*(300-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Жорий тўловлар тахмин қилинаётган соф фойда суммасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича ҳисобот даврининг биринчи ойи 10-кунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жорий тўловлар ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг йил чорагидаги суммасининг учдан бир қисми миқдорида ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тўланади.

*(300-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Қуйидагилар жорий тўловларни тўламайди:

ҳисобот даврида солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда бўлган солиқ тўловчилар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(300-модданинг бешинчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## XIV БЎЛИМ. ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА БЕНЗИН, ДИЗЕЛЬ ЁҚИЛҒИСИ ВА ГАЗ ИШЛАТГАНЛИК УЧУН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

*(XIV бўлимнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 301-модда. Солиқ тўловчилар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилар охирги истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслардир.

*(301-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ушбу бўлимни қўллаш мақсадида:

автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари деганда автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш, автомобилларга ёқилғи қуйиш ва автомобилларга газ қуйиш шохобчалари тушунилади;

охирги истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

*(301-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 302-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни охирги истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш солиқ солиш объектидир.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилган ҳажми солиқ солинадиган базадир.

*(302-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 303-модда. Солиқ даври

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги солиқ давридир.

*(303-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 304-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқ тўлаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси транспорт воситалари учун реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг нархида ҳисобга олинади. Бензин, дизель ёқилғиси ва газдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилганда транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисобланган суммаси солиқ тўловчининг харажатларига киритилади.

*(304-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг ҳисоб-китоби жорий ўн кунлик тўловлар ҳисобга олинган ҳолда ҳар чоракда, солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади. Ҳисоб-китоб бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахс жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади, бундан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилиш ҳоллари мустасно. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинганда ҳисоб-китоб автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

*(304-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирмай, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган ерда ҳар ўн кунда амалга оширилади.

*(304-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

## XV БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ ЖАМҒАРМАЛАРГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

### 51-боб. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари

#### 305-модда. Солиқ тўловчилар

Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир.

*(305-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади, бундан ушбу Кодекснинг 311-моддасида назарда тутилган тартибга мувофиқ суғурта бадаллари тўловчи айрим тоифадаги жисмоний шахслар мустасно.

*(305-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 306-модда. Солиқ солиш объекти

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекснинг 172-моддасида кўрсатилган иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объектидир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахслар учун ягона ижтимоий тўловнинг ва суғурта бадалларининг солиқ солиш объекти уларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ишлаш учун юборилгунига қадар охирги иш жойи бўйича олинган, Ўзбекистон Республикасида бюджет муассасалари ходимлари учун иш ҳақи оширилиши ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

*(306-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўловнинг солиқ солиш объектидир.

*(306-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 307-модда. Солиқ солинадиган база

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база ушбу Кодекснинг 172-моддасига мувофиқ тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади, ушбу Кодекснинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекс 306-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бўйича ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган база чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар суммаси сифатида аниқланади, бироқ бу сумма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

*(307-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 308-модда. Имтиёзлар

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари қуйидаги тўловларга нисбатан ҳисобланмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу Кодекс 171-моддаси иккинчи қисмининг 9-бандида кўрсатилган миқдорлардан ортиқча олинган суммалар.

*(308-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(308-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(308-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(308-модданинг 4-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(308-модданинг 1-қисми 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(308-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*308-модданинг 6-бандига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан 2012 йил 1 августдан эътиборан кучга киради.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) қуйидаги грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар:

давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматга қарашли ташкилотлар томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланадиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан берилган грант маблағлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида берилган грант маблағлари.

*(308-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонунига асосан 7-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ижтимоий тўлов қуйидагиларга нисбатан ҳисоблаб чиқарилмайди:

Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар органларининг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминотига, пул мукофотларига ва бошқа тўловларга;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари, шунингдек прокуратура органларининг мансаб даражаларига (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларининг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан олган даромадларига.

*(308-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

### 309-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги ҳисобот давридир.

*(309-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

**310-модда. Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби**

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

*(310-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(310-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини тўлаш ҳар ойда, кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

*(310-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2095, 13.04.2010 й.), «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ва юридик шахсларнинг давлат ижтимоий суғуртаси харажатлари бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2262, 09.09.2011 й.).*

**311-модда. Айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Суғурта бадаллари солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, мажбурий тартибда қуйидагича тўланади:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

2) якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан буён матнда якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) — ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

3) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан — ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (ўн саккиз ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) — ойига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган энг кам миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак. Мазкур имтиёзлар пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади. Имтиёзга бўлган ҳуқуқ календарь йил давомида вужудга келган ёки бекор бўлган тақдирда, суғурта бадалларини қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган ёки бекор бўлган ойдан эътиборан амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан — ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари томонидан — ҳисобот йилининг 1 октябригача. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга оширувчи оила аъзолари томонидан суғурта бадалларини тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Суғурта бадалларини тўлаш мажбурияти қуйидагиларнинг:

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклидаги фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари учун — оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш юритадиган, якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг;

якка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари учун — ушбу ходимлар билан меҳнат шартномасини тузган якка тартибдаги тадбиркорнинг зиммасига юклатилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оила аъзолари — оилавий тадбиркорлик иштирокчилари ва ходим ёллаган якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича тўлов топшириқномаси (кирим ордери) ҳар бир оила аъзоси учун ва якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти зиммасига юклатилмаган иш берувчидан даромадлар олувчи жисмоний шахслар суғурта бадалларини жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасидан келиб чиққан ҳолда, суғурта бадалларини тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида ихтиёрий равишда тўлайди.

Ушбу модданинг саккизинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан суғурта бадалларини тўлаш жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш муддатларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ходимларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга квота қилинган лавозимларга хизмат сафарига юборилган шахсларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича мажбурияти

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг зиммасига юклатилади. Суғурта бадалларини тўлаш ушбу Кодекс 310-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти мазкур Кодекснинг 373-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун суғурта бадалини ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходимига суғурта бадалларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Агар фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш карточкасини давлат солиқ хизмати органига белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича суғурта бадалларини ҳисоблаш тўхтатилмайди.

*(311-модданинг матни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

## 52-боб. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар

### 312-модда. Солиқ тўловчилар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

*(312-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар.

*(312-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

*(312-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 313-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида»ги низом (рўйхат рақами 2088, 19.03.2010 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

*(313-модда иккинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги ҳақ суммаси;

*(313-модда иккинчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар оборoти;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

*(313-модда иккинчи қисмининг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар.

*(313-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

*(313-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 314-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги ҳисобот давридир.

*(314-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 315-модда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*(315-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

## XVI БЎЛИМ. РЕСПУБЛИКА ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

## 53-боб. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар

### 316-модда. Солиқ тўловчилар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс;

*(316-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қуйидагилар Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар;

*(316-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(316-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

*(316-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 317-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида»ги низом (рўйхат рақами 2088, 19.03.2010 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

*(317-модда иккинчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик ва топшириқ шартномаси бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар оборoти;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

*(317-модда иккинчи қисмининг 5-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурталаш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар.

*(317-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

*(317-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

### 318-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги ҳисобот давридир.

*(318-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 319-модда. Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатдан кечиктирмай тақдим этилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар қуйидагича тўланади:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*(319-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

## 54-боб. Республика йўл жамғармасига йиғимлар

### 320-модда. Республика йўл жамғармасига йиғимларнинг турлари

Республика йўл жамғармаси йиғимларига қуйидагилар киради:

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

### 321-модда. Солиқ тўловчилар

Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим тўловчилардир.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим тўловчилардир.

### 322-модда. Солиқ солиш объекти

Йиғимлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:

автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

### 323-модда. Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган база қуйидагилардир:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати ёки автотранспорт воситаларининг қиймати;

*(323-модданинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганида чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

### 324-модда. Имтиёзлар

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғимни тўлашдан қуйидагилар озод қилинадилар:

1) ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мотоаравачани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) яқин қариндошларидан ҳадя шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

*(324-модданинг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(324-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

4) фаолиятининг асосий тури йўловчилар ташиш бўлган, қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташиш учун белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган автотранспорт корхоналари — йўловчилар ташишни амалга оширувчи транспорт воситалари бўйича (енгил автомобиллар ва йўналишли таксилардан ташқари);

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сонли «Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида лицензиялар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.*

5) юридик шахслар — қирқ тоннадан ортиқ юк кўтарадиган, олинган кон автосамосвалларини бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобилларни олган (сотиб олган) болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, ногирон болалар учун марказлар, қариялар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари;

*(324-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

7) юридик шахслар — автотранспорт воситаларини битта тизим (давлат ва хўжалик бошқаруви органи) ичида балансдан балансга бепул ўтказишда;

8) қайта ташкил этиш натижасида автотранспорт воситасини олган ҳуқуқий ворис;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 50-моддаси.*

9) автотранспорт воситаларини ушбу модданинг 3—5-бандларида кўрсатилган юридик шахсларга лизингга бериш учун олувчи лизинг берувчилар.

### 325-модда. Йиғимларни тўлаш тартиби

Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳолларда ундирилади:

1) автотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш, ҳадя, бепул бериш шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар асосида мулк қилиб олинганда;

2) автотранспорт воситалари юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда дивидендлар сифатида олинганда;

3) автотранспорт воситалари лизингга бериш учун олинганда, ушбу Кодекс 324-моддасининг 9-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Йиғим тарафларнинг ёзма келишувига кўра лизинг берувчидан ёки лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг берувчи Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган тақдирда, йиғим лизинг олувчидан ундирилади. Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг мазкур лизинг (иккиламчи лизинг) шартномаси предмети бўлган автотранспорт воситаси қайта рўйхатдан ўтказилаётганида такроран йиғим ундирилмайди;

4) автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирилганда.

Автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаган ҳолда автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ёки техник кўрикдан ўтказиш амалга оширилмайди.

Чет давлатлар автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганида ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## XVI[1] БЎЛИМ. БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ ЖАМҒАРМАСИГА МАЖБУРИЙ АЖРАТМАЛАР

### 325[1]-модда. Солиқ тўловчилар

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қуйидагилардир:

юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс.

Қуйидагилар бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчилари бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар, бундан уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно;

ягона солиқ тўловини ва (ёки) ягона ер солиғини тўловчи юридик шахслар;

умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан акциз тўланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

### 325[2]-модда. Солиқ солиш объекти. Солиқ солинадиган база

Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, соф тушум бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базаси қуйидагилардир:

1) коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари учун — маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қўшилган қиймат солиғи ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун иссиқлик қувватининг, сув таъминоти корхоналари учун сувнинг, газ таъминоти корхоналари учун табиий газнинг харид қиймати чегириб ташланган ҳолда реализация қилинган ҳажми;

2) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш,

лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги қиймати. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

3) воситачилик хизматлари кўрсатувчи, шу жумладан товарларни сотиш бўйича, воситачилик, топшириқ шартномалари бўйича ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолдаги мукофот суммаси;

4) савдо фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар учун — товар оборoти;

5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад;

6) асосий фаолияти мол-мулкни лизингга беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

ушбу Кодекснинг 132-моддасига мувофиқ бошқа даромадлар;

ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли шартномалар бўйича суғурта мукофотлари (бадаллари), қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича топширилган тўловлар суммалари, шунингдек ушбу Кодекс 150-моддасининг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган даромадлар.

Солиқ тўловчилар турли хил солиқ солиш объектларига эга бўлган ҳолларда, улар солиқ солиш объектларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши ва тегишли объектлардан келиб чиққан ҳолда бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаши шарт.

### 325[3]-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

Йил чораги ҳисобот давридир.

### 325[4]-модда. Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш, уларнинг ҳисоб-китобини тақдим этиш ва уларни тўлаш тартиби

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш:

бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчи бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

*(XVI[1] бўлим Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

## XVII БЎЛИМ. ДАВЛАТ БОЖИ

### 326-модда. Умумий қоидалар

Давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йиғими тариқасида ундирилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ-2095-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифлари.*

Давлат божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 327-модда. Давлат божини тўловчилар

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 9-банди.*

### 328-модда. Ундириш объектлари

Давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

1) судларга бериладиган даъво аризаларидан, органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 104-моддаси.*

2) даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустақил талабларни билдирган учинчи шахс сифатида ишга киришиш тўғрисидаги аризалардан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан берилган, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги апелляция ва кассация

шикоятларидан, ҳакамлик судининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, хўжалик судининг ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 91-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун;

*(328-модданинг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасининг биринчи қисми.*

4) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати билан гувоҳнома берганлик учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 202-моддасининг иккинчи қисми.*

5) чет элдан Ўзбекистон Республикасига келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисида ҳужжатларни берганлик учун; яшаш гувоҳномасини берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун; республика ҳудудига келиш ва республика ҳудудидан чет элга чиқиш ҳуқуқини берадиган чет эл паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга виза берганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида бериладиган аризалардан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби»нинг 8-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 6-бандининг «г», «е» кичик бандлари, 7-бандининг «а» кичик банди.*

6) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатларни, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжатлар берганлик учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Паспорт тизими тўғрисида»ги низомнинг 19-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 6-бандининг «а», «б», «в» кичик бандлари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик, турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун, шунингдек чет давлатлар фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик учун.

*(328-модданинг 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 7-бандининг «б», «в» кичик бандлари.*

8) юридик шахсларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 6-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарор билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 5-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 8 — 10-бандлари.*

9) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия берганлик учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси.*

10) ов қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида рухсатнома берганлик учун.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 7-бандининг «г» кичик банди.*

**329-модда. Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар — иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 277-моддаси.*

2) даъвогарлар — муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар — алиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар — меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 277-моддаси.*

5) даъвогарлар — ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

6) даъвогарлар — жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 276-моддасининг тўртинчи қисми.*

7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 276-моддасининг тўртинчи қисми.*

8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

9) юридик ва жисмоний шахслар — жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

11) юридик ва жисмоний шахслар:

суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

12) юридик ва жисмоний шахслар — суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажрими устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

13) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

14) истеъмолчилар — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари — истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатилган даъволар юзасидан;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 29-моддасининг иккинчи қисми.*

15) даъвогарлар — ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва

шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

16) давлат органлари — ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, бадиий қимматга ёки жамият учун бошқа қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

*(329-модданинг 17-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

18) нодавлат нотижорат ташкилотлари — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

19) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар юзасидан;

20) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — мажбурий бадалларни киритиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар — тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) туманлар, шаҳарлар (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари — коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни киритиш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

23) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари — зарар етказувчидан қуйидаги суммаларни ундириб олиш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича:

*(329-модда 23-бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомототранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар олишга, ногиронларни автомототранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларни қоплаш суммаларини, шунингдек нотўғри тўланган пенсиялар ва нафақаларнинг суммаларини ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

24) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

25) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан

ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

26) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари — мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

28) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар юзасидан;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари — барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

*(329-модданинг 29-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

30) ички ишлар органлари — алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

31) прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

32) адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

33) ундирувчи ёки суд ижрочиси — қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

34) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан.

*(329-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сонли Қонунига асосан 34-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 555-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

35) Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари — фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан.

*(329-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан 35-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуалкодексининг 110-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

36) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан.

*(329-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонунига асосан 36-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

37) мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан.

*(329-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан 37-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 330-модда. Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш

Хўжалик судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(330-модданинг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар — тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича;

3) тадбиркорлик субъектлари — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

4) аризачи ва жавобгар — қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирмаган корхоналарни тугатишга доир ишлар бўйича;

5) даъвогарлар — ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш туфайли ўрмон фондига етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги, ўрмон хўжалиги даромади суммаларини (шу жумладан, ўрмон дарахтларини ўсиб турган жойида сотиш қоидаларини бузганлик учун зарар ва неустойкани, шунингдек ўзбошимчалик билан ўрмон дарахтларини кесганлик, пичан ўрганлик ва молларни ўтлатганлик учун жарималарни) ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари — палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар бўйича;

*(330-модданинг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

7) нодавлат нотижорат ташкилотлари — ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

8) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

9) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

10) туманлар, шаҳарлар (шаҳар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари — коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

11) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча даъволар бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари — зарар етказувчидан қуйидаги суммаларни ундириш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича:

*(330-модда 12-бандининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомототранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатишга ва эҳтиёт қисмлар олиш, ногиронларни автомототранспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларни қоплаш суммаларини;

13) даъвогарлар ва жавобгарлар — суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари — мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ барча ишлар бўйича;

14) «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, унинг дирекцияси ва жойлардаги бўлинмалари — қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан банк кредитларини тўламаслик хавфини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, шунингдек фьючерс контрактлар бўйича ишларни амалга ошириш учун олдиндан бериладиган маблағларнинг қайтарилишини суғурта қилиш шартномалари бўйича тўланган суғурта товони учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

15) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, унинг жойлардаги органлари — сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

16) туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари — қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини кўзлаб берилган даъволар бўйича;

17) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари — атроф муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг тартиб ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича;

18) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — стандартларни, техник шартларни жорий этиш ва уларга риоя этилиши ҳамда маҳсулотлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар ёки шундай ваколатга эга бўлган бошқа органлар жўнатишни ман этган маҳсулотларни етказиб берган юридик шахслардан бюджет даромадига жарималар ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари — қўмита ваколатларига мувофиқ судларга бериладиган даъволар ва аризалар юзасидан;

*(330-модданинг 19-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

20) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар бўйича;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

21) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари — барча ишлар ва ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

*(330-модданинг 21-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

22) прокуратура органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

23) адлия органлари — давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

24) ундирувчи ёки суд ижрочиси — қонунда назарда тутилган тақдирда, қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

25) юридик ва жисмоний шахслар — суд ижрочисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлари бўйича;

26) халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан ҳукуматлараро келишувлар асосида берилган кредитлар бўйича асосий қарздор сифатида қатнашувчи давлат органлари ва ташкилотлари — субзаём олувчилардан пайдо бўлган қарздорликларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) давлат эҳтиёжлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича сотиб олувчи ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари — етказиб берувчилар (пудратчилар) томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги билан боғлиқ даъволар юзасидан.

*(330-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 25 — 27-бандлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан.

*(330-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сонли Қонунига асосан 28-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 555-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29) Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашлари — фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан.

*(330-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан 29-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 91-моддасининг учинчи қисми.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30) мулкдорлар — хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа

органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳақидаги ишлар юзасидан;

31) аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича.

*(330-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан 30 ва 31-бандлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

**331-модда. Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) шахслар — давлат пенсиялари ва нафақаларини олиш учун зарур бўлган, шунингдек васийлик қилиш ва фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари тўғрилигини уларга тасдиқлаб берганлик учун;

2) шахслар — мол-мулкини давлат фойдасига, шунингдек юридик шахслар фойдасига ҳадя қилиш тўғрисидаги васиятномалари ва шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

3) давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари — уларга давлатнинг меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликатини) берганлик, шунингдек ушбу гувоҳномаларни (гувоҳномаларнинг дубликатини) олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар учун;

4) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари — барча нотариал ҳаракатлар бўйича;

5) шахслар — уларга қуйидагилар учун меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун:

Ватанни ҳимоя қилиш чоғида, бошқа давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлиги муносабати билан ёхуд инсон ҳаётини қутқариш, давлат мулкини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини адо этиш муносабати билан ҳалок бўлган шахсларнинг мол-мулки учун;

уй-жой (квартира) учун ёки уй-жой-қурилиш кооперативидаги пай учун, агар улар мерос қолдирувчининг вафот этиш кунигача бирга яшаган, турар жойда қайд этилган бўлса ва мерос қолдирувчининг вафотидан кейин ҳам шу уй-жойда (квартирада) яшаётган бўлса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологияси муаллифининг мулкий ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкий ҳуқуқлари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижроларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун.

*(331-модданинг 5-банди тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сонли Қонунига асосан тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 555-модда)*

6) шахслар — пенсиялар ва нафақалар олиш учун ишончномани тасдиқлатганлик учун;

7) оналар — кўп болалик учун уларга орденлар ва медаллар берилганлиги ҳақидаги ишлар бўйича ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлаб берганлик учун;

8) мактаб-интернатлар — фарзандларининг мактаб-интернатдаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

9) молия органлари — фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ихтисослаштирилган мактабларидаги таъминоти учун ота-оналардан қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

10) ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этиш ва ҳалок бўлиш ҳодисасига корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан суғурта қилинган жисмоний шахсларнинг меросхўрлари — суғурта пулига ворислик ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берганлик учун;

11) сурункали руҳий касалликка чалинган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда васийлик белгиланган шахслар — мол-мулкка ворислик қилишлари тўғрисида гувоҳнома олганликлари учун;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 32-моддаси.*

12) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари — ходимларни ташкилий йўсинда ишга қабул қилиш тартибида тузиладиган меҳнат шартномаларини тасдиқлаганлик учун;

13) 1941—1945 йиллардаги уруш ногиронлари, 1941—1945 йиллардаги уруш фронтларида яраланган шахслар ва 1941—1945 йиллардаги уруш фронтларида ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган шахсларнинг оила аъзолари, 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ҳамда Ватанни ҳимоя қилишда ва Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаётганда яраланган шахслар, Афғонистон Республикасида байналмилал бурчини ўтаган шахслар, шунингдек 1986—1987 йилларда Чернобиль АЭСининг заҳарланган минтақаси доирасида авария оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар, 1986 йилда Чернобиль АЭСидаги авария муносабати билан заҳарланган минтақадан кўчирилган (шу жумладан, ўз ихтиёри билан чиқиб кетган) шахслар, агар улар вафот этган бўлса, уларнинг оила аъзолари — имтиёзлар берилиши учун зарур бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхаларининг тўғрилигини тасдиқлатганлиги учун;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича тўланиши керак бўлган мукофотнинг ундирилиши тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун;

*(331-модданинг 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-312-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 555-модда)*

15) шахслар — уларга йўловчиларнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта суммаларига ҳамда фуқароларга қарашли мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси юзасидан суғурта товони суммалари бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

16) фермер хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар — уларга фермер хўжалигининг мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

17) юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалигида фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар — уларга деҳқон хўжалиги мол-мулки бўйича меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун;

18) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — мажбурий бадалларни тўлаш ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро ёзувларини амалга оширганлик учун.

**332-модда. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божини тўлашдан озод қилиш**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишда давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) халқ таълими органлари, балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар — етим болаларни ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни болалар муассасаларига ва ўқув юртларига юбориш учун туғилганлик тўғрисида такрорий гувоҳномалар берганлик учун;

2) жисмоний шахслар — туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, уларга фарзандликка олинган, оталик белгиланган, жинси ўзгартирилган ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш чоғида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тўлдирилган ва тузатилган тақдирда гувоҳномалар берганлик учун;

3) жисмоний шахслар — уларга белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ёхуд қилган жиноятлари учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори асосида гувоҳномалар берганлик учун;

4) жисмоний шахслар — уларга реабилитация қилинган қариндошларининг вафот этганлиги тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар берганлик ёки илгари берилган гувоҳномаларни алмаштирганлик учун;

5) табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар — уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун.

### 333-модда. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришда ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини беришда давлат божини тўлашдан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат божини тўлашдан қуйидаги ҳолларда озод қилинади:

1) дипломатик паспорт берганлик учун;

2) қуйидаги ҳолларда хорижга чиқиш учун рухсатнома берганлик учун:

яқин қариндошлари вафот этган ёки улар дафн этилган жойларни зиёрат қилган тақдирда;

фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга (битимларга) биноан улар чет эл судларига фуқаролик ва жиноят ишлари юзасидан тарафлар, гувоҳлар ва экспертлар сифатида чақирилганда;

3) ўн олти ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси гувоҳномасини берганлик учун;

4) тўлиқ давлат таъминотида бўлганлар — Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ушбу модда биринчи қисмининг 1—3-бандларида кўрсатилган ҳужжатларга бирон бир ўзгартириш киритилган тақдирда ҳам давлат божи тўлашдан озод қилинади.

### 334-модда. Консуллик йиғимини тўлашдан озод қилиш

Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро шартномаси мавжуд бўлса;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича;

3) чет эл дипломатик паспортларига ўзаролик асосида виза қўйганлик учун;

4) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатларни сўраб олганлик ва легаллаштирганлик учун;

5) чет давлатларнинг белгиланган тартибда аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ва чет

давлатлар ҳукумат ташкилотларининг ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ҳамда филиаллари ходимларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

6) белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилган матбуот вакилларидан (уларнинг оила аъзоларидан);

7) инсонпарварлик ёрдамини кузатиб келувчи чет давлатларнинг фуқароларидан;

8) ўн олти ёшга тўлмаган болалардан;

9) Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек бюджет ташкилотлари таклифига биноан Ўзбекистон Республикасига келувчи чет давлатлар фуқароларидан, агар контракт шартларига кўра виза олиш билан боғлиқ харажатлар қабул қилувчи тарафга юклатилган бўлса;

10) ушбу Кодекснинг 331, 332 ва 333-моддаларида назарда тутилган ҳолларда.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставининг 73-моддаси.*

### 335-модда. Бошқа ҳаракатларни амалга оширганда давлат божини тўлашдан озод қилиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Фуқароларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун давлат божи тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

*(335-модданинг биринчи қисми биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар;

мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилари.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Деҳқон хўжаликларини, давлат корхоналари негизида тузилаётган акциядорлик жамиятларини, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини), шунингдек хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

*(335-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

### 336-модда. Давлат божини тўлаш ва ҳисобга ўтказиш тартиби

Давлат божи, агар ушбу бўлимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 6, 8-бандлари.*

Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти банкнинг тўлов ижро этилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

белгилаган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Давлат божини тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари амалга оширилаётган юридик аҳамиятга молик ҳаракатларнинг турига, тўловчиларнинг тоифаларига ёки бошқа ҳолатларга кўра ушбу Кодекснинг 337, 338, 339 ва 340-моддаларида белгиланади.

Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида бюджет тасарруфига ўтказилади, давлат божининг хизматлари учун давлат божи ундирилаётган давлат органи тасарруфида қолдирилаётган қисми бундан мустасно.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат божининг бир қисми давлат органи тасарруфида қолдирилган тақдирда, давлат божи кейинчалик маблағлар бюджет ва давлат органи ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича тақсимланган ҳолда ягона ҳисоб варағига тўланади.

*(336-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат божининг давлат органи тасарруфида қолдириладиган миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

*(336-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Мулкий низо бўйича судга даъво аризаси берилганда, шунингдек мол-мулкнинг олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномасини нотариал тартибда тасдиқлашда, меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда, агар даъво қиймати, шартнома суммаси ёки мерос миқдори чет эл валютасида белгиланса, давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда чет эл валютасида ундирилиши мумкин.

### 337-модда. Судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Судларга бериладиган даъво аризаларидан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича судларга бериладиган шикоятлардан, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация ва назорат тартибидаги шикоятлардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун давлат божи қуйидаги тартибда ундирилади:

шартномаларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги даъво аризаларига шартнома тўлалигича ёки унинг бирон бир қисми низолашилаётганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади;

қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан давлат божи умумий асосларда ундирилади;

Суд дастлабки даъвогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирганда, бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори 5-бандининг биринчи хатбоши.*

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ҳуқуқий ворисдан ундирилади.

Судья бир ёки бир нечта бирлашган даъво талабларини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик юзасидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 4.3-банди.*

Илгари кўрмасдан қолдирилган такроран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат такроран берилган аризага илова қилиниши мумкин.

Давлат божи ҳисоблаб чиқариладиган даъво баҳоси даъвогар томонидан, белгиланган ҳолларда эса, фуқаролик процессуал ва хўжалик-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ суд томонидан аниқланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 106-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси 92-моддасининг тўртинчи қисми.*

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш пайтида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди.

Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг етишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади.

Даъво биргаликда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда давлат божи қуйидаги ҳолларда ҳам ундирилади:

даъво даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда;

даъво аризаларини қабул қиладиган судья бир тусдаги бир неча талабни бир иш юритувига бирлаштирганда.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчисидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бунда даъвогар давлат божини тўлашдан озод

қилинган бўлса, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдорига мутаносиб равишда бюджетга ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетга ундирилиши лозим.

Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асносида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда — жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан чиқиб кетганда, давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим.

Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим.

*(337-модданинг ўн саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгалланган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш тўғрисидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкий хусусиятдаги даъво аризалари жумласига киради.

Никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Аризани (илтимосномани) қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган аризаларга, давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат илова қилиниши мумкин.

Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча ишлар учун бир тўлов топшириқномаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг

бирига илова қилинади. Мазкур иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйилади ва тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(337-модданинг йигирма бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибида қўзғатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига олинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга умумий юрисдикция судининг, хўжалик судининг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида умумий юрисдикция судига, хўжалик судига мурожаат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши лозим.

*(337-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан йигирма олтинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори.*

### 338-модда. Нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун давлат божи ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идоралари томонидан бажарилганлиги учун давлат божи нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда ундирилади, нотариал идоралардаги ишларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг дубликатини, ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун эса улар берилаётганда ундирилади.

*(338-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

Давлат божи тўлашдан бир тараф озод этиладиган битимлар бўйича давлат божини бошқа тараф тўлиқ тўлайди.

Давлат нотариал идораси депозитига қабул қилиш учун пул суммалари почта орқали ёки банкдан келиб тушган ҳолларда давлат божининг тегишли суммалари келиб тушган пулдан ушлаб қолинади, уларнинг қолдиғи эса депозитга қабул қилинади. Ушлаб қолинган давлат божи суммалари давлат нотариал идораси депозит суммаларини банкка навбатдаги топшириш чоғида бюджетга ўтказилиб, банк квитанцияси нотариал идора ишларида сақланади.

Давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш бундан мустасно.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос очилган кунда (мерос қолдирувчи вафот этган кунда) ворислик тартибида ўтаётган бутун мол-мулкнинг қийматидан ундирилади.

Бир нечта меросхўр (шу жумладан қонун бўйича, васиятнома бўйича ва меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар) бўлган ҳолларда давлат божи ҳар бир меросхўрга тегишли мерос улушидан ҳисоблаб чиқарилади.

Вояга етмаган меросхўрлар бўлган (шу жумладан мерос қолдирувчиларнинг болалари бўлмаган) тақдирда ҳам давлат божи бутун мерос мол-мулк қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, лекин фақат вояга етган меросхўрлардан уларнинг меросдаги улушига тегишли суммадан ундирилади.

Агар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларнинг аризаси бўйича мерос мол-мулкнинг бир қисмига берилаётган бўлса, давлат божи берилаётган гувоҳномада кўрсатилган мол-мулк қисмининг қиймати учун белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Кейинчалик мол-мулкнинг қолган қисмига гувоҳнома берилганида давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан ҳисоблаб чиқарилади, тўлашга эса ҳисоблаб чиқарилган сумма билан биринчи гувоҳнома берилганлиги учун тўланган сумма ўртасидаги фарқ тақдим этилади.

Қонун бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа меросхўрлар мавжуд бўлган тақдирда, мерос мол-мулкнинг бир қисми меросхўрларга васиятнома бўйича ўтган ҳолларда давлат божи васиятнома бўйича мол-мулк қийматидан алоҳида ҳисоблаб чиқарилади, қолган мол-мулк қийматидан эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Қонун бўйича ва васиятнома бўйича мерос қилиб олинаётган мол-мулкдан мероснинг мажбурий улуши ажратилган ҳолларда давлат божи қонунга биноан ворислик ҳуқуқи бўйича ўтаётган бутун мол-мулк қийматидан, шу жумладан мажбурий улуш билан бирга ҳисоблаб чиқарилади.

Судларнинг илгари берилган гувоҳномалар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари асосида бериладиган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги такрорий гувоҳномалар учун давлат божи умумий асосларда ундирилади. Бунда бирламчи гувоҳнома учун тўланган давлат божи суммаси қайтарилиши ёки солиқ тўловчининг аризасига кўра янги гувоҳнома берганлик учун бериладиган сумма ҳисобига, агар суммалар бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган даъво муддати тугамаган бўлса, ўтказилиши лозим. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган ҳар қандай шартнома такроран тасдиқланган тақдирда, масала худди шундай тартибда ҳал қилинади.

Давлат нотариал идораси реестрида такрорий гувоҳномалар ва шартномаларни қайд қилишда тегишли катакчада давлат божи қачон ва қанча суммада ундирилганлиги ҳамда ундириш тўғрисидаги ёзув қаерда борлиги кўрсатилади. Бунда нотариал идора ишларида қоладиган асосий ҳужжатларга суднинг тегишли гувоҳномалар ва шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари илова қилиниши керак.

Кредит ташкилотлари томонидан бериладиган сертификатлар ва аккредитивларга доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Эр-хотиннинг биргаликда яшаганда олинган ва эр-хотиндан бирининг вафотидан кейин қолган мол-мулкка доир меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божи мерос бўйича ҳақиқатда ўтаётган мол-мулк қисмининг қийматидан ундирилади.

Давлат божи мутаносиб равишда ундириладиган нотариал ҳаракатлар бажарилганда уни ҳисоблаб чиқариш тарафлар кўрсатган суммадан ушбу моддада белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга тегишли уйлар, квартиралар, дала ҳовлилари, гаражлар, бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи суммаси уларнинг турар жойи ёки умумий майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тўловлар вақти-вақти билан амалга ошириладиган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи шартнома бўйича у амал қилган бутун вақт учун тўловларнинг умумий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади. Агар шартнома унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган бўлса, давлат божи шартнома

бўйича уч йил учун тўловлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Энг кам ва энг кўп сумма кўрсатилган шартномаларни тасдиқлашда давлат божи энг кўп суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш ва қарзни ўтказиш тўғрисидаги, илгари тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ёки шартноманинг дастлабки суммасини кўпайтириш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашда давлат божи амалга оширилмаган ҳуқуқларни ҳамда ижро этилмаган мажбуриятларни баҳолашдан ёхуд илгари тузилган шартнома суммаси кўпаяётган суммадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва ундирилади.

Айирбошлаш шартномалари бўйича давлат божи қиймати юқори бўлган мол-мулкдан ҳисоблаб чиқарилади.

Шартларига кўра тўловлар суммасида ижарага олувчи томонидан қуриладиган иморатлар ва бошқа иншоотлар, хоналарни жиҳозлаш қиймати, шунингдек ижарага олувчи томонидан амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ва бошқа шу кабиларнинг қиймати ҳисобга олинадиган мулк ижараси шартномасини тасдиқлашда ҳисоблаб чиқариладиган ва ундириладиган давлат божининг суммаси амалга ошириладиган харажатларнинг қиймати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ижро ёзувлари бўйича ёзувни амалга оширганлик учун тегишли давлат божи суммаси ундирувчи уни тўлашдан озод қилинган тақдирда ёзув бўйича қарз ундирилаётганда қарздордан ундирилади.

### 339-модда. Консуллик йиғимини тўлаш тартиби

Консуллик йиғими консуллик ҳаракатлари амалга оширилгунига қадар тўланади. Консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилади. Консуллик йиғимларининг тўланган суммалари қайтарилмайди.

Консуллик йиғимлари суммаларини бюджетга, шунингдек чет элда тўланган консуллик йиғимларини Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси ва унинг консуллик муассасасининг махсус банк ҳисобварақларига ҳисоблаб чиқариш, ундириш ва ҳисобга ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Консуллик ҳаракатларини бажариш билан боғлиқ бўлган сарфланган харажатларни қоплаш ва келиб тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1273, 18.09.2003 й.).*

### 340-модда. Давлат божини бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун давлат божи далолатномаларни рўйхатда қайд этиш чоғида, такрорий гувоҳномалар берганлик учун эса, улар берилаётганида тўланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(340-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

Чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун, бу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритганлик учун, шунингдек яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик ёхуд чет эллик фуқароларнинг паспортларига ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларига чиқиб кетиш ёки кириб келиш ҳуқуқини берадиган визалар қўйганлик учун давлат божи тегишли ҳужжатлар олингунига қадар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳамда

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан эса, бундай аризалар берилгунига қадар тўланади.

Чет элдан кириш ва чет элга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, яшаш гувоҳномасини, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик ёки уларнинг муддатини узайтирганлик, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан чет элга хизмат сафарига юбориладиган фуқароларнинг хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлардан давлат божи белгиланган тартибда ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тўланади.

Чет элга хизмат сафарига юборилган ходимлар билан биргаликда уларнинг хотини ва болалари хизмат сафарининг бутун муддатига сафарга борганида давлат божи хизмат сафарига юборилганларнинг ўзларидан ундирилгани каби тартибда ва миқдорларда ундирилади. Оила аъзолари чет элга хизмат сафарига юборилган шахснинг олдига меҳмон бўлиб оддий сафарга борганларида давлат божи умумий асосларда ундирилади.

Чет эллик фуқароларга Ўзбекистон Республикасидан чиқишга визалар берганлик учун давлат божи ҳар бир шахсга алоҳида виза ёки бир нечта шахсга умумий виза берилаётганлигидан қатъи назар, ўн олти ёшга тўлган ҳар бир шахсдан ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини турар жойга қайд этганлик ва турган жойи бўйича ҳисобга олганлик, ов қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома берганлик учун давлат божи ҳужжат берилаётганда тўланади.

*(340-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

### 341-модда. Давлат божи тўловларини ва тушумларини ҳисобга олиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция давлат божини ундирадиган давлат органларида қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

*(341-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Нотариал ҳаракатларни рўйхатдан ўтказиш реестрида киритилган давлат божи суммаси, давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг санаси ва рақами кўрсатилади.

*(341-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(341-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(341-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(341-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

Тўловчилар давлат божини тўлашдан озод этилган ҳолларда, тегишли ҳужжатларга (реестрларга, дафтарларга ва бошқа шу кабиларга) тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда белги қўйилади.

Давлат божи тушумларини ҳисобга олиш давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тегишли давлат органлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат божини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

### 342-модда. Давлат божини қайтариш тартиби

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

1) давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2) суд аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этганида, шунингдек давлат нотариал идоралари нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;

*(342-модда биринчи қисмининг 2-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

3) аризаси (шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги муносабати билан даъвогарга қайтариб берилганда;

4) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;

5) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

6) ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

7) даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;

8) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

9) агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

10) суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

11) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин.

Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарадилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## XVIII БЎЛИМ. БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИ

### 343-модда. Умумий қоидалар

Божхона органлари божхона ишини амалга оширишда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган божхона тўловларини ундиради.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 344-моддаси; Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103 — 106-моддалари.*

Божхона тўловларини тўловчилар, бу тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш, қайтариш ва ундириш тартиби, шунингдек божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103 — 106-моддалари.*

Товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришда акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек мазкур солиқлар бўйича имтиёзлар ушбу Кодексда белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодексининг 204 — 207, 223 — 226, 230-моддасининг иккинчи қисми, 234, 240-моддалари.*

**344-модда. Божхона тўловларининг турлари**

Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда ҳамда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда божхона тўловларининг қуйидаги турлари тўланади:

бож;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103-104-моддалари, Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сонли қарори билан тасдиқланган Импорт божи ставкалари.*

қўшилган қиймат солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103-104-моддалари, мазкур Кодекснинг 197 — 228-моддалари.*

акциз солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 103-104-моддалари, мазкур Кодекснинг 229 — 241-моддалари.*

божхона йиғимлари. Божхона йиғимларининг рўйхати ва уларнинг ставкалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 105-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 204-сонли «Божхона йиғимлари ставкалари тўғрисида»ги қарори.*

## XIX БЎЛИМ. ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШ ВА АЙРИМ ТУРДАГИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ УЧУН ЙИҒИМ

### 345-модда. Солиқ тўловчилар

Йиғим жорий қилинган товарлар савдосини ва хизматлар кўрсатишни белгиланган тартибда амалга ошираётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим тўловчилардир.

### 346-модда. Солиқ солиш объекти

Товарлар ва хизматларнинг қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхати товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш учун йиғим объектидир.

### 347-модда. Йиғимни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим йиғим ставкаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ойлик миқдори доирасида ҳисоблаб чиқарилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимнинг аниқ ставкаси маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари томонидан белгиланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тўланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим бўйича ҳисоб-китоб фаолият амалга оширилаётган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига:

йил давомида тегишли рухсат гувоҳномасини (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарорини) олган солиқ тўловчилар томонидан — рухсат гувоҳномаси (маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг қарори) берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар йили ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

Энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлаштирилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўлов муддатидан кечиктирмай тақдим этиши шарт.

*(347-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-313-сонли Қонунига асосан тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 52-сон, 556-модда)*

## XX БЎЛИМ. СОЛИҚ СОЛИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБИ

### 55-боб. Умумий қоидалар

### 348-модда. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари учун қўлланилади ва ягона солиқ тўловини, ягона ер солиғини ҳамда

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг махсус қоидалари қўлланилишини, шунингдек мазкур солиқлар бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилишини назарда тутади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 348 — 375-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш белгиланган фаолият турларини амалга оширувчи ягона солиқ тўлови тўловчилар ва ягона ер солиғини тўловчилар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқ тўлашлари шарт.

*(348-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқлар ушбу Кодексда назарда тутилган жами умумбелгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўрнига тўланади, ушбу Кодекснинг 349-моддасида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

Солиқ даври мобайнида, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳолларда, солиқ солиш тартиби ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи бу ҳақда солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади. Бунда ўтган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўша даврда амал қилган солиқ солиш тартибидан келиб чиққан ҳолда тўлаш бўйича мажбуриятлар солиқ тўловчиларда сақланиб қолади.

**349-модда. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда айрим умумбелгиланган солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар**

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун, агар ушбу Кодекснинг 373-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

ушбу Кодекснинг 165-моддасида назарда тутилган тартибда тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;

ушбу Кодекснинг 207-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи;

агар ушбу Кодекснинг 350-моддасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

*(349-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан олтинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 343-344-моддалари.*

ягона ижтимоий тўлов;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 305 — 311-моддалари.*

давлат божлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 326 — 342-моддалари.*

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 345 — 347-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини ва ягона ер солиғини тўловчилар бундан мустасно);

*(349-модданинг ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодексининг 320 — 325-моддалари.*

## 56-боб. Ягона солиқ тўлови

### 350-модда. Солиқ тўловчилар

Ягона солиқ тўловини тўловчилар қуйидагилардир:

1) микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилганлар мустасно;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси.*

2) ходимларнинг сонидан қатъи назар:

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2065, 14.01.2010 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(350-модда биринчи қисми 2-бандининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 37-сон, 313-модда)*

лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — якка тартибдаги тадбиркор.

*(350-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан 3-банд билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24, 962, 965-моддалари.*

Ягона солиқ тўлови қуйидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга, бундан махсус печлардан фойдаланган ҳолда энергия тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно;

*(350-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1985, 24.07.2009 й.) 2-банди.*

ушбу Кодекснинг 57-бобига мувофиқ ягона ер солиғи ва ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга;

маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси.*

Микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига ходимларининг сони бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мезонга мос келадиган юридик шахслар киради. Бунда:

ходимларнинг сони ҳисобот йили учун ходимларнинг ўртача йиллик сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади;

юридик шахсларни микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига киритишда юридик шахснинг асосий фаолият (ихтисослиги) турига тўғри келадиган ходимлар сонининг мезони қабул қилинади.

Солиқ солиш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жумласига савдо фаолияти, умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият ўтган ҳисобот йили якунлари бўйича асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар киради.

Қуйидагиларга савдо фаолияти сифатида қаралмайди:

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот бўлган товарларни реализация қилиш, шу жумладан уларни мустақил юридик шахс бўлмаган фирма дўконлари орқали реализация қилиш;

воситачи, ишончли вакил томонидан воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича товарларни реализация қилиш, шу жумладан давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

тайёрлов фаолиятини амалга оширувчи корхоналар томонидан товарларни реализация қилиш.

*(350-модда бешинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият деганда кулинария, шунингдек бошқа озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш, реализация қилиш ва уларни истеъмол қилишни ташкил этиш бўйича фаолият тушунилади.

**351-модда. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, бундан ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар ҳамда оилавий корхона мустасно, ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар тўлашни танлашга ҳақли.

*(351-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

Фаолият кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун кейинги ҳисобот даври бошланишига камида бир ой қолганда, янги ташкил этилган микрофирмалар ва кичик корхоналар эса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашдан ихтиёрий равишда воз кечган тақдирда ҳисобот даври тугаганидан сўнг ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилинадиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот давридан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

Ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмайдиган ягона солиқ тўловини тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида кейинги ҳисобот йилидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан қайта ҳисоб-китобни амалга оширади. Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган тўловчилар томонидан, агар улар ҳисобот йили тугаши билан ушбу Кодекснинг 350-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ҳисобланган, белгиланган ходимлар сони мезонига мос келмаган бўлса, ягона солиқ тўловини тўлаган ҳисобот даври учун амалга оширилади.

*(351-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш учун ягона солиқ тўловини тўловчилар йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидагиларни тақдим этадилар:

ушбу Кодексда назарда тутилган шаклда ва тартибда умумбелгиланган солиқларнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоб-китобларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ҳисоблаб чиқарилган умумбелгиланган солиқлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани.

Умумбелгиланган солиқлар суммаси ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммасидан ошиб кетган тақдирда ошган сумма бюджетга тўланиши лозим.

Ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси умумбелгиланган солиқлар суммасидан ошиб кетган тақдирда, бюджет билан қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди.

Ягона солиқ тўлови бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказиш товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчилар билан тегишли қайта ҳисоб-китобларсиз амалга оширилади.

Агар ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳисоб-китоблар ва маълумотнома:

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай тақдим этилса, молиявий санкциялар қўлланилмайди;

йил якунлари бўйича ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш муддатидан кечиктириб тақдим этилса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 115-моддаси, «Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 1502, 02.08.2005 й.), «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2065, 14.01.2010 й.).*

### 352-модда. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 360-моддаси.*

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига қадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига қадар тўлайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ягона солиқ тўлови тўловчиларда жорий солиқ даврининг кетма-кет келувчи икки чораги давомида савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият асосий фаолият тури бўлмаса, улар ушбу Кодекс 348-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга ҳақли.

Агар юридик шахслар ҳисобот йили якунлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермасалар, улар келгуси йил бошидан эътиборан умумбелгиланган солиқлар тўлашга ўтиши керак, бундан солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар, бундан микрофирмалар ва кичик корхоналар мустасно, ягона солиқ тўловини тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ўтган ҳисобот йили учун умумбелгиланган солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар асосида ягона солиқ тўлови юзасидан ушбу Кодекснинг 351-моддасида белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ҳисобот йили тугаганидан кейин ушбу Кодекс 350-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қолган микрофирмалар ва кичик

корхоналар 1 февралдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартиби танланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шакл бўйича ёзма билдириш тақдим этиши шарт. Солиқ тўловчи томонидан ёзма билдиришнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга берилган розилиги деб ҳисобланади.

*(352-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонунига асосан учинчи — олтинчи қисмлар билан алмаштирилган — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 353-модда. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш

Ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, турли солиқ солиш объектлари ва (ёки) ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган ягона солиқ тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари керак. Бунда ушбу Кодекс 355-моддасининг иккинчи қисми 2-бандида кўрсатилган даромадларга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солинади.

Лотерея ўйинларини ташкил қилиш фаолияти билан бирга бошқа фаолият турларини амалга оширадиган юридик шахслар ушбу фаолият турлари бўйича қуйидагиларни тўлайди:

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирса — ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни;

агар улар микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмаса, — умумбелгиланган солиқларни.

### 354-модда. Махсус қоидалар

Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган ягона солиқ тўловини тўловчилар, агар ушбу Кодекс 352-моддасининг биринчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, камида ўн икки ойдан сўнг ягона солиқ тўловини тўлашга қайта ўтишга ҳақлидир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона солиқ тўловини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган биринчи чорак учун фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

*(354-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил муддатга кечиктириш ҳуқуқига эга, кечиктирилган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда имтиёзли давр тугаганидан сўнг ўн икки ой ичида тенг улушлар билан тўланади, ушбу Кодекснинг 350-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно.

Агар ягона солиқ тўловини тўловчилар ушбу Кодекснинг 199-моддасига мувофиқ қўшилган қиймат солиғи солинадиган оборотни амалга оширсалар, қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий асосда тўлашлари мумкин. Юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш учун ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин, янги ташкил этилган юридик шахслар эса, ўз фаолиятини амалга оширишни бошлагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим этади.

Ягона солиқ тўловини тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғини тўлашни рад этиш кейинги солиқ даври бошлангунига қадар бир ойдан кечиктирмай солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган шаклда тақдим этиладиган ёзма билдириш асосида фақат навбатдаги солиқ даврининг бошидан амалга оширилиши мумкин.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ушбу Кодекснинг VII бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона солиқ тўловини тўловчилар — юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади, умумбелгиланган солиқлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.

*(354-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 355-модда. Солиқ солиш объекти

Ялпи тушум солиқ солиш объектидир.

Солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини, акциз солиғини ва транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни чегирган ҳолда (ушбу солиқларни тўлайдиган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум.

*(355-модда иккинчи қисми 1-бандининг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум деганда қуйидагилар тушунилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун — ўз кучлари билан бажарилган, тегишинча қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини реализация қилишдан тушган тушум. Бунда, агар юқорида қайд этилган ишларни материаллар билан таъминлаш мажбурияти шартномага биноан буюртмачининг зиммасида бўлса, ушбу материалларга бўлган мулк ҳуқуқи буюртмачининг ўзида сақланиб қолган тақдирда, ўз кучлари билан бажарилган ишларни реализация қилишдан олинадиган тушум бажарилган ҳамда тасдиқланган ишларнинг буюртмачи материалларининг қиймати киритилмаган ҳолдаги қиймати сифатида белгиланади;

*(355-модда иккинчи қисми 1-бандининг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун — товар оборотн;

мол-мулкни молиявий ижарага (лизингга) берувчи юридик шахслар учун — молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун — кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси;

*(355-модда иккинчи қисми 1-бандининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

тайёрлов ташкилотлари учун — реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқарилган ялпи даромад;

*(355-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ўйин чипталарини уларда кўрсатилган нарх бўйича тарқатишдан тушган тушум;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

товарларни таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилувчи, шунингдек товарларни текинга берувчи юридик шахслар учун — товарлар таннархи ёки уларни олиш баҳоси. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ушбу норма экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга бериладиган товарларга татбиқ этилмайди;

*(355-модда иккинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

2) агар ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушадиган тушум ушбу Кодекс 130-моддасининг еттинчи — ўнинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ҳисобот даври мобайнида узоқ муддатли контрактларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинади.

*(355-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Қуйидагиларга солиқ солиш объекти сифатида қаралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган ҳиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқ суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

*(355-модда тўртинчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(355-модда тўртинчи қисмининг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

*(355-модда тўртинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

*(355-модда тўртинчи қисмининг 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

15) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

### 356-модда. Солиқ солинадиган база

Ушбу Кодекснинг 355-моддасига мувофиқ қуйидагилар чегириб ташланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиқ солинадиган базадир:

1) давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

2) тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар ва фоизлар тариқасида олинган даромадлар;

3) дивидендлар тариқасида олинган ва қайси юридик шахсдан олинган бўлса, ўша юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) йўналтирилган даромадлар. Муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқилаётганда (чиқиб кетганда) ёхуд тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки имтиёз қўлланилганидан сўнг бир йил ичида унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланганда илгари солиқ солинадиган базадан чегирилган даромадларга тўлов манбаида умумий асосларда солиқ солинади;

4) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар. Мазкур даромадларга улар қайси даврда пайдо бўлган бўлса, ўша даврдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ўтказилган ҳисоб-китоблар инобатга олинган ҳолда солиқ солиниши керак;

5) кўп оборотли қайтариладиган таранинг қиймати, агар унинг қиймати товарларни (ишлар ва хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумнинг таркибига илгари киритилган бўлса;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар;

*(356-модданинг биринчи қисмининг 6-банди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(356-модданинг биринчи қисми 7-банди Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

Солиқ солинадиган база ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чегирмалардан ташқари қуйидагилар учун камайтирилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(356-модда иккинчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

2) лотерея ўйинларини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасида юридик шахслар учун — ютуқ (мукофот) фондининг суммасига, бироқ тарқатилган чипталарга чиққан ютуқларнинг (мукофотларнинг) умумий суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорига;

3) брокерлик ташкилотлари учун — битим суммасидан биржага ўтказиладиган воситачилик йиғими суммасига;

4) воситачилик, топшириқ шартномаси бўйича воситачилик хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар учун — реализация қилинган товар улушида товарларни импорт қилишда тўланган божхона тўловлари суммасига.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база қуйидагиларга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтирилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига. Солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб беш йил ичида амалга оширилади;

*(356-модданинг учинчи қисми иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-345-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 1-сон, 1-модда)*

ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга текин йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 10 фоизига.

### 357-модда. Ялпи тушумга тузатиш киритиш

Солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

1) товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;

2) битим шартлари ўзгарганда;

3) баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;

4) бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ялпи тушумга тузатиш киритиш бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича эса кафолат муддати доирасида амалга оширилади.

Ушбу моддага мувофиқ ялпи тушумга тузатиш киритиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳоллар юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бунда товарни (ишни, хизматни) етказиб берувчи ялпи тушумга тузатиш киритишни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда тузатиш киритиш кўрсатилган ҳоллар юз берган солиқ даврида амалга оширилади.

*(357-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

### 358-модда. Имтиёзлар

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

### 359-модда. Солиқ даври. Ҳисобот даври

Календарь йил солиқ давридир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йил чораги ҳисобот давридир.

*(359-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

### 360-модда. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш, унинг ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасига, лекин ягона солиқ тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган ҳисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўлови қуйидагича тўланади:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда, кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*(360-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2065, 14.01.2010 й.), «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2203, 03.03.2011 й), «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2449, 04.04.2013 й.).*

### 361-модда. Солиқни ҳисобга олиш

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

## 57-боб. Ягона ер солиғи

### 362-модда. Солиқ тўловчилар

Ягона ер солиғини тўловчилар қуйидагилардир:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига киради:

*(362-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш ёхуд ер участкаларидан фойдаланган ҳолда фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш асосий фаолият тури бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўзларига белгиланган тартибда берилган ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва ўзи етиштирган мазкур маҳсулотни қайта ишлаш улуши реализация қилиш ёки қайта ишлаш учун олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ўз ичига олувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш умумий ҳажмида камида 50 фоизни ташкил этадиган юридик шахслар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солиғини тўловчилар бўлади.

*(362-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Қуйидагилар ягона ер солиғини тўловчилар сифатида қаралмайди:

ўрмон ва овчилик хўжаликлари;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

### 363-модда. Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллаш учун солиқ тўловчи ҳар йили жорий солиқ даврининг 1 февралига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ўтган солиқ даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улуши кўрсатилган маълумотномани тақдим этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлашнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзи етиштирган ва қайта ишлаган улушини аниқлашда ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар ҳисобга олинмайди.

Агар ўтган солиқ даври якунлари бўйича ягона ер солиғи тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермаса, солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши керак.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирадиган солиқ тўловчи ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб бермай қўйган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай давлат солиқ хизмати органига солиқ солиш тартибини танлаш тўғрисида ёзма билдириш тақдим этади. Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади.

*(363-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ер солиғини тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчи умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ даврининг биринчи чораги учун ушбу Кодексда назарда тутилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинади.

*(363-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

Умумбелгиланган солиқларни ёки ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган ягона ер солиғини тўловчи ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ фақат навбатдаги солиқ даври бошидан бошлаб яна ягона ер солиғини тўлашга ўтишга ҳақлидир.

Ушбу Кодекс 362-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларининг тажриба-экспериментал хўжаликлари ва таълим муассасаларининг ўқув-тажриба хўжаликлари фаолиятнинг ягона

ер солиғини тўлаш татбиқ этиладиган қисми бўйича солиқ солишнинг бошқача тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турларини амалга оширишда ягона ер солиғи тўловчи мазкур фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ва ягона солиқ тўловини ёки ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида қатъий белгиланган солиқни тўлаши шарт.

*(363-модданинг саккизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(363-модданинг тўққизинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ер солиғини тўловчилар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно.

*(363-модданинг ўнинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Биргаликдаги фаолиятдан олинадиган даромадларга ягона ер солиғи тўловчида дивидендларга солиқ солиш учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

### 364-модда. Махсус қоидалар

Ер участкалари ижарага (шу жумладан ички хўжалик пудратига) берилганида ягона ер солиғини тўлаш мажбурияти ижарага берувчининг зиммасида сақланиб қолади.

### 365-модда. Солиқ солиш объекти

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси солиқ солиш объектидир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддаси.*

### 366-модда. Солиқ солинадиган база

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати солиқ солинадиган базадир.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат йўриқномаси» (рўйхат рақами 1563, 19.04.2006 й.).*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(366-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни билан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи йил мобайнида вужудга келган ер участкалари учун солиқ солинадиган база ер участкаларига бўлган ҳуқуқ вужудга келган ойдан кейинги ойдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаси майдони камайтирилган тақдирда, солиқ солинадиган база ер участкаси майдони камайтирилган ойдан бошлаб камайтирилади.

Юридик шахсларда ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқлар вужудга келганда солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ вужудга келган ойдан бошлаб камайтирилади.

Ягона ер солиғи бўйича имтиёзга бўлган ҳуқуқ тугатилган тақдирда, солиқ солинадиган база бу ҳуқуқ тугатилган ойдан кейинги ойдан бошлаб кўпайтирилади.

**367-модда. Имтиёзлар**

Ягона ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(367-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

юридик шахслар, ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга.

*(367-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

Қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар — ягона ер солиғи тўловчиларга ушбу Кодекс 282-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам татбиқ этилади.

**368-модда. Солиқ даври**

Календарь йил солиқ давридир.

**369-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*(369-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 27-моддаси.*

Ягона ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига жорий солиқ даврининг 1 майигача тақдим этилади.

Йил давомида берилган ер участкалари учун ягона ер солиғи ер участкаси берилганидан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) тақдирда, ягона ер солиғини тўлаш ер участкаси олиб қўйилган (камайтирилган) ойдан бошлаб тўхтатилади (камайтирилади).

Ер участкасининг таркиби ва майдони йил давомида ўзгарган, шунингдек ягона ер солиғи бўйича имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугатилган) тақдирда, солиқ тўловчилар давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг 1 декабригача ягона ер солиғининг аниқлик киритилган ҳисоб-китобини тақдим этишлари шарт.

Ягона ер солиғини тўлаш қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(369-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

ҳисобот йилининг 1 сентябригача — йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;

ҳисобот йилининг 1 декабригача — солиқнинг қолган суммаси.

## 58-боб. Қатъий белгиланган солиқ

### 370-модда. Солиқ тўловчилар

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар қуйидагилардир:

фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

якка тартибдаги тадбиркорлар, бундан ушбу қисмнинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган тадбиркорлар мустасно.

*(370-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 18-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга оширишда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан иш кўрадиган якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосигина қатъий белгиланган солиқни тўловчи бўлади.

*(370-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунига асосан иккинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

### 371-модда. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган қисмига доир солиқ солишнинг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қатъий белгиланган солиқ тўлаш татбиқ этиладиган фаолият билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно.

*(371-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 360-моддаси.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекс 370-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган, фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу Кодекснинг 372 ва 373-моддаларида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқни тўлайди.

*(371-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

**372-модда. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби**

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

*(372-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Солиқ даври — бир ой.

Қатъий белгиланган солиқ ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

янги ташкил қилинаётган (бошловчи) солиқ тўловчилар томонидан — давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай;

фаолият юритаётган солиқ тўловчилар томонидан — ҳисобот йилининг 15 январигача тақдим этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ солиш объекти ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчилар аниқлик киритилган ҳисоб-китобни навбатдаги тўловни тўлаш муддатидан кечиктирмай тақдим этишлари шарт.

*(372-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-343-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2012 й., 52-сон, 584-модда)*

Қатъий белгиланган солиқни тўлаш:

юридик шахслар томонидан — ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ушбу Кодекс 375-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

**373-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ушбу Кодекснинг 370-моддасида кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидагиларни тўлайдилар:

1) божхона тўловлари;

2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

4) акциз солиғи — акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;

5) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

6) давлат божи;

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

Агар якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ солинадиган мол-мулкка ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, ушбу Кодекснинг 48, 50-бобларида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади. Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳар бир ёлланган ходим учун белгиланган тартибда берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда топширади.

*(373-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган келгуси иш куни тугагунига қадар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

*(373-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида тақдим қилинган ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган ахборот якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

### 374-модда. Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларида даромадларнинг ҳамда амалга оширилган товар операцияларининг ҳисобини юритишлари шарт.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари қуйидагилардир:

чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорнинг даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари;

Товар чеклари дафтари.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг аризаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олиш регистрлари охирги ёзув киритилган пайтдан эътиборан беш йил мобайнида якка тартибдаги тадбиркорда сақланади ва улар рақамланган, ип ўтказиб боғланган ҳамда тегишли давлат солиқ хизмати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига:

савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан, бундан тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарлар олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар мустасно, — йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кирадиган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойнинг якунлари бўйича ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### 374[1]-модда. Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур бобда белгиланган тартибга мувофиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига унинг ҳар бир ходими учун якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга ошириладиган фаолият бўйича назарда тутилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор фаолиятнинг бир нечта турини амалга оширган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ фаолиятнинг тегишли турлари учун ўрнатилган қатъий белгиланган солиқнинг энг юқори ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркор солиқ солиш мазкур фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ битта физик кўрсаткич учун ойига ўрнатилган қатъий белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида тўланади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлаш учун белгиланган муддатларда, меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтиш жойи бўйича амалга оширмаётган якка тартибдаги тадбиркор якка тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқни ўзи рўйхатдан ўтказилган жой ва фаолиятни ҳақиқатда амалга ошираётган жой бўйича белгиланган ставкалар ўртасидаги юқори ставканинг 30 фоизи миқдорида ўзи рўйхатдан ўтказилган жойга тўлайди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходими учун ҳисобга олиш карточкалари якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган давр учун ҳар бир ёлланган ходимга қатъий белгиланган солиқни ҳисоблашни тўхтатиб туришга асос бўлади.

Агар ўз фаолиятини тўхтатган якка тартибдаги тадбиркор давлат солиқ хизмати органига якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун ҳисобга олиш

карточкаларини белгиланган муддатларда тақдим этмаса, якка тартибдаги тадбиркорнинг мажбуриятлари бўйича қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш тўхтатилмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор якка тартибдаги тадбиркорнинг касб-ҳунар коллежи битирувчиси бўлган ходими учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан ушбу ходим коллежни тамомлаганидан эътиборан ўн икки ой мобайнида озод этилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор қатъий белгиланган солиқни тўлашдан қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча озод этилса, мазкур имтиёз якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ходими учун қатъий белгиланган солиқ тўлашга ҳам татбиқ этилади.

*(374[1]-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚҲТ, 2015 й., 33-сон, 439-модда)*

### 375-модда. Қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Солиқ тўловчининг календарь ойида ишлаган кунлари сонидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

*(375-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 25-кунидан кечиктирмай ҳар ойда, солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалар бўйича тўланади. Агар фаолият амалга оширилган жой учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари давлат рўйхатидан ўтказилган жой учун белгиланган ставкалардан фарқ қилса, қатъий белгиланган солиқ энг юқори ставка бўйича тўланади.

*(375-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан оилавий тадбиркорлик субъекти қатъий белгиланган солиқни якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўлайди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

*(375-модда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги ЎРҚ-379-сонли Қонунига асосан бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 49-сон, 579-модда)*

## XXI БЎЛИМ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИГА СОЛИҚ СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### 59-боб. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги солиқ тўловчиларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 376-модда. Умумий қоидалар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи ва қонун ҳужжатларида тасдиқланадиган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар учун айрим солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар дейилганда чет давлатнинг фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий равишда яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек хорижий нодавлат юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар тушунилади.

*(376-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилган инвестиция ҳажмидан келиб чиққан ҳолда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини, ягона солиқ тўловини, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан муайян муддатга озод қилинадилар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 1, 2-бандлари.*

### 377-модда. Имтиёзларнинг қўлланилиш тартиби

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳудудларда жойлаштирилганда;

чет эллик инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга оширилганда;

юридик шахсларнинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 33 фоиз бўлганда;

хорижий инвестициялар эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик асбоб-ускуна тарзида киритилганда;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилганлиги натижасида уларнинг қўлланилиши муддати мобайнида олинган даромадларнинг камида 50 фоизи юридик шахсни янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилганда.

*(377-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январдаги ЎРҚ-365-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 4-сон, 45-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 2-банди.*

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзларни олган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахс имтиёзлар берилган муддат тугаганидан кейин бир йил ўтмасдан фаолиятини тугатган тақдирда, чет эллик инвесторнинг

фойдасини ўз мамлакатига ўтказиш ва капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларнинг суммалари бюджетга ундирилганидан кейин амалга оширилади.

Ушбу бобда назарда тутилган шартларга номувофиқлик аниқланган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ушбу Кодекс 376-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган имтиёзларни олган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар иштирокидаги юридик шахс белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодекснинг IV бўлимида назарда тутилган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда умумбелгиланган тартибда тўланади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2312, 11.01.2012 й.).*

### 378-модда. Имтиёзлар қўлланилиши тўғрисида билдириш

Ушбу бобда назарда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиш мезонларига мос келадиган юридик шахс имтиёзларни қўллаш бошланган сана ҳақида солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда билдириши шарт.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2312, 11.01.2012 й.).*

Солиқ даври мобайнида ушбу бобда назарда тутилган имтиёзларга бўлган ҳуқуқ йўқотилган тақдирда, солиқ тўловчи рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органини солиқ тўловчининг имтиёзларга бўлган ҳуқуқи йўқотилган сана тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган шаклда ёзма равишда хабардор этади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2312, 11.01.2012 й.).*

## 60-боб. Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 379-модда. Умумий қоидалар

Оддий ширкат шартномаси бўйича шерикларнинг (иштирокчиларнинг) оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликда фойдаланадиган мол-мулки биргаликдаги фаолиятга қўшилган ҳисса тарзида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) балансида ҳисобга олиниши лозим.

Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ ҳолда вужудга келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш бўйича мажбуриятлар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи шахс (ишончли шахс) томонидан ижро этилади. Бунда, агар оддий ширкат шартномаси шерикларининг (иштирокчиларининг) бири юридик шахс бўлса, фақат юридик шахс ишончли шахс бўлиши мумкин.

Юридик шахслар иштирокидаги биргаликдаги фаолият натижаларига солиқ солиш, ушбу Кодекснинг 380 ва 381-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар оддий ширкат шартномасининг барча шериклари (иштирокчилари) якка

тартибдаги тадбиркорлар бўлса, биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш ушбу Кодекснинг 382-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ишончли шахс вазифасини бажарувчи юридик шахс солиқ солиш объектлари ва биргаликдаги фаолият бўйича солиқ солиш билан боғлиқ объектлар ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу бобда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли шахс оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичида ишончли шахснинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органида биргаликдаги фаолият доирасида солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт.

*(379-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида бешинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 380-модда. Ишончли шахсда биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш тартиби

Ишончли шахс биргаликдаги фаолиятга солиқ солишнинг ушбу моддада назарда тутилган ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда биргаликда чиқариладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳисобини алоҳида-алоҳида юритади.

Ишончли шахс биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш оборотлари бўйича ушбу Кодексда белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи (акциз тўланадиган товар реализация қилинган тақдирда) ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлайди.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 23-моддаси биринчи қисмининг 3-4-бандлари, учинчи қисмининг 1-банди, 197-моддасининг учинчи қисми, 223 — 226-моддалари, 236 — 240-моддалари, 309-310, 314, 315, 318-моддалари.*

Қўшилган қиймат солиғини тўловчи бўлмаган ишончли шахс биргаликдаги фаолиятни амалга оширишга тааллуқли қисм бўйича қўшилган қиймат солиғини тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати органида ҳисобга туриши шарт.

Ишончли шахс ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирган ҳолда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ушбу Кодекснинг 222-моддасида назарда тутилган тартибда реализация қилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташланган ҳолдаги соф тушум билан реализация қилинган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тўғри келадиган биргаликдаги фаолиятга киритилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади.

*(380-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Биргаликдаги фаолият натижасида олинган даромад биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси улуши асосида ёки оддий ширкат шартномаси шартларига мувофиқ тақсимланади ҳамда ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) бошқа даромадлари таркибига киритилади.

Оддий ширкат шартномасининг амал қилиши тугатилган ва мол-мулк ушбу шартнома шерикларига (иштирокчиларига) қайтарилган тақдирда, ҳар бир шерикнинг (иштирокчининг) ўзи киритган ҳиссаси миқдори доирасида олинган маблағлари оддий ширкат шартномаси шеригининг (иштирокчисининг) даромадлари таркибига киритилмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан оддий ширкат шартномаси шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинса, ишончли шахс томонидан биргаликдаги фаолият шерикларидан (иштирокчиларидан) ушбу Кодекс 381-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига мазкур Кодекснинг 220-моддасида белгиланган тартибда тузатиш киритилиши ва бу сумма илгари уни ишончли шахсга топширган шерикка (иштирокчига) қайтариб берилиши лозим. Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топшириладиган биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тегишли ҳиссасини оладиган шериклар (иштирокчилар) томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўққизинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади.

Ишончли шахс биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни шерикларига (иштирокчиларига) топшираётганда ушбу модданинг саккизинчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ аниқланадиган қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради. Биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш учун расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобида шерикнинг (иштирокчининг) ушбу солиқ суммасини ҳисобга олиши учун асос бўлади. Ҳисобварақ-фактурадаги «товар жўнатиш ҳужжатларининг ёки шартномаларнинг рақами ва санаси» сатрига «биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тақсимоти» деган белги қўйилади;

*(380-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

**381-модда. Оддий ширкат шартномаси шеригида (иштирокчисида) биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш тартиби**

Мол-мулкни биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топшириш шериклар (иштирокчилар) ўртасида келишилган қиймат бўйича ёки бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида ҳисобга олинадиган баланс қиймати бўйича амалга оширилади ҳамда унга товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш сифатида қаралмайди.

Қўшилган қиймат солиғи билан олинган ва биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топширилаётган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилаётган ишончли шахсда ҳисобга олиш учун қабул қилинади. Бунда оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) биргаликдаги фаолиятга топширилаётган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш учун қабул қилмайди. Агар киритилаётган мол-мулк бўйича илгари қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш амалга оширилган бўлса, мол-мулк биргаликдаги фаолиятга топширилган даврда илгари мазкур мол-мулк олинганда ҳисобга олиш учун қабул қилинган қўшилган қиймат солиғи суммаси камаяди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Оддий ширкат шартномасининг шериги (иштирокчиси) ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида топширган тақдирда, қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш вақтида илгари ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғи суммасига ушбу Кодекснинг 220-моддасида назарда тутилган тартибда тузатиш киритилиши лозим. Бунда ушбу қисмга мувофиқ тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси топширилаётган мол-мулкнинг қийматига киритилмайди ва биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс томонидан ҳисобга олинади. Тузатиш киритилган солиқ суммаси ушбу модданинг тўртинчи қисмига мувофиқ мазкур мол-мулкни топшириш расмийлаштириладиган ҳужжатларда кўрсатилади.

*(381-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Оддий ширкат шартномасининг биргаликдаги фаолиятга ҳисса сифатида мол-мулк топшираётган шериги (иштирокчиси) қўшилган қиймат солиғи тўловчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган тартибда ишончли шахс томонидан ҳисобга олиниши учун топширилаётган мол-мулк бўйича қўшилган қиймат солиғи суммасини кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиради. Биргаликдаги фаолиятга топширилган мол-мулк бўйича расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини ҳисоб-китоб қилишда солиқнинг ушбу суммасини ишончли шахс томонидан ҳисобга олиш учун қабул қилишга асос бўлади. Ҳисобварақ-фактурада «жўнатиладиган товарлар ҳужжатлари ёки шартномалар рақами ва санаси» деган катакчада «биргаликдаги фаолиятга ҳисса» деган белги қўйилади.

*(381-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинган даромадларга солиқ солиш оддий ширкат шартномаси шеригига (иштирокчисига) солиқ солишнинг амалдаги тартибига мувофиқ оддий ширкат шартномасининг ҳар бир шеригида (иштирокчисида) бошқа даромадлар таркибида амалга оширилади. Бунда, агар ушбу модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қатъий белгиланган солиқ тўловчилар (юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар), шунингдек ягона ер солиғини тўловчилар бўлган оддий ширкат шартномаси шерикларининг (иштирокчиларнинг) биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадларига дивидендларга солиқ солишда белгиланган ставкалар бўйича солиқ солинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромадларига, шу жумладан ушбу Кодекснинг 382-моддасига мувофиқ биргаликдаги фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорларнинг биргаликдаги фаолиятдан олган даромадларига, агар якка тартибдаги тадбиркорлар биргаликдаги фаолият доирасида ушбу Кодекснинг 375-моддасида назарда тутилган тартибда солиқ тўланган фаолият турини амалга ошираётган бўлса, ушбу модданинг бешинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайди.

*(381-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

### 382-модда. Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар амалга оширадиган биргаликдаги фаолиятга солиқ солиш

Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият фақат якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумдан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови, шунингдек, агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиғи тўлайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ягона солиқ тўлови биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан, биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинган тақдирда ҳам тўланади. Бунда ягона солиқ тўлови суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш доирасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг шакли Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

*(382-модда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни асосида иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

## 61-боб. Деҳқон хўжаликларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 383-модда. Деҳқон хўжаликларига солиқ солиш тартиби

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ушбу Кодексда жисмоний шахслар — солиқ тўловчилар учун назарда тутилган тартибда солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжаликлари қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди:

1) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 287 — 294-моддалари.*

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 257 — 244-моддалари.*

3) жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 272 — 277-моддалари.*

4) божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 343-344-моддалари.*

5) ушбу Кодекснинг XVII бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, давлат божи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 326 — 342-моддалари*

6) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 320 — 325-моддалари.*

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиги аъзолари ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 311-моддасида назарда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиги аъзолари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланган тақдирда, улар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари ҳамда ушбу Кодекснинг 58-бобида назарда тутилган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашлари шарт.

## 62-боб. Бозорларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 384-модда. Умумий қоидалар

Бозорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик шахс шаклида ташкил этилади.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 42-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларининг 4 — 9-бандлари.*

Бозорларнинг даромадларига қуйидагилар киради:

патта тўлови тушумлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 385-моддаси*

бошқа тушумлар.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 386-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш Қоидаларининг 38-банди.*

### 385-модда. Патта тўлови

Патта тўловини бозорларда товарлар, буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни амалга ошираётган жисмоний шахслар тўлайди.

Патта тўлови ҳар бир сотиш жойидан савдо қилинган ҳар бир кун учун ёки ҳар бир товар, буюм, чорва мол учун ундириладиган қатъий белгиланган тўловдир.

Жисмоний шахс билан тузилган ижара шартномасига биноан савдо жойи учун ижара ҳақи тўланадиган ҳолларда, патта тўлови суммаси ижара ҳақи таркибига киритилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Патта тўлови ҳар бир тўловчидан нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда, бир вақтнинг ўзида фискал хотирали назорат-касса машинасининг чекини ёки терминал чекини бериш орқали ундирилади.

*(385-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2013 й., 52-сон, 685-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Патта тўлови миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

*(385-модданинг бешинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

### 386-модда. Бошқа тушумлар

Бозорларнинг бошқа тушумлари жумласига қуйидагилар киради:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1) ижара тўловидан олинган даромадлар. Ижара тўлови бозор маъмуриятининг тасарруфида бўлган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади;

*(386-модда биринчи қисмининг 1-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

2) сотувчиларга ва сотиб олувчиларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3) бозор маъмурияти томонидан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва реализация қилишдан олинган даромадлар (деҳқон бозорлари учун). Бунда реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиш қиймати ўртасидаги фарқ даромаддир;

*(386-модда биринчи қисмининг 3-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

4) қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ижара тўловининг ва бозор маъмурияти кўрсатадиган хизматлар қийматининг миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

*(386-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари (рўйхат рақами 2412, 16.01.2013 й.).*

### 387-модда. Бозорларга солиқ солиш тартиби

Бозорларнинг ушбу Кодекс 385 ва 386-моддаларида кўрсатилган даромадларидан ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилмайди.

Бозорлар зиммасида тўлов манбаида солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш бўйича мажбуриятлар ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидагиларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодесининг 320 — 325-моддаси.*

ягона ижтимоий тўлов;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодеснинг 305-моддасининг биринчи қисми.*

давлат божи;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодесининг 326-моддаси.*

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодесининг 345-моддаси.*

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 305-моддасининг биринчи қисми, 312-моддасининг бирини қисми.*

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 320-321-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи бозорлар жойлашган жойдаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилади. Қолган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида қолади ва улардан жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади.

*(387-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-196-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2008 й., 52-сон, 512-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Қатъий белгиланган солиқ солинадиган фаолият турлари бозорлар томонидан амалга оширилганда, бундай фаолиятдан олинган даромадларга ушбу Кодекснинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинади. Бунда мазкур даромадларга ушбу модда учинчи қисмининг қоидалари татбиқ этилмайди.

*(387-модда Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан тўртинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)*

Олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни бозорлар солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқлаган шаклда тақдим этади.

Маблағларни бюджетга ўтказиш олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш муддатидан кечиктирмасдан бир ойда бир марта амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ушбу боб қоидалари устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 51 фоиздан кам бўлмаган юридик шахслар — савдо комплексларига татбиқ этилади.

*(387-модда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-274-сонли Қонунига асосан еттинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 51-сон, 485-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 63-боб. Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*(63-бобнинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

### 388-модда. Умумий қоидалар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик ва жисмоний шахслар концерт-томоша фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

*(388-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сон қарори билан тасдиқланган «Концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низом.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия оладиган юридик ва жисмоний шахслар белгиланган ставка бўйича давлат божи тўлайди.

*(388-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи ставкалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**389-модда. Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларга солиқ солиш тартиби**

*(389-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно.

*(389-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар зиммасида қуйидагиларни тўлаш мажбурияти сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 344-моддаси.*

ягона ижтимоий тўлов;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 305-моддасининг биринчи қисми.*

давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 305-моддасининг биринчи қисми, 312-моддасининг бирини қисми.*

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 320-321-моддалари.*

тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслар концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланганларида солиқ тўловчи фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиши ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Бошқа фаолият турлари бўйича ушбу Кодекс 350-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиқ солиш тартибини танлаш ҳуқуқи сақланиб қоладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар корхоналарнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини ёки умумбелгиланган солиқларни тўлаши мумкин.

*(389-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Юридик шахслар концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланган тақдирда, давлат божи ушбу Кодекснинг XVII бўлимида назарда тутилган тартибда тўланади.

*(389-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

**390-модда. Концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахсларга солиқ солиш тартиби**

*(390-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар мазкур фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади.

*(390-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамсининг 2001 йил 29 июндаги 285-сонли «Концерт-томоша фаолияти соҳасида солиқ солишни ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши.*

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жисмоний шахслар зиммасида қуйидагиларни тўлаш мажбурияти сақланиб қолади:

божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 344-моддаси.*

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 320, 321-моддалари.*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун давлат божи тўловчи жисмоний шахслар солиқ солинадиган мол-мулк ва (ёки) ер участкасига эга бўлсалар, ушбу Кодекснинг 48 ва 50-бобларида назарда тутилган тартибда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва (ёки) жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш мажбурияти уларнинг зиммасида сақланиб қолади.

*(390-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган мажбурий тўловларни тўлаш билан бир қаторда ушбу Кодекснинг 311-моддасида якка тартибдаги тадбиркорлар учун назарда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлайди.

*(390-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-381-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2014 й., 50-сон, 588-модда)*

## 64-боб. Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари, адвокатлик бюролари ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари

### 391-модда. Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроларига солиқ солиш

Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида фаолиятнинг адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатиш билан боғлиқ қисми бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этиладилар, қуйидагилар бундан мустасно:

божхона тўловлари;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 344-моддаси.*

ягона ижтимоий тўлов;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекс 305-моддасининг биринчи қисми.*

автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим;

*LexUZ шарҳи*

*Қаранг: мазкур Кодекснинг 320-321-моддалари.*

тўлов манбаида ушлаб қолинадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.

Адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари (адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ушбу Кодексда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўланади.

### 392-модда. Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш тартиби

Адвокатлар томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган гонорарлар суммаларига ушбу моддада белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади.

Адвокатнинг даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи объектидир.

Адвокатнинг даромади адвокат томонидан юридик ёрдам (хизмат) кўрсатганлик учун олинган сумма билан адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроларини сақлаб туриш учун ўтказилган маблағлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Солиқ солинадиган база адвокат даромадидан адвокат гонорарида ҳисобга олинадиган ягона ижтимоий тўлов чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Адвокатларнинг даромадларига солиқ солиш ушбу Кодекснинг 184—188-моддаларига мувофиқ солиқ агентлари — адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюролари томонидан амалга оширилади.